

Шарқ  
мутафанирлари

61  
и-74  
442283



Абдусолик Ирисов

**ҲАКИМ  
ИБН  
СИНО**

„УЗБЕНИСТОН“

Абдусодик Ирисов

Ҳаким  
Ибн  
Сино

*Ҳаёти  
ва ижоди*

ТОШКЕНТ  
«УЗБЕКИСТОН»  
1992


61

и - 74

72.3  
И 74

Масъул муҳаррир — ЎзФА академиги М. М. Ҳайруллаев

Муҳаррирлар — А. Ирисбоеев, М. Омон



ISBN 5-640-00838-9

и 44Q2000000-40  
M 351 (04) 92

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1992 й.

## ИБН СИНОНИНГ БОЛАЛИГИ

Ибн Синонинг таржимаи ҳоли ва ҳаёти ҳақида сақланаб қолган, давримизгача етиб келган манбаларнинг курсатишича, унинг тула оти Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Синодир. Аммо қисқароқ қилиб уни Абу Али ибн Сино деб аташади. Абу Али унинг кунясидир, оти Ҳусайн, отасининг оти Абдуллоҳ эди. Одатда арабларда ўз номини ўғлининг исми билан аташ расм бўлган, буни улар куня деб аташган. Кишининг исми ўғли номи билан аталганда, гўё унинг ҳурмати бажо келгандек бўлган. Бундай пайтда одамлар одатда ўзларини катта ўғил номи билан атаганлар. Баъзида эса ҳали ўғил кўрмаганлар илгаритдан, келажакда туғиладиган ўғлига бўлажак от ҳам қўйиб олишган ва ўзларини ўшанга нисбат бериб юрганлар. Шунинг учун Ибн Сино ҳам ўғил кўрмаганларни олишганлигидан қатъи назар, ўзига Абу Али — Алининг отаси деб куня қўйиб олган ва умрининг охиригача у шундай аталиб, бу ном унга исм даражасига ўтиб қолган. Али эса аслида отасининг буваси номи. Манбаларда Ибн Синони баъзан Шайх деб аташади. Олимнинг бу унвони илм ва фалсафа билан шугуулланганини курсатади. "Шайх"— аслида қария, оқсоқол маъносида бўлсаям, бу ерда донишманд, аллома маъносига тўғри келади. Шарқ ёдгорликларида кўпинча уни "Шайх ар-Раис" деган унвон билан аташади. Бу эса донишмандлар сардори, алломалар бошлиги, деган маънени билдиради. Аммо кўпинча китобларда Ибн Сино (Сино ўғли) деб ёзишади, шу боисдан гарб тилларида у ҳақда ёзилганда ё кейинчалик унинг асарлари гарб тилларига таржима қилинганида Ибн Сино исми талафзуи ўзгариб, аввал Абенсена, кейинчалик Авиценна шаклини олган ва бу исм гарб оламида кенг тарқалиб кетган.

Ундан ташқари, Ибн Синони Шарқ муаллифлари ҳақиқаттүй, ростгүй маъносида "Ҳужжат ул-ҳақ", у яшаган мамлакат, ўлканинг у туфайли обрўси ошганлиги учун "Шараф ул-мулк" ё донишманд, тадбиркор, вазир бўлгани учун "Ҳаким ул-вазир", "Ад-Дастур" деб ҳам атаб келганлар. Аммо Ўрта Осиё ҳалқлари ўргасида уни "Абу Али ибн Сино" деб аташ одат бўлган.

Абу Али ибн Синонинг ўзи ёзган таржимаи ҳоли ва шогирди Абу Убайд ал-Жузжонийнинг устоди ҳақида ёзиг қолдирган маълумотлари давримизгача етиб келган. Ибн Сино бу ерда ўзи туғилганидан то шогирди ал-Жузжоний билан танишганинга бўлган даврни ўзига қамраб олган таржимаи ҳолни ўз тили — биринчи шахс номидан ёзиг қолдирган. Шунинг учун ҳам Ибн Сино ҳақидаги дастлабки маълумот унинг мана шу таржимаи ҳолидан олинган ва деярли барча манбаларда ҳам шунга ҳавола қилиб фикр юритилган.

Абу Али ибн Синонинг отаси Абдуллоҳ асли Афғонистоннинг шимоли, Балхдан бўлиб, сомонийлардан бўлмиш Нуҳ ибн Мансур Сомоний (976—997) даврида Бухоро ўлкасига келиб қолган эди. У шу атрофда "Ҳурмитон" деган қишлоқда ҳукм юритади. Ҳурмитон ўша даврда йириқ қишлоқлардан саналар экан. Абдуллоҳ бу ерда амирнинг маъмуриятини бошқариб келган эди. Бу қишлоқнинг ҳозирги номи Ромитон бўлиб, Бухоро вилоятининг Пешку районига киради. Олимларнинг ёзишича, Абу Алиниң Отаси Ҳурмитонда аҳолидан солиқ ийгувчиларнинг бошлиғи, молия амалдори бўлган. Унинг амали йириқ бўлмаса-да, лекин ўзига тўқ кишилардан бўлган.

Ибн Синонинг онаси ҳақида унинг номидан бўлак ҳеч нарса маълум эмас. Ибн Сино таржимаи ҳоли ёзилган энг эски манбалардан бирининг муаллифи Байҳақийнинг ёзишига кўра, Абдуллоҳ ўша Ромитонга яқин бўлган "Афшана" деган қишлоқда Ситорабону деган қизга уйланади. Амир замонида бу қишлоқ Ромитон туманига қараган. Ҳозир Афшана деган ном ҳалқ ўргасида Исфанде шаклида сақланиб қолган. Бу номдаги қишлоқ ўша қадимги Афшана деб билинмоқда.

Ана шу қишлоқда Абу Али ҳижрий (қамарий) ҳисоби билан 370 йили сафар ойида, милодий йил ҳисоби билан 980 йили август ойида дунёга келди. Сафар ойи 16 августдан бошланиб 14 сентябргача давом этади. Ибн Сино мана шу ой ичига дунёга келган. Ҳозирча унинг туғилган куни аниқланмаган. Сафар ойининг биринчи

куни 16 августга тўғри келгани учун баъзан уни 16 августда туғилган деб ҳам ёзишади.

Афшана қишлоғи номи ҳам Ибн Сино туғилган қишлоқ сифатида танилди. Шу туфайли бу қишлоқ номи тарихий манбаларда кўпинча Ибн Сино номи билан илашиб келадиган бўлди. Абу Али беш ёшга тўлганида унинг укаси Маҳмуд туғилади. Бу вақтда отаси ўғлига чуқурроқ таълим беришни ўйлайди. Лекин қишлоқда кўп нарсадан хабардор муаллим топиш ва топилганда ҳам улар таълими билан кифояланиш Абдуллоҳни қониқтирмас эди. У бунинг учун пойтахтни кўзлади, у ерда турли илмдан хабардор муаллимлар, турли қасб эгалари, китоб ёзувчи ва кўчирувчи хаттотлар, адаб, қонуншунос, файласуф топилади. Бу ерда, бундайларни қидириб ҳам топиб бўлмайди. Шунинг учун Абдуллоҳ ўз оиласи билан Афшана қишлоғидан Бухоро шаҳрига кўчиб келади. Абдуллоҳ ўғлига таълим беришга киришади.

Одатда Шарқда савод ўқитишда, дастлаб, араб алифбеси ўргатилган. Кейин эса маъносини тушуниб етиш-ет-маслигидан қатъи назар, қуръон ўқитилиб ёдлатилган. Чунки ёдлаш орқали араб тили иборалари, унинг сўзлари эсда сақланиб қолган, бу эса келажакда тил ўрганувчилар учун лугат бойлиги бўлган. Чунки арабча сўз ва иборалар ёдлангач, кейинчалик ўша сўзлар эсга тушиб, тил билиш енгил кўчган.

Ибн Сино билан ҳам шундай бўлган бўлиши шубҳасиз. Абдуллоҳ дастлаб ўғлига савод ўргатишни ўзи олиб борган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Чунки унинг ўзи анчагина мулло одам бўлган. Абу Али бўлса ўткир зеҳни ва хотираси туфайли ўқиган нарсасини тез ўзлаштирган. Кейин Абу Али қуръон ёдлашга ўтган. Ибн Сино таржимаи ҳолида бу ҳақда: "Мени қуръон ва адаб илмини ўқитадиган муаллимларга топширдилар", деган сатрлар бор. Сатрлардаги "Қуръон илмини ўқитадиган" деганда унинг тафсири — шарҳи, маъноси, в ҳақда етиб келган хабарлар, уларга зарур изоҳлар англэшилади. Адаб илмига эса у маҳалларда араб тили сарфу навҳи — грамматикаси, араб адабиёти, хитоба илми ва шеър санъатини ўрганиш кирган.

Зеҳни ўткир Абу Али ўқиган нарсаларининг ҳаммасини енгилгина билиб олар, дарсларни ўқиган сари ундаги заковат намоён бўлар ва устодлари ҳам боланинг қобилиятига таҳсинлар ўқимай қўймасди. Шу тариқа Абу Алига маърифат даргоҳи кенг очилиб кетди. Абдуллоҳ ўғлидаги илмга бўлган иштиёқ ва ўргатилган барча

нарсаның таржимасынан үзлаштириб олиш қобилятиниң күриб, уни яна ҳам чуқурроқ билимдөн қилишга, илмлардан яна ҳам көнгрөқ, ҳали билиб ултурмаган фан соҳаларидан хабардор қилишга, бунинг учун эса янги-янги билимдөн устодлар қидириб топишга ҳаракат қиласады.

Шу билан бирга Ибн Сино мутолааси зўр, ўта меҳнатчан ва меҳнатсевар одам эди. Ибн Синода туғма қобилят билан меҳнатсеварлик иккаласи бир келган эди. Шунинг учун ҳам у ўзича мустақил ўқиган китоблар мазмунига тез кириб борар ва билишга киришган соҳаларини осонликча эгаллаб олар эди. У ўзининг бундай қобиляти билан ҳаммани ҳайратда қолдиради. Кейин у араб тили, адабиётини ўрганади. Араб тилини шу даражада яхши эгалайдики, ҳатто бу тилда кела-жакда илмий асар ёзиш билан бирга шеър ҳам ижод қиладиган даражага келади. Шу билан бирга Абу Али ҳисобни дурустгина билган, ўзи Бухоро шаҳрида бақколлик қиладиган Маҳмұл массоҳ ҳузурига қатнаб, бу олимдан ҳинд ҳисоби ва геометрия фанини ўргана бошлиди. Ундан сўнг Абу Алиниң отаси унга қонун-қоидаларни билдиримоқчи бўлади. Ўша даврда мусулмон қонун-шунослиги бўлмиш фиқҳ илми машҳур эди. Абу Али бу қатнаб, ундан фиқҳнинг турли-туман шахобчаларини Айни пайтда ёш Ибн Сино ўша даврда маърифатли одамлар билиши керак бўлган ҳадис ва тафсир илмини ўрганади. У бу соҳада ҳам Исмоил Зоҳид ҳузурига ўрганади. Натижада у фиқҳдан яхши хабардор бўлади. Одамлар билиши керак бўлган ҳадис ва тафсир илмини ўрганади. У бу соҳада ҳам Исмоил Зоҳиддан дарс олган бўлиши керак. Чунки у киши бу илмдан жуда ҳам ёзиб, унинг тўла номи Абу Муҳаммад Исмоил ибн Ҳусайн ибн Али ибн Ҳорун бўлиб, 402 (1002) йилда Абу Абдуллоҳ ан-Нотилий келиб қолади.

## ИЛК УСТОДИ

Абу Абдуллоҳ ан-Нотилий асли ҳаким — файласуф киши, эл орасида чуқур билимдөн сифатида машҳур бўлган. Шояд ўғлим ундан илми ҳикматни ўрганса, деган умидда Абдуллоҳ бу олимни ўз уйига жойлаштиради. Шу билан Абу Абдуллоҳ ан-Нотилий ҳамда Абу Али ибн Сино ўртасида устод-шогирдлик даври бошланади. Абу

<sup>1</sup> Массоҳ — ер ўлчовчи дегани.

Али ундан у билган фанларни ўргана бошлади. Олим ўз таржимаси ҳолида буларни шундай ҳикоя қиласади: "Кейин Бухорога Абу Абдуллоҳ ан-Нотилий келиб қолди. Уни файласуф деб аташар эди. Ундан менинг таълим олишим умидида отам уни уйимизга жойлаштириди. Унинг келишидан олдин ҳам фиқҳ билан шуғулланиб, бу хусусда Исмоил Зоҳидга қатнаб юрар эдим. Кейин Нотилийдан "Исогучи" китобини ўргана бошладим".

Шундай қилиб, Ибн Сино Нотилийдан Порфирийнинг асари бўлмиш "Мантиқ муқаддимаси"—"Исогучи"ни ўрганади.

Порфирийнинг бу асари қадимги дунё ва ўрта аср фани уфқида жуда юқсан мақомга эришган асар саналар эди. Бу асар муаллифининг ўзи ҳам анчагина табаррук зот саналиб, асли Тир шаҳридан бўлиб, Финикиядан бўлгани учун уни Фарфирий Финикий деб ҳам юритишарди. Араб алифбосида "П" ҳарфи бўлмагани учун уни "Ф" билан ёзадилар. Юнон фалсафасида у янги афлотунчилик оқими-нинг йирик вакили ва Плотининг шогирди сифатида машҳур. Ҳатто у "Плотин ҳаёти" деган асар ҳам ёзган. Порфирий асосан Плотин ва Аристотель асарларига шарҳ ёзиш билан шуғулланган. Ҳатто у кўпроқ Аристотелининг мантиққа оид асарларини шарҳлаган. Араб илмий адабиётидаги киши "Мантиққа муқаддима" деган асари билан машҳур. Бу китоб кўпинча "Исогучи" — "Исагоги" номи билан маълум. Китоб аслида Аристотель мантигининг категория қисмига ёзилган шарҳдан иборат бўлиб, ҳатто у "Аристотель категорияларига кириш" деб ҳам юритилган. Порфирийнинг бу "Муқаддима"си мантиқ ўрганувчилар учун ўрта асрда асосий қўлланма эди, шу жиҳатдан Ибн Синога ўхшаган мантиқ ва фалсафа ўрганувчилар мутолаани дастлаб Порфирийнинг шу "Исогучи" — "Мантиққа муқаддима" асаридан бошлаганлар.

Ибн Синонинг илм ўрганиши борасидаги ақл-идроки, заковатини кўрган устоди отасига уни илмдан бошқа нарса билан шуғуллантирмасликни тайинлайди.

Чиндан ҳам Ибн Сино илм-маърифат ўрганиши йўлига жуда ҳам киришган эди. Ҳатто кечани-кеча, кундузни-кундуз демай мутолаага шўнғиб кетади, шу тариқа Ибн Сино ҳар бир масалага көнгрөқ, атрофлича қарай оладиган бўлди. Шу сабабдан унинг бу сермутолаалигига устоди ажабланар ва унга қаттиқ ихлос билан қарар эди. Шунинг учун бўлса керак, Ибн Сино ўз таржимаси ҳолида шундай сатрларни ёзди: "Нотилий қайси масалаларни мендан сўрмасин, мен у масалани ундан кўра дурустроқ

тасаввур қилардим. Ниҳоят ундан мантиқнинг юзаки масалаларини үқидим, лекин унинг нозик томонлари унга номаълум эди".

Ибн Сино уз таржимаи ҳолида айтишича, мантиқа оид китобларни у ўз ҳолича мутолаа қилишга тушади. Сўнгра эса математика ва геометрияга оид китобларни ўқишига киришади. Эвклид (эрэмизгача 355—315) геометриясини узлаштиради.

Айни пайтда Ибн Сино юлдузшуносликка доир, музыка, оптика каби соҳаларни ўрганишга тушади. Ундан кейин қадимги юон олими Птолемейнинг (арабийнавис адабиётда бу олимни Батгимус деб аташади) "Мажистий" —"Алмагеста" асарини ўқишига киришади.

Бу тўғрида Ибн Синонинг узи шуларни ёзди: «..."Мажистий" муқаддимасини ўқиб бўлиб, ҳандаса шаклларига етганимдан сўнг, Нотилий менга шундай деди:

"Энди уни сен ўзинг ўқиб ҳал қилишга кириша бер, кейин менга тушунганингни айтасан, мен сенга уларнинг тўғри ё нотўғрилигини айтиб бераман".

У кишининг бундан хабари йўқ эди. Мен бу китобни ҳал қилишга киришдим. Қанчалаб шаклларни мен то унга айтган ва тушунтирган вақтимгача у буларни билмаган бўларди. Кейин Нотилий мендан ажralиб, Гурганч томонга жўнаб кетди".

Абу Абдуллоҳ ан-Нотилийнинг таржимаи ҳоли ўрта аср олимлари ҳақида маълумот берувчи баъзи бир библиографик китобларда учраб туради. Чунончи, Заҳируддин ал-Байҳақийнинг "Тарих ҳукамо ал-ислом" китобида у ҳақда қисқа маълумот келтирилган. Бу киши манбаларда Ибн Синонинг устоди сифатидагина машҳур, холос. Аммо у киши анча илмли бўлган, Бағдодда ўқиган, ҳатто у Диоскорид (бу исм Ибн Сино "Қонун"ида Дискуридус шаклида келади) асарини араб тилига таржима қилган, деган гап ҳам бор.

## ТАБОБАТНИ ЎРГАНИШ

Абу Али ибн Синонинг табобатга қизиқиб қолишига дастлаб нима сабаб бўлган — буни аниқ айтиш қийин. Лекин унинг ўз тилидан ёзиб қолдирган таржимаи ҳолда айтилишича, Ибн Сино қўлига тушган барча тиббий китобларни мутолаа қила бошлади. Буни олимнинг узи

<sup>1</sup> Заҳируддин ал-Байҳақий. Тарих ҳукамо ал-ислом, ношир Мұхаммад Курд Али. Дамашқ, 1946, 37-38-бетлар. (Бундан кейин Заҳируддин ал-Байҳақий, деб олиниади.)

шундай ҳикоя қиласи: "Кейин тиб илми билан шуғулланишини истаб қолдим ва унга бағишлиланган китобларни ўқишига тушдим. Тиб аслида қийин илмлардан эмас, шу сабабдан мен қисқа муддат ичидан соҳада шундай ютуққа эриша олдимки, ҳатто фозил табиблар ҳам менга келиб, мендан тиб илмини ўқийдиган бўлдилар. Беморларга ҳам қатнар эдим. Эришган тажрибалирм натижасида менга даволаш эшиклари шундай кенг очилдики, уни таърифлаб бўлмайди".

Чиндан ҳам катта ютуққа эришган эди.

Лекин у ўз таржимаи ҳолида табобатга оид қайси асарларни мутолаа қилганини ёзмайди. Аммо у тиббиётдан сўнг фикқ — мусулмон қонуншунослигини ўрганганини ёзиб, бу вақтда мен ўн олти ёшда эдим, дейди. У фалсафа ва ҳуқуқ илмини ҳам ўргана бошлади, ҳатто фикқ бўйича асарларни ўқиб-ўрганиб бўлгач, бу борада фақиҳлар билан тортишиб турадиган даражага эришади. Бу вақтда Ибн Сино ўн олти ёшга тўлган эди. Ҷемак Абу Али илм билан шуғулланишини жуда эрта бошлаган. Мантиқ ва фалсафа фанини эгаллашга киришади, бу соҳада қўлга тушган асарларни мутолаа қиласи. Бу пайтларда, дейди Ибн Сино, бутун тун давомида бирор кечада ҳам тинч ухламас эдим, кундузлари ҳам илмдан булак нарса билан шуғулланмас эдим. Шу тариқа тиришқоқ Ибн Сино қаршисида илм эшиклари очилиб барча мушкул масалалар аён буладиган бўлди. Ёш Ибн Сино кечалари уйига қайтар экан-да, олдига чирокни қўйиб олиб ўқиш ва ёзиш билан банд бўлар экан. Бордию чарчоқлик таъсир қилиб толиқиб қолса ё уйку келиб ўзини занифроқ сезса, қувват ва мадад олиш умидида бир қултум шарбат ичимлик ичиб олар экан, шу билан аъзога тетиклик қайтиб, яна мутолаа қилишга тушар экан. Уйқуга кетган вақтимда ҳам, дейди Абу Али, ўнгимдаги масалаларни кўрадим. Шу тариқа кўп масалалар менга тушимда аён бўларди. Ниҳоят ҳамма илмларни эгаллаб олдим, инсоннинг имконияти эгаллайдиган даражада улардан хабардор бўлдим. Кейинчалик Бухоро ва Хоразмда сиёсий аҳвол ўзгариб, ўзига доимий қўним жой тополмай, ўлкама-ўлка кезиб юрганларида юртида мутолаа қилиб юрган даврини эслаб, Ибн Сино ёзди: «уша пайтларда нималарни билган бўлсан, ҳозир ҳам ўшандайман. Бугунги кунгача билимимни ундан оширолганим йўқ. Ниҳоят мен мантиқ, табиат ва риёзий илмларни пишиқ ўргандим».

Бу сатрлар Абу Алиниң узи ёзган таржимаи ҳолида битилган.

## «МЕТАФИЗИКА» МУТОЛААСИ

Ибн Сино ёшлик давридан бошлаб қадимги юон файласуфи Аристотель мероси билан қизиқа бошлайды. Ундан мантиқ қисмларини мутолаа қилган эди. Ниҳоят Ибн Синонинг қўлига Аристотелнинг «Метафизика» асари тушиб қолади. Лекин уни тушуниш Абу Алидек одамга ҳам қийин туюлади. Бу ҳақда таржимаи ҳолида Ибн Синонинг ўзи шундай ёзди: «Кейин илоҳиётга ўтиб «Мо баъда ат-табия»<sup>1</sup> ("Метафизика") китобини ўқидим. Бу китобни ёзган кишининг мақсади менга бесик эди. Ҳатто уни қирқ бор қайта ўқидим, мен уни ва унинг мақсадларини тушуна олмасдим. Ундан умидимни ўзиб, бу тушуниб бўлмайдиган китоб экан, деган хulosага келган эдим».

Чиндан ҳам Аристотелнинг бу китоби анча мураккаб, уни шарҳларсиз тушуниш Абу Алига анча қийин бўлган. Қирқ бор шундай катта китобни мутолаа қилишнинг ўзи бўлмайди. Аммо Абу Али шундай матонатли киши бўлган эдики, то у ўзи истаган нарсасини билиб олмаса ҳеч тиниб-тинчимас эди. Ниҳоят турмушда буладиган тасодифлардан бири уни бу ахволдан қутқаради.

Абу Алининг китобсеварлиги, китобдонлиги китобфуршларга кўпдан маълум бўлган ва ундаги заковатни пайқаган эдилар. Абу Али қачон китоб дўкони ёнидан ўтса, унинг соҳиби қўлига тушган янги асарлардан уни огоҳ қилиб турар, бошқа ўлкалардан келтирилган китобларни унга кўрсатар эди. Бу гал ҳам шундай булади. Дўкондор Абу Алини кўриб, уни ҳузурига чақиради, кейин у қўлига бир китобни олиб, уни мақтаб кетади. Абу Али мавзуини кўради-ю, ўша ўзи илгарилари кўп

«Метафизика» — Аристотелнинг асари номи. Бу ном «Физикадан кейин келгандар» деган маъниони англатади. Бундай номнинг келиб чиқишига шу нарса сабаб бўлган: милоддан аввал биринчи асрда яшаган юони Андроник Аристотель асарларини тартибга туширмоқчи бўлган. Аввал у Аристотелнинг физикага оид асарларини туплаган, кейин эса мавжудот ва билиш масалаларига оид бўлган асарларни олган. Шунда у физикадан кейин келган барча асарларни «метафизика» (физикадан кейин келган асарлар) деган ном билан бирлаштирган. Кейинчалик бу термин фалсафий маъни касб этди. бу билан фалсафий тадқиқотлар тушуннадиган бўлди.

(В. Асмус. Метафизика Аристотеля, Аристотель, Сочинения, т. 1, М., 1976. 5-50-бетлар).

Аристотелнинг бу асари арабийнавис адабиётда «Мо баъда ат-табия» («Физика-табиятдан кейин келгандар», яъни табият фанидан кейин келган фанлар) деб юритилган. Ибн Сино бу мавзудати фикрларини ўзининг «ал-Илоҳиёт» деган асарида баён этгай.

бор ўқиган, лекин тушуна олмаган нарсаси ҳақида ёзилган эканини фаҳмлайди. Ибн Сино бу ҳақда қуйидагиларни ёзди: «Бу илмни билишининг фойдаси йўқ экан, китобни олишни рад қўлдим. Шунда даллол менга «Бу китобни мендан олгин, бунинг нархи арzon — уч дирҳамга сотаман; эгаси бунинг пулига муҳтоҷ», — деди. Мен уни сотиб олдим. Қарасам денг, бу Абу Наср Форобийнинг «Метафизика» китоби мақсадлари ҳақида ёзган (шарҳ) асари экан. Уйимга қайтдим-у, дарров уни ўқишига тушдим. «Метафизика» дилимда ёд бўлиб қолгани сабабли ўша пайтдаёқ бу китобнинг мақсадлари менга очилаверди. Бундан жуда хурсанд бўлиб кетдим, ўша кунининг эртасигаёқ камбағалларга анча нарса садақа қўлдим».

Мана шу тариқа Ибн Сино Аристотель гоялари ва фалсафий асарлари руҳига киришган эди. Аммо унинг бу соҳани эгаллашга буюк файласуф Форобий асарлари бир «куприк» хизматини ўтади.

Маълумки, Форобий ўрта асрда стишган йирик файласуф, ҳаким одам эди. У ўша даврда машҳур бўлган Аристотель китобларининг билагони бўлган. Шунинг учун ҳам уни «Иккинчи муаллим» — «Муалими ас-соний» деб аташар эди. «Биринчи муаллим» эса Аристотель саналар фикрларини энг яхши тушунгандардан бири Форобий эди. Бу ерда Ибн Сино таржимаи ҳоли, бир томондан, Форобийдек ўз салафи асаридан баҳраманд бўлганини ва унинг фалсафий мушоҳадаларидан таъсиранганини, дунёқараши шаклланганини кўрсатса, иккинчи томондан, ўша даврда Ўрта Осиёда маданий ҳаёт қанчалик даражада эканлигини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин. Бу даврда Ўрта Осиё, хусусан, Хоразм, Самарқанд, Бухорода савдо-сотиқ, фан, маданият анча ривожланган, бу ерларда тайёрланадиган маҳсулотлар чет мамлакатларга, ҳатто араб ўлкаларига ҳам чиқарилар эди. Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Фарғона каби ўлкаларда фан ва маданиятни юқори поғонага кутарган йирик олимлар стишиб чиқкан

<sup>1</sup> Бу ҳақда маълумот олмоқчи бўлгандар қўйидаги асарларга қарасин: Б. Б. Бартольд, Туркестан в эпоху монгольского нашествия, сочинения, т. 1., М., 1963. Бунда «Ўрта Осиё XII асрларча» (238-385) сессии АН УзССР, Ташкент, 1953, 5-29-бетлар; История Узбекской ССР, т. 1. Книга первая, Т., 1955, 223-237-бетлар.

эди. Мұхаммад Мұсо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий каби қатор олимлар бу ерда фанни юқори босқичга күттарған эдилар. Мана шу ривожланган фан ва маданият заминида Ибн Сино ҳам етишиб чиқди.

## ИЛК ФАЛАБА

Ибн Сино табобат билан шуғулланиб, дастлаб маҳалла-кўйларга танилади, кейин-кейин ёш табиб ҳақидаги довруқ, овоза зларо тарқала бошлайди. Одамлардаги дардни аниқлаш, уларни тўғри даволаш масаласида Абу Али катта-катта ютуқларга эришади, унинг бунчалик ўшлигига қарамай, одамлар ундан баҳраманд бўладилар, бў ҳол, ўз навбатида, маълум бир шов-шувга сабаб бўлмай қолмайди. Ниҳоят катта табиблар ҳам Абу Али қўллабан тиббий муолажаларни кўздан кечиралилар, унинг тутган йўлидан, давосидан бирор ножӯялик топмайдилар: булар ҳаммаси, албатта, ёш Абу Алиниңг довругига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам унинг ўзи қисқа мўддат ичиди бу соҳада катта ютуққа эришганини, ҳатто донғи кетган табиблар ҳам унинг олдига келиб, ундан маслаҳат олганини ёzáди. Ана шу сабабдан бўлса керак, ҳали ўн олти ўшг? етмаган йигит овозаси амир саройигача тарқалади.

Бухоро амирининг касал бўлиб қолиши ҳодисаси ва шу муносабат билан Ибн Синонинг амир саройига чақирилиши ва унинг амир муолажасига иштирок этиши бу олим ҳақидаги дастлабки довруққа сабаб бўлди. Бу воқеа тарихий китобларга кириб, ўш олимнинг номи мазкур воқеа билан бирга зикр қилинадиган бўлиб қолди. Бундан кўринишича, Абу Али ибн Сино ҳали ёш вақтларидаёқ баркамол, фикр-мулоҳаза соҳиби бир йигит бўлган экан. Амир Нуҳ ибн Мансурни даволаш ишида иштирок этгани ҳақида ёзишига қараганда, у даволовчи табиблар билан бирга ишлаб, бирга хизмат қилган. Абу Али шу иш сабабли обрўйи оптиб кетганлигини зикр қилади. Лекин бундан амирни унинг якка ўзи даволаган, деган хуласа чиқмаслиги керак.

Чунки Ибн Сино ҳақида асар ёзган кўп муаллифлар, бу борада гап юритганида, амир Нуҳ ибн Мансурни Ибн Сино даволади, деган фикрни билдирадилар<sup>1</sup>. Худди шундай фикрни Саид Нафисий ҳам қайтаради<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Саид Нафисий. Пурӣ Сино, Техрон, 1954, 73-бет.

Табиблар уни даволашдан ожиз қоладилар, Амирни Ибн Сино даволади, деб ёзди Саид Нафисий. Ваҳоланки Ибн Сино ўзи ёзган таржимаи ҳолида «амир бир фикрга келиб бўлмайдиган касалликка дучор бўлиб қолди... Мен келиб даволовчи табиблар билан бирга ишлаб, бу ишда унга хизмат қилганим туфайли обрўйим оптиб кетди», дейди<sup>3</sup>. Бу ўша даврда Ўрта Осиёда, ҳусусан, Бухорода кўп табиблар, олимлар бўлганлигини кўрсатади. Буни саройда Ибн Сино билан ҳамкорликда амирни даволаган табиблар мисолида кўришимиз мумкин. Демак, Ибн Сино бу табибларни тан олади, уларнинг хизматини ўзлашти́рмайди, балки ҳолис фикр-мулоҳазаларини айтади.

Ибн Сино таржимаи ҳолини мутолаа қилган киши, албатта, Бухоро амири Нуҳ ибн Мансур (976—997) исмини ҳам учратади.

Манбаларга қараганда, Мансур ибн Нуҳ 976 йили вафот этгач<sup>4</sup>, унинг ўғли Нуҳ ибн Мансур таҳтга ўтирган. Ҳатто Ибн Сино туғилиб, ёши ўн олтига етгунга қадар ҳам у ҳукмронлик қилган, шу сабабдан уни даволашга Абу Али иштирок эта олган. Нуҳ ибн Мансур 387 ҳижрий йили 13 шаъбон куни (мелодий 997) вафот этди<sup>5</sup>. Бу даврда Бухорода анча осойишталик ҳукм сурган.

Ибн Сино ҳаётининг худди шу даврида унинг асар таълиф қилиш ишлари билан банд бўлганини кўрамиз. Бунга алломанинг давримизгача сақлазниб қолган "Ҳадият ар-раис" асари мисол бўлиши мумкин. Бу асар амир Нуҳ ибн Мансурга атаб ёзилиб, унга тақдим қилинган. Шунинг учун ҳам 1325 (1907) йилда Қоҳирада босилган нусхада китоб номи ўрнига дастлаб катта ҳарфлар билан "Ҳадият ар-раис" деб ёзиб қўйилган. Ундан сўнг "Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Синонинг Амир Нуҳ ибн Мансур Сомонийга совға қилган китоби" деб ёзилган. Китоб нафсоний қувватлар ҳақида баҳс этади, ҳатто унинг мавзуи ҳам шундан иборат.

Мазкур китоб дебочасида — бу "Муқаддимат ал-мусаниф" деб аталади — Ибн Сино амирга нафс ҳақида

<sup>1</sup> Ибн Синонинг ўзи ёзган таржимаи ҳолининг арабчасидан мазкур ўзбекчага шу сатрлар муаллифи тарафидан қилган таржимаси ҳам босилган: (Қаранг: Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар, Ўзбекистон ФА нашриёти, Тошкент, 1959, 97—102-бетлар).

<sup>2</sup> Ҳижрийда 365 йилу 11 шаввол.

<sup>3</sup> Қаранг: Саид Нафисий, Пури Сино, 71-бет.

<sup>4</sup> Ҳадият ар-раис. Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ли-л-амир Нуҳ ибн Мансур ас-Сомоний ва ҳия мабҳас ан-ал-куво нафсония ав китоб фи ан-нафс ало суннати ихтисор, Миср, 1325/1907.

қисқача бир китоб ёзib беришни лозим топдим, дейди. Үндан сўнг муқаддима сўнгиди Ибн Сино томонидан амир ҳақида дуо ва тилаклар битилган.

Бундан Ибн Сино сомонийлар саройида табиблик қилиш билан бирга ҳурматли киши ҳам бўлиб қолгани, натижада юқоридаги асарни ёзib уни амирга бағишлаганини кўрамиз. Бу ерда шуниси диққатга сазоворки, Абу Али ибн Сино сомонийлар амирига бағишлаган асарни амир ҳаёт чоғида ёзган. Бунга китоб муқаддимасида Ибн Синонинг амирни мақтаб, узоқ йиллар эсон-омон қолишини ният қилиб ёзган тилаклари далил бўлиши мумкин. Чиндан ҳам бу ердаги сатрлар китоб аргумон этилган кишининг ҳаётлигидан дарак беради. Бу ҳолат эса Ибн Синонинг асар таълиф қилиш фаoliятини, унинг вактини белгилашга ёрдам беради.

Сомонийлар амири Нуҳ ибн Мансур 997 йили вафот этган бўлса, лемак, Ибн Сино бу вақтда 17 яшар йигит бўлади. Лекин Ибн Сино "Ҳадият"ни амир вафот этмасдан камида бир-икки йил олдин, у билан яқинлик пайдо қилгандан сўнг ёзган бўлиши керак.

"Ҳадият"нинг нафс қувватларига бағишланганига кўра, унинг нафс борасида ёзилган баъзи кичик рисолалари эҳтимол шу пайтларда ёзилган бўлиши мумкин. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида бу асарнинг "ал-Мабоҳис ан-нағсония" деб номланган бир қўлёзмаси бор. (инв. № 2385/IV), лекин бунда муаллиф номи ёзилмаган бўлиб, асар қўлёзмаси 7 варақ.

Бу ёшда табобатда маълум даражага эришган Ибн Сино халқ орасида дардга чалингланларни кўриб, улар муолажасига бош қотирган ва ўз давоси билан кўпларга мадад бериб, ўзиниг ilk таълифларини бошлаган кўринади. Менимча, Ибн Синонинг табобат ва мантиқ тўғрисидаги қатор шеърий асарлари худди мана шу ўсмирик йилларига тўғри келади. Бунга унинг "Тиббий достон" ("Уржуз") тузилиши мисол бўлиши мумкин. Чунки Ибн Сино дастлаб медицинани Али ибн Аббос ал-Мажусийнинг "Комил ас-синоат ат-тиббия" ("Табобатсанъатида мукаммал асар") деган китобидан ўрганган, негаки "Тиббий достон" тузилиши ал-Мажусийнинг юқоридаги асари тузилишига тўғри келади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ибн Сино. Ҳадият ар-раис, 17-бет.

<sup>2</sup> Ш. Шоисломов. Ибн Синонинг Тиб ҳақида шеърий асари, Тошкент, «Фан», 1977, 206—230-бетлардаги жадвалга қаранг.

Бу даврда шеъриятдан яхши хабардор Ибн Сино ўрганганларини шеърга солишга, Гиппократ, Таёзуқ васиатлари, турли-туман тиббий насиҳатлар, йил фасллари, соғлиқни сақлаш, анатомия, мантиқ каби мавзуларда шеър ва достонлар ёзib, шу йўл билан эларо билим тарқатишга чоғланганигини кўрамиз.

## ҚЎП ХОНАЛИК КУТУБХОНА

Ибн Сино ўзига ўхшаган табиблар билан биргаликда ишлаб, амир дардини тузатиш борасида кўрсатган хизматлари туфайли унинг кутубхонасига киришга ижозат олганлиги маълум. Ибн Сино кутубхонада жуда кўп китобларни кўради. У ўша даврда Ўрта Осиё, шу жумладан, Бухоро музофотидаги энг катта кутубхона эди. Бухорода ўша даврда мавжуд бўлган мазкур кутубхона бу ерда фан ва маданият, унинг тараққиёти юқори даражада бўлганлигини кўрсатади. Бу ҳақда Ибн Синонинг ўзи шуларни ёзади: "Бир куни шоҳдан кутубхонасига киришга ва у ерда тибга оид китобларни мутолаа қилиш ва ўқишга руҳсат сўрадим. Шоҳ менга руҳсат берди. Мен кўп хоналардан иборат китобхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоб сандиқлари, бир-бирининг устига қўйилган китоблар бор эди. Хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари, бошқасида фиқҳга оид китоблар турарди. Шу тартибда ҳар бир хонада фаннинг маълум бир соҳасига оид китоблар жамланган эди. Кейин олдин ўтган олимлар китоблари рўйхатини ўқиб чиқдим ва ундан керак бўлганини ахтардим. Мен бу ерда шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик халқ ҳатто уларнинг номларини ҳам эшифтмаган эди. Ўзим ҳам бундан олдинлари кўрмаган эдим, бундан кейин ҳам кўрмадим. Ўша китобларни ўқиб, улардан баҳраманд бўлдим, шу билан ҳар бир муаллифнинг илмдаги даражасини билиб олдим".

Бундан чиқди, Бухоро ўша даврда маданий ва иқтисодий томондан анчагина ривожланган ўлка бўлган. Бухорода бунчалик серкитоб кутубхона, уларнинг фанларга бўлинган тарзда батартиб бўлиши ҳам бунинг яққол далилидир. Ибн Сино тавсифидан кўринишича, бу ўлкадаги маърифий аҳвол, савия шундай бўлган. Ҳатто Ибн Сино кейинги даврда бир ўлкадан иккинчисига кўчиб, ўзига тинч, осойишта қўнадиган макон ахтариб юрган пайтларида Бухорода кўрган ўша китобларини бошқа ерларда кўрмаганини баён этиши ҳам

бунинг далили, бу ерлардаги илм-маданиятдан дара беради.

Бухоро Ибн Сино яшаган даврда чиндан ҳам юксак маданиятга эга бўлган. Сомонийлар кутубхонаси ўнинчи асрда танилган энг яхши кутубхоналардан бири эди. Ўша даврда бунга рақобат қиласиган йирик кутубхоналардан бири Шерозда бор эди.

Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида ўн саккиз ёшида ўша даврда ўқиб ўрганиш мумкин бўлган барча билимларни билиб ултурганини ёзади. Бундан кейинги даврда унинг мустақил асар ёзиш даври бошланади.

Абу Али ибн Сино таржимаи ҳолида ўз асарлари ҳақида ҳам маълумот бериб кетади. У, жумладан, қўйидагиларни ёзади: "Абу-л-Ҳасан ал-Арудий деган бир қўшнимиз бор эди. У мендан бу илмларнинг ҳаммасини ўз йичига оладиган бир китоб ёзив беришими сўраган эди. Мен унга "ал-Мажмуъ" (тўплам)ни ёзив бердим. Китоб отини ҳам шўнгай дея қолдим. Унга риёзиётдан бошқа барча илмларни киритдим. Ёшим бу маҳалда йигирма бирда эди". Демак, Ибн Сино бу асарини 1001 йилларда, ҳали Бухорода бўлганида ёзади. Мана шу асардан бир қисми давримизгача етиб келган<sup>1</sup>. Шу асарда зикр ҳилинишича, бу кишиниг тўла оти Шайх Абу-л-Ҳасан Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Арудийдир. Чиндан ҳам бу асар илтимос билан ёзилганлиги ҳақида Ибн Синонинг ўзи ҳам таъкидлаб ўтган. Қўлимизда мавжуд бўлган мазкур асардан сақланиб қолган парчалардан хуласа чиқарадиган бўлсак, унинг бир қисми Аристотелнинг "Поэтика" асарига ёзилган шарҳ бўлиб, номи "Китоб ал-Мажмуъ ав ал-ҳикмат ал-арудия фи маони китоб аш-шевъ" ("Тўплам китоби ё "Шеър китоби"<sup>2</sup> маъноси ҳақида арудий ҳикмати")дир. Дарҳақиқат Ибн Сино бошида "Маоний китоб футиқа" ва ҳува "Китоб бутиқа фи-ш-шевъиёт" деб ёзив қўйибди. Бу ерда юононча поэтика сўзи икки хил: ҳам футиқа ва ҳам бутиқа

<sup>1</sup> Китоб ал-Мажмуъ ав ал-ҳикмат ал-арудия фи китоб маъони аш-шевъ, таҳқиқ ва шориҳ Муҳаммад Салим Солим, Қоҳира, 1969.

Ибн Синонинг ал-Арудийга багишилаб ёзган асари 1950 йили Қоҳирада Муҳаммад Салим Солим томонидан нашр этилган. Бу китоб номи «Китоб ал-Мажмуъ ав ал-ҳикмат ал-арудия фи маони китоб риторика» ("Тўплам китоби ё риторика китоби мазмуни ҳақида ал-Арудий ҳикмати") деб аталади. Лекин буни кўришга мусассар бўлолмадик.

<sup>2</sup> Бу ерда Аристотелнинг «Поэтика» асари назарда тутиляпти.

шаклида ёзилган. Адабиётда эса гоҳ поэтика шаклида ёзилса, баъзида бутиқа шаклида ҳам ёзилган.

Булар ҳаммаси Аристотель асарларига ёзилган. шарҳлардир.

Поэтикага шарҳ тариқасида Ал-Арудийга ёзив берилган бу асар тузилиши Ибн Синонинг кейинчалик ёзган "Фанн аш-шевъ" ("Шеър санъати") асарига ўхшаб кетади. Маълумки, Ибн Сино "Шеър санъати" асарини "Аш-Шифо" китобининг мантиқ қисмининг тўққизинчи фани сифатида келтирган эди<sup>1</sup>. Демак, Ибн Сино йигирма бир ёшида, "ал-Мажмуъ" асарини ёзган кезларида, у Аристотелнинг "Поэтика" асарига шарҳ ҳам багишилаган, ҳатто келажакда "Шеър санъати" номини олган асарининг «хомакиси»ни битиб қўйган кўринади. Бу эса кейинчалик унинг "аш-Шифо" асарига бир қисм бўлиб кирган. Негаки ўша "ал-Мажмуъ"га кирган "Шеър маънолари" деган қисмининг тузилиши унинг ўша "аш-Шифо"га кирган "Шеър санъати" асарининг тузилишига монанд: бошқача қилиб айтганда, Ибн Сино бу ерда Аристотелнинг асарига шарҳ эмас, балки ўз асарига шарҳ ёзгандай кўринади. Бундай ҳолни унинг кейинроқ ёзилган "Ҳайй ибн Яқзон" асарида ҳам кўришимиз мумкин. Чунки Шайх бу асарини ёзив бўлгач, илтимосларга кўра унинг қийин жойларига ўзи шарҳ битган эди<sup>2</sup>. "Ал-Мажмуъ" ("Тўплам") асарининг иккинчи қисми риторика ҳақида ёзилган бўлиб, юқорида зикр этганимиздек, у ҳам давримизгача етиб келган.

Бундан шу фикрга келиш мумкинки, "ал-Мажмуъ" Ибн Синонинг дастлаб битган асари бўлмай, балки Ибн Сино бу пайтгача бошқа асарлар ҳам ёзган кўринади.

Ибн Сино бундай асарларини илм қадрига етадиган кишилар илтимосига кўра битади. Бу ҳақда Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида шундай ёзади:

"Абу Бакр ал-Барқий деган Хоразмда туғилган бир қўшним бор эди, ўз табиати билан у киши фақиҳ, тафсир ва порсо — зуҳдликда ягона эди. Бу илмларга ўзи ҳам мойил эди. Бу киши мендан китобларга шарҳ ёзив

<sup>1</sup> Ибн Синонинг бу асари Аристотелнинг «Фанн аш-шевъ» (Қоҳира, 1953 йил, Абдураҳмон Бадловий нашри) китобида 161—198-бетлар орасида келтирилган.

<sup>2</sup> Муҳаммад Сагир Ҳасан ал-Маъсумий. Рисолат Ҳайй ибн Яқзон маа шарҳи-ҳо ли Ибн Сино (Ибн Синонинг "Ҳайй ибн Яқзон" қиссанасига муаллиф ёзган шарҳи). Каранг: Мажаллат ал-мажмас ал-илмий ал-арабий, жилд 29, № 3—4, Ҳамаша, 1954, жилд 30, № 1, 2, 3, 1955.

беришимни сўради. Мен унга йигирма жилдча келадиган "Ҳосил ва маҳсул" деган китоб ёзib бердим. Ундан ташқари, унга ахлоққа тегишли яна бир китоб ёзib шилик ва ёмонлик китоби") деб қўйдим. Бу икки китоб ундан бошқада йўқ, у киши иккovicдан нусха олиш учун њеч кимга бериб турмаган ҳам".

Абу Али ибн Сино китобларга шарҳ ёзиш тариқасида тасниф ишларини бошлаб юборган чогида, қўйқисдан отаси вафот этади. Бу ҳол ёш олимнинг, албатта, бошига ташвиш солмай қўймайди. Чунки энди у оиласини тебратиб туриши ва тириклик воситаларини ўйлаши керак эди. Бу борада Абу Алининг ўзи ёзади: "Кейин отам ўлиб қолди, ҳол-аҳволим ҳам ўзгариб кетди. Султоннинг амалларидан бирортасини олишга мажбур бўлдим".

Ибн Синонинг отаси ўлими вақтини тахминан 999 йилга йўядилар, баъзи манбаларда бу воқеа 1002 йилда юз берган дейдилар. Чунки, Абу Али сомонийлар давлати қулагач, Бухорода ярим йилдан ортиқ вақт яшамаган, деган фикр ҳам бор. Мамлакатда сиёсий аҳвол ўзгаргач, бу ерда у келажакда тинч ҳаёт кечиришга кўзи стмайди. Қорахонийларнинг тутган сиёсати, сомонийлар лашкарбoshилари (Симжурый, Аяч, Бектузун ва Фоик)нинг сотқинликларини кўрган Ибн Сино ўз келажаги учун хавфсизрайди. Шунинг учун ҳам у ўз таржимаи ҳолида «кейин зарурат мени Бухорони тарк қилишга, Гурганч томонга кўчишга мажбур қилди», деб ёзади.

## ОТАСИННИГ ВАФОТИ

Ибн Сино тилидан ёзилган таржимаи ҳолда келтирилганидек 1001 йилда ҳали у Бухорода бўлган, демак бу вақтда ҳали отаси ҳам тирик бўлган. Ибн Сино ҳақида асар ёзган йирик Эрон олими Саид Нафисий ҳам бу тўғрида мулоҳаза билдириб, 999 или Илик хон Бухорони олгандан кейин Ибн Сино юртида яна икки йил қолади, деб кўрсатиши ҳам Ибн Синонинг ўз тилидан битилган таржимаи ҳолига асосланиб ёзилган сатрлар эди. Юқорида айтганимиздек, ўз таржимаи ҳолида кўрсатилишича, йигирма бир ёшида Бухорода қўшниси илтимоси билан "ал-Мажмӯъ" асарини ёзib берган. Бундан чиқди Ибн Сино 1001 или ҳали Бухорода бўлган. Ибн Сино шундан кейин Бухорода яна икки асар ёзган, унинг бири "Ҳосил ва маҳсул" деб аталган (20 жилд) ва иккинчиси "Китоб

ал-бирр ва-л-исм" (2 жилд) бўлган. Ибн Сино тилидан битилган таржимаи ҳолда мана шу икки китоб ёзилганидан кейингина отаси вафот этгани тилга олинади, шунга қараганда бу орада ҳам вақт ўтган. Шунинг учун Ибн Синонинг отаси 1002 йилда вафот этган деган фикр ҳам бирмунча асосли кўринади. Лекин шуниси ҳам борки, бу ҳақда Ибн Синода ҳам ва ал-Жузжонийда ҳам бирор маълумот йўқ. Бунга фақат Заҳируддин ал-Байҳақий аниқлик киритган. У ёзади: "Абу Али йигирма икки ёшга кирганида отаси вафот этади". Аммо Ибн Сино 1002 йилдан кейин ҳам бир қанча вақт Бухорода бўлган. Лекин у ерда қайси йилгача бўлган, қайси йили Хоразмга жўнаган — бу ҳақда на Ибн Сино, на ал-Жузжоний бирор нарса ёзмайди. Аммо Ибн Сино ҳали Бухорода эканлигида йигирма икки жилдлик икки асар таълиф қилиниши ҳам анчагина вақт талаб қиласди. Ал-Жузжоний ёзишича, агар "Қонун" асари ўн тўрт жилд бўлса, у ҳолда йигирма икки жилдлик бу китоб унга нисбатан бир ярим баравардан ортиқ бўлади. Агар "Қонун" ҳозирги ўлчовда икки юз босма листдан ортиқ келса, у ҳолда бу икки китоб ҳажми уч юз босма листдан ортиқдир. Буни таълиф қилиш учун ҳам анчагина вақт талаб қилиниши шак-шубҳасиз. Бунинг учун Ибн Сино камида икки-уч йил вақт сарф этиши эҳтимолдан узоқ эмас. Ана шу таълифларни бажо келтиргандан кейин Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида, юқорида келтирганимиздек, отаси ўлгани, сўнгра аҳволи танг бўлиб, сulton амалларидан бирини олишга мажбур бўлганини ёзади. Шунга қараганда Ибн Сино отаси вафотидан кейин ҳам бир қанча вақт Бухорода қолган бўлиши керак. Чунки сомонийлар таҳти мероскўри Мунтасир бошчилигига қорахонийларга нисбатан зиддият ва қарши кучлар чиқиб, Илихон салтанатини тинч-осуда қўйған эмас ҳамда сомонийлар ҳукмронлигининг тикланишига халқ ичидан ишонч йўқолган ҳам эмас эди. Лекин 1005 йилда сомонийлар вориси Мунтасир қатл этилиб, ҳокимият бутунлай қорахонийлар тарафига ўтди. Шундан кейин сомонийлар таҳти тикланишига умиди қолмаган Абу Али ибн Сино бундай шароитда бу ерларда тинч ҳаёт кечиришига гузи етмай, тезроқ бу ўлгадан бош олиб, узоқроқ ва тиҷроқ жойга кетишига чоғланган эди. Шундай қилиб, Ибн Сино илгари сомонийлар салтанатига қарам бўлган Хоразм ўлкасига йўл олади.

Бу менимча 1005 йилда юз берган бўлиши керак. Бунгача Ибн Синонинг отаси вафот этган, кейин расмий

идорага кириб бир оз бўлса-да, ишлаган. Албатта, озгина вақт ишлаган бўлса, буни у таржимаи ҳолида зикр этиб ўтирумас эди. Демак, у бу ишда икки-уч йил ишлаган бўлиши керак. Бухорода катта ҳажмли асарлар ёзиши ҳам унинг то йигирма беш ёшларга боргунига қадар ўз ютида қолганлигига далолат қиласди.

## СОМОНИЙЛАР ҲОКИМИЯТИНИНГ ҚУЛАШИ ВА БУХОРОНИ ТАРК ЭТИШ

Иби Сино яшаган вақт сомонийлар сулоласининг гуркираган даври тутаб, ҳатто таъбир жоиз бўлса, гуллаб бўлиб, сўла бошлаган пайтларига тўғри келади. Бу пайтларда бир мунча ривожланган ва гуллаган иқтисодий ва маданий аҳвол инқизотга юз ўтирган сиёсий аҳволга қарам бўлиб қолади. Ўнинчи аср охирларига келиб сомонийлар давлати нурай бошлади; ҳалқдан йигилидиган солиқлар борган сари кўпая бошлади, ҳатто дехқонлардан йилига икки бор хирож олинадиган бўлди. Бир томондан, амир билан ер эгалари ўртасида пайдо бўлган низолар дехқонлар аҳволига таъсири этмай қўймади. Душман лашкарлари топтаб оёқ ости қилган ерлар, ҳосилсиз майдонга айланган эди. Бир маҳаллар гуркираган ва йирик давлатга бирлашган ерларга кўчманчилар қайта-қайта ҳужум қила бошлади. Еттисув ва Қошгар атрофларидан кўтарилиган қарлуқ, чигил ва яғмо қабилалари қорахонийлар давлатига бирлашган эди. Илгари сомонийлар устига кичик-кичик босқин қилиб юрган қорахонийлар, Бугрохон бошлиқ аста-секин Бухорога юриш қиласди. Сомонийлар амири Нуҳ ибн Мансур (976—997) давлатининг маданий ва иқтисодий аҳволини қанча мустаҳкамламасин, давлатни асрар қолишга унинг қурби етмади. Ҳатто керакли аскар ҳам тўплай олмади, лашкар-бошилар орасида бузук кайфиятда бўлганлар чиқиб қолди. Айтиб ўтганимиздек, Абу Али Симжурий, Аяч, Фоиқ каби бошлиқлар сотқин чиқди, ҳатто Симжурий давлатни бўлиш ҳақида Бугрохон билан яширин равища келишув олиб борар эди. Бу сотқин лашкарбошилардан Аяч Бухорога кириш учун бўлган катта жанг — Харжангда чекинди, натижада у эришиши мумкин бўлган галабани бой бериб қўйди. Бу билан у Бухорога кириб келган Бугрохондан дуруст мансаб олиш умидида эди. Шу тариқа 992 йили Нуҳ ибн Мансур Бухорони тарк этишга мажбур бўлади, уни Бугрохон эгаллади<sup>1</sup>. Лекин хонга Бухоро об-ҳавоси,

мевалари ёқмайди, кўп ўтмай бавосирга йўлиқсан хон тўрт ой туриб, 17 августда шаҳарни тарк қилишга мажбур бўлади<sup>2</sup>. Бу орада Омулга бориб аскар тўплаб, қорахонийларга зарба беришга шайланиб юрган Нуҳ ибн Мансур яна Бухорога келиб, осонгина пойтактни эгаллади. Бундан кейин сомонийлар бир неча йил давомида ҳокимиятни ўз қўлларида ушлаб қолишга муваффақ бўлдилар. Аммо кўп ўтмай қорахонийлардан бўлган Иликхон Наср 999 йили яна Бухорога ҳужум қилиб, сомонийлар давлатини қулатиб, Мовароуннаҳрда ўз ҳокимиятини ўрнатишга замин ҳозирлайди<sup>3</sup>.

Бу орада Бухорода ички зиддиятлар кучайиб кетади, ҳатто 997 йили амир Нуҳ ибн Мансур вафот этгач, унинг ўрнига ўғли Абу-л-Хорис Мансур ибн Нуҳ — буни тарихий манбаларда Мансур II ҳам дейишади — таҳтга ўтиради. Лекин бу амирзода ҳам сулолани ҳалокатдан қутқара олмайди. Натижада 999 йили 1 февралида амир таҳтдан туширилиб, икки кўзи кўр қилинади, ўрнига бирордари Абу-л-Фаворис Абдулмалик кўтарилади<sup>4</sup>. Аммо сомонийлар бу билан ташқи душманнинг юртга келишини енгиллаштиради, холос. Орадан кўп ўтмай, 23 октябрь 999 йили Иликхон Бухорони эгаллаб олиб, сулола меросхўрини ўз пойтакти — Ўзгандга ҳайдаб кетади. 999 йили Бухорода сомонийлар давлатининг қулаши ҳақида сақланиб қолган маълумотларга кўра, қорахонийлардан бўлмиш Наср Бухорога кириб келгач, сомонийлар давлатини ҳимоя қилишга куч тўплаш учун меросхўрлар ўз вакилларини ҳалқ орасига юборгандар. Улар масжид меҳробларидан туриб давлатни душмандан ҳимоя қилишга чақирганлар. Шунда ҳалқ вакиллари қонуншунос фақиҳлардан сўрашган экан, улар жавоб бериб, агар душман билан дин учун кураш олиб борилса, унга қарши чиқиш мумкин эди, лекин булар бу дунёдаги роҳат-фароғат учун олиб бораётган жанг бўлгани учун мусулмонлар ўзларини ҳалок қилиб, ўлимга чоғлашга раво эмас, деганлар ва душманга қарши чиқмаганлар<sup>4</sup>.

Аммо орадан кўп ўтмай, хотин киши кийимини кийиб қочган Нуҳ ибн Мансурнинг учинчи ўғли Абу Иброҳим

<sup>1</sup> В. В. Бартольд, 1, 321-бет.

<sup>2</sup> В. В. Бартольд, 1, 329-бет; История Бухары, Т., 1976, 91-бет.

<sup>3</sup> В. В. Бартольд, 327-бет.

<sup>4</sup> История Узбекской ССР, 246-бет.

<sup>1</sup> Бартольд тарихий манбалар асосида бу ѿқеани 992 йили май ойида юз берди, деб кўрсатади, В. В. Бартольд, 1, 320-бет.

Исмоил сомонийлар салтанатини тиклашга анча уринди, айрим ерларда галаба қозониб "Мунтасир" (ғолиб) деган унвон олди. У илгари ўзига қарашиб бўлган Хоразм ва бошқа ерлардан куч тўплаб, ниҳоят Самарқанд ва Бухорони эгаллади<sup>1</sup>. Орадаги зиддият туфайли Бухорони тарк этган Мунтасир то 1005 йилгача сомонийлар байрогини тиклашга уриниб кўрди<sup>2</sup>, лекин қучайиб келаётган қорахонийлар ва Газна атрофида Маҳмуд Газнавийнинг сомонийлар мулкига кўз олайтиришлари, орадаги бўлган тарқоқликлар натижасида Мунтасир ҳаракати 1005 йил бошларида сомонийлар байрогини тиклаш билан эмас, балки қулатиш билан тугади.

Бу пайтда давлат маркази бўлмиш Бухоро шаҳри мисоли майдондаги тўп каби бир неча бор қўлдан-қўлга ўтиб турди, шаҳар қайси томонга ўтмасин, у албатта, зарбага учрар, жароҳатланар эди.

Абу Али ибн Сино мамлакатда юз берган мана шундай сиёсий аҳвол ва ўзгаришларни кўриб, ўз келажатига, илм билан машгул бўлишига кўзи етмади. Бухорони тарк этишига мажбур бўлди.

## ИБН СИНО ХОРАЗМДА

Бухорога нисбатан Хоразм ўлкаси бу вақтда қорахонийлар ҳужумидан бирмунча тинч эди. Бу ерда маданий-маърифий ишлар эса анча дуруст ҳолда эди. Ҳатто Хоразмшоҳ саройида теварак-атрофдан йигилган жуда кўп олим ва фозил кишилар тўпланган бўлиб, бу ер уруш, жанг каби хавф-хатарлардан нисбатан ҳоли эди. Бу даврда Хоразмда олим ва табиб Абу Саҳл ал-Масиҳий, тарихчи Ибн Мискавейҳ, буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний, Абу Наср ибн Ироқ, Абу-л-Хайр Ҳаммор каби турли-туман соҳа олимлари тўпланган эдилар, бу ерда улар илм-маърифат соҳасида иш олиб борарадилар. Ана шу гурунгта буюк заковат соҳиби Абу Али ибн Сино ҳам келиб қўшилди. Чиндан ҳам Маъмун даврида Хоразм илм ва фаннинг гуллаган диёрига айланган эди<sup>3</sup>. Хоразмнинг жўғрофий жойлашиши ва тинч ҳаётга шартшароит шундай эдики, Бухорода сомонийлар ҳукми қула-

<sup>1</sup> В. В. Бартольд, 330—331бетлар.

<sup>2</sup> В. В. Бартольд, ўша асар, 332-бет.

<sup>3</sup> С. П. Толстов, Беруний ва унинг замони. Қаранг: Беруний — ўрта асрнинг буюк олимни (Мақолалар тўплами), Ўзбекистон ФА нашириёти, Тошкент, 1960, 14-бет.

гач, унга қарам бўлган ва илгарилари ярим мустақил бўлган Хоразм бутунлай мустақил бўлиб олди. Ҳатто аббосийлар халифалиги ҳам уни таниган эди. Қорахонийлар бўлса кучайиб келаётган Газна ҳукмдори Маҳмуд Газнавий билан беллашиб мадори қуриган ва Хоразмга қарашиб мажоли келмас эди. Бу орада уруш ва хавфлардан ҳоли бўлган Хоразмда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва мамлакатда иқтисодий аҳволнинг бирмунча яхшиланишига катта шароит яратилди. Шунинг оқибатида бу ерда маданий-маърифий аҳвол анча дуруст ҳолга келган, натижада, таъбир жоиз бўлса, "Маъмун академияси" деб аталган анжуманинг пайдо бўлиши заминида ана шу ҳақиқат ётар эди. Бу, албатта, ўша давр олимларни жамлаган илмий бир ўюнма бўлганди. "Маъмун академияси" тасодифий ва ўткинчи ташкилот эмас эди, унинг юзага келиши Хоразмда пайдо бўлган ижтимоий ҳаёт, иқтисодий, маданий кўтарилиш, сиёсий мавқеининг қандайлигини ифодалаб берарди. Хоразмдаги бу илмий ўюнма ҳозирги тушунчадаги академия маъносига тўла жавоб беролмаса ҳам, ҳарқалай ўша даврдаги катта илмий анжуман саналар эди, шу жиҳаддан ҳам у диққатга сазовор эди.

Ибн Сино ганоҳ истаб келган Хоразмда аҳвол мана шундай эди. Ибн Синонинг таъкидлашича, бу ерда илм-фанин севувчи Абул-Ҳусайн ас-Саҳлий вазир бўлган. Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида Хоразмга борганида у ернинг амири Али ибн Маъмун (997—1009) эди, деб кўрсатади. Бу амирнинг куняси Абу-л-Ҳасан Али ибн Маъмун бўлиб, у Абу-л-Аббос Маъмун ибн Муҳаммаднинг ўғли эди. Абу Али ибн Сино энгига фақиҳ-қонуншунос одамлар кийимини кийиб шаҳарга кириб боради. Бундан кўринишича, бу пайтларда бундай либос кийганларга ҳурмат ва эҳтиром билан қаралар, бегоналиги уччалик сезилмасди. Шу тарзда у Хоразм пойтахти Гурганч шаҳрига етиб келади. Абу Али тўғри амир ҳузурига киради. Унинг ўз ибораси билан айтганда амир унга "ўхшаганга кифоя ҳиладиган миқдорда ойлик тайин қиласди". Шу тариқа Абу Али Хоразм диёрида осойишта умр кечира бошлади.

Абу Алининг Хоразмга келиш йили ҳақида на ўз таржимаи ҳолида, на ал-Жузжоний ёзганларида аниқ маълумот йўқ. Абу Али беш яшарлигига отаси Бухорога кўчиб келганини назарда тутиб, у 985—1005 йиллар орасида Бухорода яшаган деб таҳмин қилинади. Бундан 1005 йилда у Хоразмга келган бўлиб чиқади.

Тошкентда, Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти китоб фондида 9042 инв. рақамли «Ажойиб ат-табақот» деган қўлёзма асар сақланади. Бу китоб муаллифи Муҳаммад Тоҳир ибн Абу-л-Қосим бўлиб, асар муқаддима ва етти табақа — бобдан иборат. Шу китобнинг тўртинчи табақаси сўнгрогида қизил сиёҳ билан "Зикри Шайх Абу Али Сино" деган сарлавҳа билан Ибн Сино ҳақида баъзи маълумот бериб кетилади. Бу қўлёзмага тавсиф ёзувчилар сўзига қараганда у илмий адабиётда кам маълум бўлган жўғрофий асрардир. Китоб форс тилида ёзилган. Шу қўлёзманинг Ибн Синога бағишланган саҳифаларининг бирода унинг Бухорода қанча яшаб кетгани ва Хоразмда қанча вақт бўлгани ҳақида шу сатрлар ёзилган:

"Абу Али ибн Абдуллоҳ ибн Сино йигирма тўрт ёшида ақлий, нақлий ва риёзий (математик) илмларнинг ҳаммасидан хабардор бўлиб, Бухорода олимлар билан тортишиб, уларни мот қилган. Кейин Хоразмга бориб, етти йил давомида у ерда дарс ўқиди. Кейин эса у ердан Журжонга борди"<sup>1</sup>. Худди шундай фикрни маданият тарихидан мутолааси зўр бўлмиш олимни замон, қози-ю калон Шарифжон махдум Садри Зиё ҳам ўртага ташлаганлар. У кишининг Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти китоб фондида сақланётган: "Тазкираи шуарои мутақаддимин ва салотин" ("Аввал ўтган шоирлар ва сultonлар ҳақида тазкира-мажмуа") номли асарида бу хусусда шу сатрлар ёзилган:

"Абу Али ибн Сино ўн икки ёшлигида олимлар билан муносара қилиб, барчаси устидан голиб келди, Хоразмда етти йил давомида Хоразмшоҳ хизматида бўлди"<sup>2</sup>. Бу сатрлардан маълум бўлишича, Ибн Сино йигирма тўрт ёшигача Бухорода бўлган, у ерда камолотга эришган ва ундан сўнгтина юртини тарк қилишга мажбур бўлган, шундан кейин етти йил давомида Хоразмда яшаган,

<sup>1</sup> Муҳаммад Тоҳир ибн Абу-л-Қосим. Ажойиб ат-табақот. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти китоб фонди, инв. № 9042, 175<sup>a</sup>-варақ. Бундан кейин Ибн Синонинг Журжонда касалларни даволагани ҳақида гап боради.

<sup>2</sup> Шарифжон Махдум Садри Зиё. Тазкираи шуарои мутақаддимийн ва салотин, Ўзбекистон ФА ШИ фонди. инв. № 2193/X, варақ 272 а.

кейин Журжонга борган. Бу борада Ибн Сино таржимаи ҳолида мазкур сатрлар битилган:

"Ундан (яъни Гурганждан — А. И.) кейин зарурат Нисога кўчишимга мажбур қилди. Сўнг ундан Абивардга, ундан Тусга, ундан Шиққонга, ундан Самниқонга, ундан Хурсон чегараси — Жожурмга, ундан Журжонга кўчиб юришга мажбур бўлдим. Кейин амир Қобуснинг ҳузурига киришга жазм қилдим. Шу пайтда Қобусни тутиб, қалъаларидан бирига қамаб қўйишиди. У ўша ерда қаттиқ касал бўлиб қолдим. Яна Журжонга қайтиб келдим".

## ЖУРЖОН ВА АЛ-ЖУЗЖОНИЙ БИЛАН УЧРАШУВ

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, Журжон амири Қобус ибн Вашмир (баъзи манбаларда Вушмагир) 1012 йили ўлдирилган. Шунга қараганда Ибн Сино бу йили Журжонда бўлганлиги тарихий воқеаларга тўғри келади. Ибн Синонинг бу йили Журжонда бўлгани ҳақида унинг шогирди ал-Жузжоний ҳам баъзи маълумотларни бериб кетган. У устозининг "аш-Шифо" китобига ёзган муқаддимасида шуларни келтиради:

"Менинг ҳикмат — фалсафа илмларига бўлган муҳаббатим ва маърифатга чинакам рағбатим ўз юртим, мамлакатимни ташлаб, худо умрини узун қилгур Шайх араис Абу Алиниң яшаган шаҳарларига кўчиб боришга мажбур қилди. Нега дессангиз, менинг у киши ҳақида эшишиб юрган гапларимга кўра Абу Алига нисбатан мойил бўлгим келарди.

Абу Али ёш ва ҳатто йигитлик давридан олдин, ҳатто ёши йигирмадан ошмаган чоғида ҳам бу илмларда маҳорат қозонган экан. Эшишишмга қараганда, у кўп асарлар таълиф қилган экан, шу билан бирга у бирорвга илм-маърифат беришдан қизғанмайдиган ва ўз асарларидан бошқаларнинг нусха олишига рағбати зўр одам экан. Шунинг учун ҳам мен у кишини қидириб топишни ният қилиб олдим, ростдан ҳам Абу Али мен ўйлагандай одам бўлиб чиқди. Шу билан бирга бу ҳол ундан ажралмайдиган

<sup>1</sup> Бу шаҳарга боргани ҳақида Ибн Сино маъданлар ҳақида ёзган асарида ҳам айтиб ўтган. Бу ерда олим тошга айланган кулча нон ҳақида гапиради. Қаранг: Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар (бундан сўнг материаллар; деб олинади), Т., 1959, 123-бет.

бўлишимга, унинг асарлар таълиф қилишгага аҳамият беришимга олиб келди, бордию асарлар таълиф қилган бўлса, уларни маҳкам тутиб туришни уйдан илтимос қилишим борасида қилган жонбозликларим тўғри бўлиб чиқди, Шундай қилиб, Абу Али Журжондалиги вақтида ёши ўттиз иккига яқинлашганида мен уни шу ерда ахтариб топдим. Бу пайтда Абу Али султоннинг хизматида бўлиб, унинг ишларини идора қилиш билан банд эди<sup>1</sup>.

Абу Убайд ал-Жузжонийнинг бу сўзларига қараганда ҳам Ибн Сино Журжонга 1012 йили келган бўлиб чиқади.

"Ажойиб ат-табақот" асаридан юқорида келтирилган парчага ва Шарифжон Маҳдум гапига кўра Ибн Сино етти йил Хоразмда яшаган бўлса, Бухорони у 1005 йилларда тарқ қилган бўлиб чиқади. Бу эса сомонийларнинг сўнгти меросхўри Мунтасирнинг ўлими юз берган иилига тўғри келади.

Хоразмда Ибн Сино кўп мўътабар зотларни, фозилу комил олимларни кўради, улар билан бирга бўлиб, суҳбат ва мунозаралардан баҳраманд бўлади. Бунда айниқса Абу Райхон Беруний, каби йирик олим билан учрашади. Бу вақтгача, ҳали Бухорода эканлигига донг чиқарган Абу Али ибн Сино ўзига Абу Райхон диққатини тортган эди. Илгарилари бу икки олим ўртасида фаннинг ҳар хил соҳаларидан илмий ёзишмалар ҳам бўлиб турганди, икки олим ўртасидаги бу ёзишмалар 998—999 йиллар орасида бўлган эди. Ҳатто улар ўртасида бўлган ёзишмалар тарихга ҳам кирган, қўлёзма ҳолида давримизгача етиб ҳам келган, уларнинг бир қисмининг дастлаб ўзбекча таржимаси билан арабча матни нашр ҳам этилган эди. Кейинчалик унинг русча таржимаси ҳам, уларга бағишланган таҳлиллар ҳам зълон қилинди<sup>2</sup>. Ибн Сино

<sup>1</sup> Яхъе Маҳдавий. Фижриисти нусхаҳои мусаннафт Ибн Сино, Техрон, 1954, 127-бет.

<sup>2</sup> Мунтасирнинг ўлими ҳақида қаранг: В. В. Бартольд, I, 332-бет. Бу ёзишма савол-жавоблар Узбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти китоб фондида 2385 раҳамли қўлёзма жилдіда сакланади. Шу қўлёзма нусха асосида бу китобнинг ўзбекча таржимаси 1950 йили Узбекистон ФА Шарқшунослик институти томонидан «Беруний билан Ибн Синонинг савол-жавоблари» (таржимон М. Абдураҳмонов ва А. Расулов, масъул мұхаррир С. Муталибоев) номи билан нашр этилди.

Бунда арабча матн фотоси ҳам чоп этилган. 1973 йили бу таржима Берунийнинг тугилганига минг йил тўлиши муносабати билан иккинчи бор икки тилда нашр этилди. Бу савол-жавоб «Узбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир материаллар» (Узбекистон ФА нашриети, Тошкент, 1959) китобида ҳам қисман чоп этилган эди (131—142-бетлар).

Бу савол-жавобларнинг Ю. Н. Завадовский бажарган русча таржимаси. «Материалы по истории прогрессивной общественно-филологической мысли в Узбекистане» тўпламида нашр этилган. («Фан», Ташкент, 1976; с. 240-271.)

билан Беруний ўртасидаги дўстлик иплари асосида Хоразмда бўлган учрашув янга ҳам ажойиб тус олади, улар илгарилари ёзишма орқали таниш бўлган бўлса, энди учрашиб турадиган бўлишди. Гурганчда бўладиган илмий анжуманлар янга ҳам мароқли ўтадиган бўлади.

Абу Райхон Беруний мингинчи йилларда ёзib тутагтган ва кенг китобхонлар оммасига маълум бўлган «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Ибн Сино билан бирга бу борадаги ёзишмаларни эслатиб ўтган эди. Беруний бунда дунёларнинг кўплиги, бўшлик масаласи, оғирлик ва енгиллик, жисмларнинг атомдан ташкил топганлиги, уларнинг иссиқлиқдан кенгайиши, нурнинг аксланиши ва синиши каби мавзуларни тилга олади.

«Бу масалани шу китобдан лойикроқ бошқа жойда, айниқса, мен билан фозил йигит Абу Али Ҳусайн ибн Сино орасида шу боб устида бўлган музокараларда баён этилган», деб бу масалага қизиқсанларни ўша ёзишмаларни мутолаа қилишга ҳавола қилиб, юқоридаги сатрларни ёзган эди. Бундан кўринишча, Абу Райхон Беруний илгаридан Ибн Сино билан таниш бўлган.

Ибн Синонинг Хоразм ўлкасида бўлганлиги тўғрисида унинг ўз асарларида ҳам баъзи сатрлар чертиб кетилган. Чунончи, кўп жилдлик "аш-Шифо" китобининг "ал-Ҳайвон" қисмida 1006 йили Хоразмда бир фил кўргани ҳақида ёзди<sup>3</sup>.

Бу асарнинг бошқа ўринларида ҳам Ибн Сино ҳайвонот дунёсидан кўрган баъзи бир қизиқ ҳодисаларни ёзди. Шу билан бирга Ибн Сино Хоразмга тушган метеоритни эртишга урингани ҳақида ҳам ёзди. Шунга кўра ҳам Ибн Синонинг бу даврда маълум муддат Хоразмда яшаганлигини кўрамиз. Аммо у Хоразмда доимий қўним топа олмайди. Чунки бу орада кучайиб келаётган Ғазна ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий Хоразмга кўз олайтира бошлайди. Дастлаб Хоразм ҳукмдорига синглисини узатиб уни ўзига куёв қилиб олган Маҳмуд Ғазнавий бу ўлкан ўзига қарам қилиш ниятида иш олиб боради. Бу ҳолатни Абу-л-Фазл Байҳақийнинг "Масъуд тарихи" асаридаги Берунийнинг давримизгача етиб кел-

<sup>1</sup> Абу Райхон Беруний. Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар. Қаранг: Сайланма асарлар, I, арабчадан А. Расулов таржимаси. Масъул мұхаррир И. Абдуллаев, Узбекистон ФА «Фан» нашриёти, 1968, 301-бет.

<sup>2</sup> Абу Али ибн Сино. аш-Шифо, ал-Ҳайвон, Техрон, 1319/1901, 403-б. «Аш-Шифо» Техронда икки бор: 1305 ва 1319 ҳижрий йилларда босилган.

маган тарихий асаридан келтирилган парчалар орқали билиб оламиз. Булардан кўринишича, дастлаб Маҳмуд Хоразмга ҳар ҳил йўл билан таъсир кўрсатишга, уни ўзига қаратишга уринган. Ҳатто уни бутунлай Газнага бўйсундирған. Абу Али ибн Сино Газнага ҳукмдорининг хатти-ҳаракатларини олдиндан сезиб, Хоразмда қолмасликни, у ердан бош олиб чиқиб кетишни лозим топади. Уэнди Маҳмуд Газнавий қўли етмаган жойларга кетишга отланади.

Низомий Арузий Самарқандий ўз асарида бу борада ажойиб ҳикояларни нақл қиласди. Уларнинг бирида, Маҳмуд Хоразмшоҳга бир хат йўллаб, у ергаги тўпланган олимларни Газнага юборишни талаб қиласди. Баъзи олимлар боради, Ибн Сино билан Абу Саҳл ал-Масиҳий Газнага боришни истамай, у ердан чиқиб кетишади.

Ибн Синонинг Хоразмни тарк қилиш йилини тарихчилар ҳижрий йили ҳисоби билан 401 ва мелодий ҳисоби билан 1011 йил деб кўрсатадилар. Ибн Сино Хоразмни ал-Масиҳий билан бирга тарк этади. Улар Журжон томонга йўл оладилар, чунки Абу Саҳл асли Журжонда туғилган эди. Шунинг учун у Абу Алини ҳам ўша томонларга олиб кетмоқчи бўлар, юртида тинч ҳаёт кечиришга умидвор эди. Лекин орзуси ушалмай қолди.

Йўлда анча қийинчилклар юз бериб, ҳатто йўлбошловчи адашиб қолади, шу тариқа йўл азоби, сувсизликка бардош беролмай Абу Саҳл ал-Масиҳий вафот этади. Манбаларнинг кўрсатишига қараганда чиндан ҳам ал-Масиҳий 1011 йилда вафот этган. Натижада йўл бошловчи билан Ибн Сино кўп қийинчилклардан сўнг ҳозирги Ашхободдан йигирма чақиримча нари бўлган Нисога, ундан Абивардга етиб келадилар, сўнг йўл бошловчи орқасига қайтиб кетади. Абу Али ўша ерда қолади. Зарурат тақозоси билан Ибн Сино бу вақтда Хурсон шаҳарларининг бирин-кетин бир нечасида бўлади, лекин у буларнинг бирортасида ҳам ўзига доимий қўним тополмайди, нуқул биридан иккинчисига кўчиб юради. Ё бу ерлардаги ички зиддиятлар, ё исён, уруш, галаён осойишталик бермайди. Шу билан Ибн Синонинг 1011—1012 йиллар орасида Хурсон шаҳарлари ва Табаристонда яшаганини кўрамиз.

Ибн Сино ўзининг кейинчалик ёзган йирик асари "Аш-Шифо"нинг "Китоб ал-Ҳайвон" қисмида Деҳистонни эслаб ёзади:

"Менга Деҳистон биёбонидан келган бир кишининг ҳолини ҳикоят қилишган эди: Агар бирор илон ўша

кишини чақса, илоннинг ўзи ўлар экан. Менга ҳикоя қилиб беришларича, бир катта илон уни чаққач, ўзи ўлиб қолибди, илон чаққан одамнинг эса фақат иситмаси чиқиб, бу ҳол бир кунгина давом этибди. Бу воқеани эшитганимдан кейин Деҳистон биёбонида бўлганимда ўша кишини суриштирсам, мен боришимдан илгарироқ вафот этган экан. У кишидан бир зурриёт қолган экан. Бу борада боласининг хусусияти отасиникидан зўрроқ экан, у боладан мен ажойиб нарсаларни кўрдиму, лекин улардан кўпини ҳозир унугтганман. Ўша кўрганим ажойиботлардан бири шуки, катта илонлар ҳам уни тишлишдан юз ўтирас экан. Ҳатто ундан ҳазар қилиб афтига туфлашидан четланишга уринишар экан, қўлида турганида ундан эҳтиёт бўлишга ҳаракат қиласар экан".<sup>1</sup>

Ибн Сино бу шаҳарларда то осойишталика путур етгунга қадар истиқомат қиласди, 1012—1014 йиллар орасида Журжон (ҳозирги Гургон)да яшайди. Бу орада Ибн Сино 32—34 ёшларда бўлади.

Журжонда Абу Али келажакда ўзига шогирд бўлиб тушган Абу Убайд ал-Жузжоний (вафоти 1047) билан танишади.

## АБДУЛВОҲИД АЛ-ЖУЗЖОНИЙ

Абдулвоҳид ал-Жузжоний Ибн Синонинг энг қобилиятли ва садоқатли шогирдларидан бўлган. "Тарих ҳукамо ал-ислом" китоби муаллифи Заҳируддин ал-Байҳақийнинг кўрсатишича, фиқҳ-қонуншунос, ҳаким-файласуф Абу Убайд Абдулвоҳид ал-Жузжоний, асли юрти Афғонистоннинг шимолида бўлган Жузжон деган қадимий жойдан. Бу ер Амударё билан Мурғоб ўртасида жойлашган вилоят. Абу Убайд илм-маърифат истаб Каспий бўйларида жойлашган Журжон (ҳозирги Гургон)га келиб, ўша ерда Ибн Сино билан танишиб, унга шогирд тушган. Бу воқеа 1012 йилда юз беради. Шу тариқа Абу Убайд то Ибн Сино умрининг сўнгги давригача у билан бирга бўлиб, унга кўмаклашиб келган. Абӯ Убайд гапига кўра, у Ибн Сино билан йигирма беш йил давомида бирга бўлган. Ибн Синонинг таржимаи ҳолининг ёзилиб қолиши ва унинг кўп асарлари таълифи ва тартибга тушиши шу киши туфайли бўлган. Ибн Сино асарининг давримизгача етиб келишига ҳам дастлаб ал-Жузжоний сабабчи бўлган. Ибн Сино фикр-андишасини, унинг

<sup>1</sup> Ибн Сино. Китоб ал-Ҳайвон, 417-б.

заковат-қобилиятыни энг яхши тушунган киши ҳам Абу Убайд бўлган. Ўзи ҳам йирик олим бўлган, асарлар таълиф қилган. Ибн Сино асарларини авайлаб сақлаб, уларни кўчириб ёзиш, нусхасини қўпайтириш, уларни келажак авлодга етказишдек бир олижаноб бурчни тўла тушуниб етган ва уни бажарган киши ҳам биз номини зикр этганимиз Абу Убайд ал-Жузжоний бўлади. Буюк олим Ибн Синонинг асарлари мана шу иқтидорли зот ёрдамида сақланиб қолганлигини назарга олсан, тарих, илм-маърифат олдида Абу Убайд Абдулвоҳид ал-Жузжонийга қанчалар бурили эканимизни тушунишимиз мумкин. Зотан Абу Убайд Ибн Синонинг энг ғамхўр одами сифатида, асар ёзишига туртки беришда, унга шароит яратишда энг катта роль ўйнаган шахслардан саналади. Ибн Сино ҳақида энг тўлиқ маълумот ҳам унинг лутфи-таважжуҳи билан битилиб қолинган. Унинг Ибн Сино ҳақида ёзгаҳ хотиралари, "аш-Шифо" китобига ёзган муқаддимаси<sup>1</sup> бунга мисол бўлади. Ибн Сино асарларининг нусхаланиши, тартиби тушиши ҳам ал-Жузжоний номи билан боғлиқ. Ибн Сино фикрларини тушуниб етиш ҳам озмунча илм талаб қиласлигини кўз олдимизга келтирсан, Абу Убайд ал-Жузжоний иқтидори яққол кўриниб қолади. Шунчалик йирик ва сермутолаа олим бўлатуриб, ўзи ҳақида ҳеч қандай маълумот ёзиб қолдирмайди, камтарликни қаранг! Ҳатто у Ибн Сино билан Исфаҳонга кириб борганида алломанинг у ердаги дўстлари ҳамда амир Алоуддавла юборган амалдорлар уларни кутиб олади. Шунда ҳам ал-Жузжоний "бизни" кутиб олди, деб ёзмайди. Балки у бу кутиб олишларнинг ҳаммаси Ибн Синога нисбатан бўлган ҳурмат эканлигини, бошқалар учун эмаслигини билиб, Абу Алини кутиб олди деб ёzáди.

Ал-Жузжоний Ибн Сино билан бирга бўлиб, унинг барча ишларида ёрдам берди, уларни авайлаб сақлашда жудаям буюк ва олижаноб иш қилди, унинг асарларини боқий қолишига сабабчи бўлди, чунки устоди асарлари унинг ўз асарларидек бўлиб қолган эди.

Заҳируддин ал-Байҳақий бу киши ҳақида ёзиб, Ибн Синонинг "аш-Шифо" асарининг ёзилишига қайғурган, уни ҳозирги даврдаги шаклига келтирган, "ан-Нажот"ни

<sup>1</sup> Абу Убайд ал-Жузжонийнинг Ибн Сино ҳақида ёзган хотираларини арабчадан ўзбекчага қилган таржимамиз "Гулистон" (№ 6, 1979, 9—12-бетлар)да босилган.

<sup>2</sup> Абу Убайддининг «аш-Шифо» китобига ёзган муқаддимаси ҳақида қаранг: Маҳдияй, 127—129-бетлар.

тартибга солган, риёзий илмига алоқадор бўлган "Алоий рисоласи" кабиларни тугал бўлиб қолишига шу ал-Жузжоний сабаб бўлган, дейди.

Ундан ташқари Абу Убайд "Тиб қонунлари" асарининг қийин жойларини тафсиrlаган, "Ҳайй ибн Яқзон" қиссасига шарҳ ҳам ёзган эди.

Абу Убайд форс тилида "Китоб ал-ҳайвон" деган асар ёзган, унинг бир нусхаси Нишопур шаҳридаги Низомия хазинасида мавжуд. Баъзи бир устодларимнинг айтишига қараганда, дейди ал-Байҳақий, Ҳаким Абу Убайд Абу Али билан бўлган йигинларда устоди олдида ўзини шогирд сифатида эмас, балки мурид сифатида тутар экан.

Абу Убайд устози ҳақида ўзига маълум бўлган барча маълумотларни бериб кетади, лекин ўзига келганда хасислик қиласи, онда-сонда муносабат билан айтилган гаплардан бир фикрга келинмаса, у ўзи устида тўхташни лозим кўрмайди, ҳатто сўз юритишни одобсизлик деб билади.

Ибн Сино Журжонда Абу Убайд ал-Жузжоний билан топишиб, бутун умр дўсти бўлиб қолади; Абу Алининг қандай одамлигини тушуниб етган бу зот ўзининг анчагина етук олим бўлиб етишганига қарамай, доимо устозига кўмак бериб келди, ҳатто дафнигача бирга бўлди.

## ЖУРЖОН ЭЛИДА

Абу Али ибн Сино зиёрий ҳукмдорлардан бўлмиш Қобус ибн Вушмагир ҳукмронлик қилган Журжонда 1012—1014 йиллар орасида ҳаёт кечиради.

Зиёрийлар асли дайlamликлардир. Унинчи асрда халифаликка қарашли ҳозирги Эрон ерларида дайlamликлар катта роль ўйнайдилар. Дайlam — тоғлик ўлка бўлиб, иқтисодий жиҳатдан камбағал бу дисёр ўз аҳолисини ҳам боқишига қурби етмас эди. Шу жиҳатдан бу ўлка аҳолиси, айниқса ёшлар, иш қидириб тарки ватан этишга мажбур эдилар. Булардан бўлган ёш ийитлар тўғри келган ҳукмдорга аскарликка ёлланиб ишга кирап, шу тариқа кун кўрар эдилар. Мана шундай дайlamликлардан бири Мардовиж ибн Зиёр дастлаб сомонийлар саройида хизмат қила бошлади, у ёлланган дайlamликлар йўлбошчиси эди. Кейин у ўзига қарам бўлган аскарлар ёрдамида 928 йили Гургон ва Табаристонни босиб олиб, зиёрийлар сулоласига асос солди. Бу сулола то 1042 йилгача давом этди. Кейин Мардовиж ибн Зиёр гарбий Эронга юриш қилиб, 935 йилгача етти йил давомида Рай, Қазвин, Ҳамадон, Исфаҳон, Шероз

каби шаҳарларни ўзига қаратди<sup>1</sup>. Мардовижнинг бу ҳаракатида дайlamлик бувайҳийлар хонадонидан бўлмиш уч ака-ука Али, Ҳасан ва Аҳмадлар садоқатли саркарда сифатида унга хизмат кўрсатади, бунинг натижасида уларнинг ҳар бири маълум ўлкада Мардовижнинг ноиби бўлишга сазовор бўлдилар. Ёлланган аскарлар хизматини кўрган Мардовиж ўз қўшинида дайlamликлардан ташқари сотиб олинган қуяларни ҳам тутар эди. Мана шундайлардан ташкил топган яна тўрт минг отлиқ турк гвардияси ҳам бор эди<sup>2</sup>.

Лекин Мардовиж ибн Зиёрнинг ҳукмронлиги кўпга чўзилмади, 935 йили унинг турк қуялари суиқасд уюштириб, уни ўлдирдилар. Фурсатдан фойдаланган бувайҳийлар Мардовиж ибн Зиёр ихтиёрида бўлган гарбий Эронни эгаллаб олдилар. Уларнинг каттаси — Али Исфаҳонни эгаллади, кўп ўтмай, у форс вилоятини ҳам ўзига қарам қилиб олди. Ўртанчаси бўлса Жабални эгаллади, Аҳмад бўлса Ҳузистонни, кейин Кермонни қўшиб олди. Шу тариқа гарбий Эронда халифалик ҳукмронлиги қулаб, Бувайҳийлар давлати (935—1055) вужудга келди. Зиёрийлар (928—1042)да эса Гургон билан Табаристоннинг бир қисми қолди, холос.

945 йили бувайҳийларнинг кичиги Аҳмад Бағдодга лашкар тортиб бориб Ироқнинг араб қисмини эгаллади, ҳатто халифадан ўзига амирлар амири деган фахрий унвон ҳам ато қилди. Бундай фахрий унвон унинг акалари — Али билан Ҳасанга ҳам берилди. Бундан сўнг амирлар амири Аҳмад халифа Мустакфийни (940—945) ийқитиб, уни кўр қиласди, унинг ўрнига бошқа аббосийлардан бўлган Мутиъни (946—974) халифаликка кўтаради. Шу билан аббосийлар икки юз йил давомида (945—1132) бу ўлкалар устидан ҳукмронликни бутуналай йўқотдилар, улар фақат расман ҳукмрон саналар, хутба, пул зарб қилишда халифа номлари ишлатилар, аслида эса бувайҳийлар, сомонийлар, зиёрийлар ҳукм юритар эди.

Бу орада Эрон икки давлатга ажралган эди; гарбда — бувайҳийлар, шарқда — сомонийлар ҳукмрон эди. Бувайҳийларнинг ягона марказлашган давлати йўқ эди, улар уч ака-ука ва унинг меросхўрлари ўртасида, кейинчалик уларнинг болалари ўртасида бўлинган эди. Ўртанча бу-

<sup>1</sup> История Ирана. Издательство Московского Университета, М., 1977, 136-бет.

<sup>2</sup> История Ирана. 136—137-бетлар.

вайҳийлардан бўлган — Ҳасаннинг ўғли — Фанна Ҳисрав (949—983) уларнинг энг зўр ҳукмдори саналар эди, у Адуд ад-Давла деган лақаб ҳам олган эди. Бу киши бутун Гарбий Эрон ва араб Ироқини бирлаштири, 973 йили Уммани ўзига бўйсундирди. Лекин кўп ўтмай, Адуд ад-Давла ўлгач, бувайҳийлар салтанати яна парчаланиб кетди.

Ибн Сино Журжон — Гургонга борганда зиёрийлардан бўлмиш Шамс-ул-маолий Қобус ибн Вушмагир (978—1012) ҳукмрон эди. Бу маҳалда зиёрийларга Жабал, Қорун, Гургон, Табаристон, Омул, Астробод қарар эди. Қобус 978 йили ўз биродари ўрнига салтанатга ўтириди. 981 йили бувайҳийларнинг ҳужуми туфайли ўз юртидан қочди ва Маҳмуд Газнавий даргоҳида паноҳ топди. Кейин ўз юртига қайтиб яна 15 йил ҳукм суради. Худди мана шу пайтларда Ибн Сино Журжонга келиб қолган эди.

Ибн Сино амир Қобуснинг олдига киришга қасд қилганида Қобусни тутиб, қамаб қўйишган эди. Бу воқеа Журжон билан Астробод ўртасида, Чаношак қальасида юз беради, Қобус аскарлари ўз амирини тутиб, кийим-кечаксиз қолдиришида; қиши бошланган, совуқ тушган кез бўлганидан Қобус аёзда қолиб ўлади.

Абу Убайд ал-Жузжоний "аш-Шифо"га ёзган муқаддимасида эславица, у Ибн Синони ўттиз иккига яқинлашганида Жузжонда кўрган, шунда Абу Али султоннинг хизматида бўлган экан.

"Бундай ишлар,— деб ёзди ал-Жузжоний давом этиб,— Абу Алиниң кўп вақтини олар эди. Мен бўлсан, озгира бўлса ҳам қулагай фурсат топиб, у кишининг олдига кириб, мантиқ ва табиатдан оз-моз айтиб турсалару, мен уни ёзиб олсан, деган талаб қўярдим".

Мана шу сатрлардан маълум бўлишича, Ибн Сино Қобус ўлимидан кейин ҳам Журжонда қолган ва унинг ўғли амир Фалак ул-Маоний Манучеҳр (1012—1029) саройида ишлаган бўлиб чиқади.

Низомий Арузий "Чаҳор мақола"сида келтиришича, Ибн Сино амир Қобус билан кўришган, шунда амир касал жиянини даволашни ундан сўраган. Ибн Сино болани кўриб, уни бирорвга ошиқ эканини аниқлаган. Бу билан Ибн Сино Қобусдан кўп эҳтиромлар кўрган. Бу<sup>3</sup> воқеа Ибн Синонинг аллома эканлигини, унинг инсон руҳий ҳолатини нозик томонларигача тушуниб етганини кўрсатади.

Ундан ташқари, "Чаҳор мақола" муаллифи келтиришича, Хоразмдан қочган Ибн Синони қўлга киритмоқчи

бүлган Маҳмуд Ғазнавий унинг расмини чиздириб, кўп ўлкаларга, шулар қатори Гургонга ҳам ахтариш учун юборган ва уни Қобус билган.

Лекин Низомий Арузий Самарқандийда келтирилган ҳикоялар тарихий асар сифатида эмас, балки бадний асар сифатида қаралмоги керак, унда Ибн Синодай улуғ бир инсоннинг етук аллома эканлигини усталик билан яхши деталлар орқали баён этилган. Чунки у ҳикоя қилаётган воқеалар тарихий нуқтаи назардан бир-бирига зид, йиллар тўғри келмайди.

Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида Қобусни кўрмаганиман, деса-ю, бошқалар унга, йўқ, сен кўргансен, деб турса, бу ҳақиқатга тўғри келмас. Лекин бадний адабиётда бу бўлиши мумкин. Низомий Арузий ёзганларига шу нуқтаи назардан қаралса, унга тўғри баҳо берган бўламиз. Қобус билан Ибн Синонинг бир-бирини кўрмаганини бошқалар ҳам қайд қилиб ўтган эди. Балки Ибн Синонинг ошиқ йигитни даволаши Қобус даврида эмас, балки унинг вориси Манучеҳр даврида юз берган бўлиши ҳам мумкин.

Ибн Сино ўзига қўним тополмай юртма-юрт кезгандарини ифодалаб ёзган қасида-шъеридан бир байт бизгача етиб келган. Шу байтда у шундай ёзади:

Мен улуғ бўлганимда катта шаҳарлар ҳам  
тор бўлиб қолди,  
Қийматим ошганда харидорим ҳам топилмай қолди.

Бу байтдан Ибн Синонинг қанчалик қийналганини, мусофири юртларда унинг аҳволи қандай кечганини билиш қийин эмас.

Ибн Сино бу орада Журжондан Деҳистога боради, яна Журжонга қайтиб келади. Кўп ўтмай касалга чалиниб қолади.

Тарихчи Муҳаммад Тоҳир ибн Абулқосим асарида Ибн Синонинг Журжонга боргани ҳақида шу сатрлар ёзилган: "Абу Али Ибн Сино Журжонга борган пайтида Журжон вилоятида беморлар кўлпайиб кетган эди.

Касаллардан унга ким тўғри келган бўлса, даволаган эди, улар сиҳат топиб кетавериши. Шу сабабдан ҳам Абу Алининг номи Журжонда тилларга тушиб, ҳалқ орасида кенг тарқалиб кетди".

Абу Алининг бундан кейинги ҳаёти ҳақида биз ал-Жузжоний ёзганларидан билишимиз мумкин. Бу эса алломанинг Абу Убайд билан Журжонда танишганидан бошланади. Абу Убайднинг ёзишича, Ибн Сино Журжонда яшаётган кезида



Ибн Сино беморни кўрмокда

у ер аҳли орасида кўп таниш орттиради. Улар Ибн Синога зўр ҳурмат билан қарайдилар. Бу кишилар Ибн Синодаги қобилият, заковатни кўриб, унинг қадрига етган, сухбатига ишқибоз бўлган кишилар эди.

Бу ҳақда маълумот қолдирган Абу Убайд ал-Жузжоний шуларни ёзади:

"Журжонда Абу Муҳаммад аш-Шерозий деган бир киши бор эди. У киши бу илмларни яхши кўрар эди. Шайхга деб ўз қўшнисининг уйини сотиб одди ва Абу Алини ўша ерга жойлаштириб қўйди. Мана шундай эзгу муносабатлар оғушида Ибн Сино бир оз вақт Журжонда яшади. Ибн Синонинг ажойиб хислатларидан бири шу бўлганки, у ўз илмий ишлари, таълифлари учун ҳеч маҳал ўта тинч-осуда шароитни аввало тополмаган, кейин унда аҳволни кутмаган ҳам. Аммо ҳеч қачон унинг қўли қаламдан буш

қолмаган. У дам олишни билмас, ўзига нисбатан аёвсиз эди. Шароит қандай бўлишидан қатъи назар, дарҳол таълиф қилишига киришарди. У ўзида бор бўлган ҳар бир фурсатни қўлдан бой бермасликка ҳаракат қилар эди. Унинг энг катта муваффақиятларидан бири худди мана шунда эди".

Журжонда Ибн Сино асарлар таълиф қилиш билан бирга табиб сифатида одамларни даволайди ҳам. Ибн Сино табиблиги ҳақида ўрта асрларда тўқилған ҳар бир афсоналар ичida Журжонга нисбат берилганлари ҳам бор. Даволаш, бир томондан, Ибн Синога даромад манбаи бўлиб хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, шу ерда таълиф қила бошлаган "Тиб қонунлари" асарига маълумот бўлиб, унинг назарий билимларини синовдан ўтказувчи бир "лаборатория" хизматини ўтар эди. Чунки Абу Али доимо касалларни кўрар, уларнинг дардини аниқлар ва касаллик сабабларини суриштирас, унинг тузалиш жараёни ва берган дори-дармонларининг таъсирини кузатиб борар ҳам эди. Ибн Синонинг шу шаҳарда топған шогирди Абу Убайд ўз устозининг Журжондаги ҳаёти ҳақида ёзар экан, у бу ерда биргина табобат билангина машғул бўлиб қолмаганлиги, шогирдларига астрономия ва мантиқ каби фанлардан дарс берганини таъкидлайди. Унинг ёзишича у ҳар куни Птоломейнинг "Ал-Мажистий" ("Алмагеста") китобини Ибн Сино қошида ўқир экан. Бу кезларнинг бирида Абу Убайд ўз устозига мантиқ ҳақида бир китоб ёзисб беришни илтимос қилиб қолади. Чунки Ибн Сино мантиқ илмини жуда чуқур ва атрофлича билган зотлардан эди. Шунда у шогирдига "ал-Мухтасар ал-авват фи-л-мантиқ" ("Мантиққа оид ўргача қисқартма") китобини ёзисб беради. Шогирдининг ёзишича, Абу Али бу китобини айтиб турган, у ёзисб олган. Уша кезларда Ибн Сино Абу Мұхаммад аш-Шерозийга атаб «Китоб ал-мабда ва ал-маод» ("Нарсаларнинг бошланғич ва аслига қайтиши ҳақида китоб") билан "Китоб ал-арсад ал-куллия" ("Умумий кузатиш китоби")ни ёзисб беради.

Абу Убайднинг ёзишига қараганда, Ибн Сино Журжонда тинч-осуда ҳаёт кечириб, беморларни даволаш билан бирга китоб таълиф қилиш билан шуғулланади. Бу ерда у жаҳонга машҳур бўлган асари "Тиб қонунлари"нинг аввалги қисмларини ёзишга тушади, кейин "ал-Мажистийнинг қисқартмаси" ва бошқа кўп рисолалар битади. Абу Райҳон Беруний сўзига қараганда, Қобуснинг қизи Заррин Гису топширигиги билан Абу Али ибн Сино Журжон узуналамасини аниқлаш билан

шуғулланган, бу борада у маҳсус рисола ҳам ёзган<sup>1</sup>. Сўнгра Абу Али Эроннинг гарбидаги Жабал вилоятига келиб ҳам таълиф ишлари билан машғул бўлади. Ал-Жузжоний ўз хотираларида Абу Алиниң Жабалга келганини баёни этгач, унинг қирқ ети китоби рўйхатини келтиради. Бу китоблар орасида Ибн Синонинг ҳали Бухорода яшаган кезларида қилган таълифлари, ундан кейин ёзган асарлари номлари ҳам бор. Албатта, бу асарлар рўйхати дастлаб тўла бўлиб, унга "Ибн Синонинг ўарча асарлари кирган бўлиши керак. Ўайнчалик бизга номаълум сабабларга кўра қисқариб-қисқариб, ниҳоят мана шу ҳолга келгандир. Ҳозирги кунда Тошкентда, Абу Райҳон Беруний ҳомидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган "Расоил ҳукамо" ("Файласуфлар рисолалари") тўплами қўлёзмаси ичida сақланаётган "Феҳрист кутуб Шайх ар-раис" ("Шайх ар-раис Абу Али ибн Сино китоблари рўйхати") нусхасини Содиқ Мирзаев ўз асарида келтириб, ал-Жузжоний ёзган ўша "Феҳрист"—"Рўйхат" мана шу бўлиши керак, деган эди. Бу рўйхатда Ибн Синонинг 148 асари номи келтирилган. Лекин бу ҳам тўлиқ эмас кўринади, унда бир қанча асарлар кўринмайди. Ибн Синонинг "ал-Ишорот" асарига шарҳ ёзган Насируддин ат-Тусий (1201—1274) ал-Жузжоний тузган рўйхат қўлига тушганини, унда алломанинг "Саломон ва Ибсол" қиссаси борлигини кўрганини ёзган эди<sup>2</sup>. Лекин ҳозирги мавжуд рўйхатларнинг ҳеч бирида бу асар номи эсламмайди. Демак, ал-Жузжоний тузган рўйхат кўп бор ўзгариш ва қисқаришларга дуч келган.

Абу Убайд ал-Жузжоний устози ҳақида ўз хотираларини ёзар экан, Журжон ва Жабалда қанча вақт бўлгани ҳақида ҳеч нарса демайди. Аммо Ибн Сино Журжонда бўлган кезларида жуда сермаҳсул ижод қиласи, у ерда беш йилдан кам вақт бўлмаган кўринади. Демак, Ибн Сино 1017 йилларгача Журжонда бўлган бўлиб чиқади. Саид Нафисий фикрла, Ибн Сино 1014—1019 йиллар орасида Райдага бўлган. Юқорида келтирганимиздек, Ибн Сино 1012 йил бошларида Журжонга қелган бўлса, уч йил давомида, то 1014 йил охирларигача бу ерда яшаган.

<sup>1</sup> Абу Райҳон Беруний. Т. III, Геодезия, исследование. Перевод и примечания П. Г. Булгакова, Т., 1966, 202, 231-бетлар.

<sup>2</sup> Н. Тусий. Шарҳ ал-ишорот, Истанбул, 1873. 364-бет.

## САЙИДА ХОТУН ВА МАЖДУДДАВЛА

Кейин у Райды Сайида Хотун ва унинг ўғли Маждуддавла хизматига киради.

Рай ҳозирги кунда Төхрон чегараларидағи ноҳия номи. Бу қадимий шаҳардан ҳозир харобаларгина қолган, холос. Ўрта асрларда эса бу шаҳар давлат маркази ҳам бўлган. Бувайҳийлардан бўлмиш Фаҳруддавла (988—997 йиллар орасида ҳукм сурган) ҳукмронлик қилиб, Райнин ўзига пойтахт қилган эди. Фаҳруддавла вафотидан кейин Рай марказ бўлган вилоятлар катта ўғли Маждуддавла Абу Толиб Рустам (ҳукмронлик йиллари 997—1029)га ўтади. Шаҳзода ёш бўлгани сабабли давлатни бошқариш тарихий манба ва адабиётларда Сайида Хотун деб ном олган унинг доно онаси зиммасига тушади. Аммо унинг укаси Шамсуддавла (ҳукм юритган йиллари 997—1021 йиллар ораси) эса Ҳамадон марказ қилинган ўлкаларга ҳукмронлик қилади. Бунга Ҳамадон, Қармисин ва то Ироқ чегараларигача бўлган ерлар киради.

Сайида анча тадбиркор, ақлли аёл эканини Райга кўз олайтирган Маҳмуд Фазнавий билан Сайида ҳақида сақланиб қолган бир ҳикоят ҳам кўрсатади.

Маҳмуд бу ўлкаларни эгаллаш ниятида бўлиб, дағдага солади, лекин Сайида унга жавобан жангта чақирган.

— Агар мен ундан енгилсан,— деган у,— Маҳмуд бир хотун устидан ғалаба қилган бўлади, деган гап тарқалади, бордию мен ғалаба қилсан, у маҳалда Маҳмуднинг устидан хотун ғалаба қилган бўлади, дейишади.

Буни эшитган Маҳмуд Фазнавий бу ишдан қўлини тортган. Ибн Сино Райга келгач, мана шу Сайида ва унинг ўғли Маждуддавла хизматига киради.

Абу Убайд ёзишича, Ибн Синонинг дўстлари Сайида хотунга хат ёзишиб, Ибн Синонинг кимлигини тавсифлаб, имкон борича у кишига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш зарурлигини уқтиришган. Ана шундай мазмундаги хат билан Ибн Сино Рай ҳукмрони Сайида ва унинг ўғли Маждуддавла (997—1029) ҳузурига келган. "Улар,— дейди ал-Жузжоний,— Шайхнинг кимлигини ўзи олиб келган хатидан билишди, бу хатда Шайхнинг обру-эътибори, таърифи баён этилган эди".

<sup>1</sup> Маждуддавла бу маҳалда баъзи манбаларда тўрт яшар, деб кўрсатилади. Қаранг: Ибн ал-Асир, ал-Комил фи-т-торих, 9 жузъ, 49-б., Ўзбекистон ФА ШИ инв. № 6280. Бундан кейин Ибн ал-Асир, деб олинади, баъзиларда эса у 11 яшар эди, деб кўрсатилади (Сайд Нафисий, 76-бет).

Райды Ибн Синони яхши кутиб оладилар. Абу Убайд ал-Жузжонийнинг ёзишича, "Бу пайтларда Маждуддавла дардга чалиниб, уни савдои касали енгиг қўйган эди. Абу Али уни даволаш билан машғул бўлди". Чунки Ибн Сино руҳий касалликларни тузатиш йўлини яхши билганилиги бу ерда жуда қўл келади.

Шарқда тарқалган ҳикоятларда айтилишича, бир киши (бу Маждуддавла бўлиши керак) меланхолия касалига чалиниб қолади. Нуқул у одамларга:

— Мен ҳўқизман, мени сўйинглар,— дер экан.

Касалнинг қариндошлари Абу Али ибн Синога мурожаат қилиб, касални даволашни сўрашибди. Ибн Сино касал олдига қассоб сифат бўлиб пичоқни қайраб келиб:

— Қани, сўядиган ҳўқизингларни кўрсатинглар,— дебди.

Бемор дарҳол қассоб олдига чопиб келиб:

— Сўйиладиган ҳўқиз менман,— дебди.

Абу Али ибн Сино унинг қўл-оғини бойлаб, қўлига пичоқни олиб қайрабди-да, биқинидан ушлаб кўрибди:

— Ҳўқизимиз семиз демабмидиларинг, бу жуда ориқку, мен бундай ҳўқизни сўймайман, ҳеч қанча тўшт чиқмайди, олдин сал семирсин, кейин сўяман,— дебди.

Буни эшитган bemor:

— Қани менга овқат беринглар, мен семираи,— деб овқат талаб қиласверибди.

Абу Али ибн Сино овқат билан bemorга дори-дармон едирибди, оиласига қандай тадбир қилиш йўлини тайинлабди. Натижада bemor тузалиб кетибди.

Бир куни Абу Али қассоб бўлиб bemor уйига борибди:

— Семирган ҳўқизларинг қани, сўйиб берай деб келдим,— дебди ва bemorni кўриб:

— Ие, анча семирибсан-ку, энди сени сўйса бўлади,— деган экан, у:

— Мени сўядиганнинг боши ўнта,— дебди дўқ қилиб.

Йигилган қариндошларнинг ҳаммаси аввалги воқеани эслаб кулишибди.

Бу ҳикоят замирида эҳтимол шу шаҳзода Маждуддавланинг хасталиги билан боғлиқ воқеа ётгандир.

Ибн Сино Маждуддавлани даволаб салтанат тепасида турган Сайиданинг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлган. Абу Али даволаш ишида ўткир маҳоратини

<sup>1</sup> А. Ирисов. Абу Али ибн Сино, Ўзбекистон ФА нашриёти, Тошкент, 1960, 62—63-бетлар.

намойиш қилди, натижада кўпчилик наздида катта обрў қозонди.

Одатда амир ва султонлар ўз диёру салтанатида шундай буюк кишилар йигилса, улар билан мисоли хазинасидаги давлатдек, узугидаги қимматбаҳо дурру ёқутдек мақтанишар эди. Райда Ибн Синодек йирик табибининг бўлиши чиндан ҳам бу ўлка учун катта шараф эди. Ибн Сино бу ерда "Китоб ал-маод" ("Қайтиш ҳақида китоб")ни ёзди.

Бу орада Рай ҳокими Маждууддавла билан Ҳамадон ҳокими Шамсуддавла ўртасида келишмовчилик пайдо бўлган эди. Чунки Маждууддавла энг асосий марказ саналган отасининг ўрни — Рай тахтига ўтирган, укаси Шамсуддавла эса иккинчи даражали бўлган Ҳамадон тахтига минган эди, бу эса Шамсуддавлага оғир ботган эди.

397/1006/ иили Маждууддавла балогат ёшига этиб давлатни ўзи бошқаришга киришади. Шунда Маждууддавланинг вазири Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Иброҳим Заббий деган киши эди. Саройда фитначи иғвогарлар доно вазир ва амирнинг онаси Саййида олиб бораётган сиёсатдан норози бўлиб, вазирга туҳмат уюштиради. Натижада Маждууддавла вазирини четлаштиради. Шундан сўнг Маждууддавла давлатни онаси ихтиёридан ўз қўлига олиб, иғвогарлар бошлиғи Абу Али Али ал-Қосим Хатирни вазир қилиб тайинлайди. Хатир илгариги вазирдан қутулгач, энди ўз фаолиятига халақит бериши мумкин бўлган шахс — тадбиркор Саййиданинг пайига тушиб, ундан қутилишини амирга маслаҳат бериб, уни бартараф қилмоқчи бўлади. Саййида Хотун ўғли ва вазирнинг ёмон ниятларини пайқаб қолиб, Ҳузистон томонга — эрининг амирларидан бўлган Бадр ибн Ҳасанвайҳ даргоҳига равона бўлади. Саййида Бадрдан паноҳ истайди. Бадр ҳам уни ҳурмат ва эҳтиром билан қабул қиласди.

Саййида Хотун Бадрдан ўғли Маждууддавла билан вазир Хатирни ножӯя ҳатти-ҳаракатини бартараф қилиш учун ёрдам истайди. Воқеа Саййида ўйлагандай бўлади, Ҳузистондан Бадр ва Ҳамадондан Шамсуддавла аскар тортиб келиб, вазир билан Маждууддавлани асир оладилар. Саййида шунда Рай ўлкасини ҳам идора қилишини кичик ўғли — Шамсуддавлага топширади. Шу зайлда Бадр ўз жойига қайтиб келади. Шамсуддавла бўлса онаси билан Райдага қолади. Бир йилгача аҳвол шундай давом этади.

Саййида ўғли Маждууддавлани бир йил асириликда сақлагач, уни қамоқдан қутқариб тахта ўтқазади. Ман-

баларнинг хабар беришича, Маждууддавлага нисбатан қаттиққўл бўлган Шамсуддавла сиёсатига ҳарши чиқсан аскар бошлиқлари ундан норози бўлишиб, зинданда ётган Маждууддавлани тахта ўтказишга уринишган, натижада Шамсуддавла Ҳамадонга ўз қароргоҳига кетишга мажбур бўлган. Шу билан Шамсуддавла Ҳамадонга кетади. Маждууддавла бўлса 1008 иили иккинчи бор тахта минади. Бу ҳолдан Бадр ранжиди, чунки тартибга туширилган ишни ўзгартириб, хотин яна ўз билганича иш қилгани унга ёқмайди. Шу билан уларнинг ораси ҳам бузилади.

Бу вақтларда Эрон ерлари бир неча майда давлатларга бўлинган бўлади. Шимолда зиёрийлардан Қобус, Рай ва Жибалда бувайҳийлардан Маждууддавла, Ҳамадонда Шамсуддавла, Ҳузистонда Бадр ибн Ҳасанвайҳ, Исфаҳонда Алоуддавла Кокуя ҳукмронлик қиласди. Алоуддавланинг отаси амир Маждууддавлага тоға бўлади. Тоға сўзи дайламчада "кокуя" дейилади. Шунинг учун бу амир тахаллуси тарихий асарларда Алоуддавла Кокуя номи билан машҳур бўлди.

Ибн Сино Эрон ерига келганда мана шу ҳукмронлар билан муносабатда бўлгани, уларнинг биридан қочиб иккинчисига боргани учун бу ерда улар ҳақида қисқача тўхтаб ўтдик.

Ибн Сино Райдага ҳам кўп қолганга ўхшамайди. Абу Убайд ўз хотиралирида Ибн Сино Райдага то Шамсуддавланинг ҳузурига бораман, деб ният қилгунгача, Ҳилол ибн Бадр ўлдирилиб, Бағдод аскарлари чекунгунга қадар қолди, деб ёзади.

Ибн ал-Асирининг ёзишича, Ҳилол 405 ҳижрий (зу-л-қаъда) — 1015 милодий (май) иили ўлдирилган ва Бағдод аскарлари ҳам шу иили чекинган. Демак, Ибн Сино Райдан Маждууддавла ва унинг онаси Саййида қошидан кетишга мажбур бўлган. Чунки Газна ҳукмдори Маҳмуд Газнавий, юқорида зикр қилганимиздек, Райни босиб олишни анчадан бери мўлжаллаб юрган эди. Бунда у қулай фурсатни кўзлаб юради. Шу сабабдан Ибн Сино Райга нисбатан кучлироқ саналган Ҳамадонни ўзига тинчроқ деб ўйлаган ва ўша томонга кўчишни мўлжаллаган эди.

## ИБН СИНО ҲАМАДОНДА

Ниҳоят Ибн Сино Райнин тарқ этишга мажбур бўлди. Бу воқеани Абу Убайд шундай ёзади: "Кейин юз берган баъзи бир сабаблар Шайхни Қазвин томонга чиқишига

зарурат уйғотди ва у ердан Ҳамадон томонга ўтказди". Абу Убайд ал-Жузжоний бу "зарурат" нимадан иборат экәнлиги ҳақида ёзмайды.

Хуллас, Ибн Сино Райга 1014 йилда келган бўлса, 1015 йилнинг охири уни тарк этади. У бу ерда нарибериси икки йил яшайди.

Бу ерда ал-Жузжоний Ибн Сино Казбонувайҳ (баъзан Кадбонувайҳ) хизматига кирганини айтади. Бу аёл Ҳамадон амири Шамсуддавланинг хотини бўлиб, дастлаб Абу Али уни бир дарди сабабли кўргани боради. Аёл Ибн Синога меҳрибончилик кўрсатади, унинг зарур одамлиги, ҳар доим керак бўлиб туришини назарда тутиб, унинг тирикчилигига зарур бўлган шароитни яратиб беради. Ҳамадон амири Шамсуддавла қаттиқ санчиқ дардига чалинган бўлиб, ўзига даво топа олмай гаранг эди. Иттифоқо у Ибн Синонинг бу атрофда пайдо бўлиб қолганини билиб, дарҳол уни ҳузурига чақириради. Ибн Сино уни даволайди, хизмати эвазига амир кўп мукофот ва яхши совға-саломлар хадя қиласди. Абу Али қирқ кечак-ю, қирқ кундуз амир ҳузурида бўлиб, уни даволагач, ўз уйига қайтади. Шу билан Ибн Сино амирнинг яқин кишиларидан бўлиб қолади.

Ал-Жузжонийнинг гапига қарагандан, Ибн Сино Райдан чиққач, ярим йил чамаси Қазвин ва бошқа жойда яшаган кўринади. Ҳатто у Ҳамадонга ўхшаган шаҳарга заруратга кўра бориб келса ҳам, аммо унинг қароргоҳи бошқа жой бўлганга ўхшайди. Зеро унинг амирни даволагач, эҳтиромда бўлиб, сўнг уйига қайтгани таъкидланади. Ниҳоят Ибн Сино 1016 йили аввалида Ҳамадонга, Шамсуддавла даргоҳига бутунлай кўчиб келади. Ибн Сино Ҳамадонда 1023 йилгача яшаганини кўрамиз.

Ибн Сино Ҳамадонда бир томондан табиб сифатида машҳур шахс бўлган ва бу соҳада асар ёзиш билан машғул бўлган бўлса, иккинчи томондан иирик олим, файласуф сифатида ҳам шуҳрат топган эди. У бу даргоҳда анчагина асарлар таълиф қиласди, илгари бошлангиларини тугатди, баъзиларини тўлдирди, бу ерда унинг ўзига хос бўлган ишлаш қобилияти бирмунча намоён бўлди, у Журжонда ёза бошлаган "Тиб қонунлари"нинг биринчи китобини шу ерда тугатди, "аш-Шифо"ни бошлаб, унинг кўп қисмларини шу ерда ёзib битирди.

Шамсуддавла Ибн Синонинг ақл-заковотини маъқул кўриб, ундан мамлакатни идора қилишда фойдаланмоқчи бўлади ва уни вазирлик лавозимига лойиқ кўради. Абу Убайд ибораси билан айтсан, амир Ибн Синодан вазир-

ликни қабул қилишни илтимос қиласди, шу билан у вазир бўлиб қолди.

Ибн Сино қаттиққўл. Ҳар бир муомалада ақл-идрок билан иш қаладиган, ўз шахсий манфаатига ён босмайдиган одам эди. Одатдаги амалдорлар каби мол-дунёга кўзи ўйнамас эди, пора олиш, хазинага хиёнат қилиш каби кайфиятлардан ҳоли эди. У қўл остидагиларга ҳар ким ўз бурчини ҳалол, тўғри бажо келтиришни уқтиради. Бу борада ҳарбий кишилардан ҳам шуларни талаб қиласди. Лекин Ибн Синонинг вазирлик лавозимидағи бу тартиби лашкарбошиларга ёқмасди, улар ўзлари истаган шахс вазир бўлишини, бу амалда айтган нарсаларига кўнадиган одам туришини хоҳлар эдилар. Ибн Сино уларга шерик бўлишга, давлат молига чангаль солишга рағбат қиласди эди, унинг ягона истаги тинчгина ҳаёт кечириш, асарлар таълиф қилиш эди, холос. Шундай табиатли инсонга вазирлик лавозими тўғри ҳам келмасди, лекин унга таклиф қилингани учун у бурч тариқасида бу вазифани бажаарди. Ибн Синонинг иш юритиши, албатта, аскарбошиларга ёқмади, улар ҳам жим туришмади. Буни ал-Жузжоний ҳам битиб кетади: "кейин бир воқеа юз бериб, Шайхга қарши аскарлар исен кўтаришди, чунки улар ўз манфаатларини ўйлаб Шайхдан чўчир эдилар. Улар Шайхнинг уйига бостириб кирдилар ва уни ушлаб олдилар, мол-мулкини ўғирлашиб, уйида бор барча нарсаларни талон-торож қиласди".

Аскар бошлиқлари амирдан Ибн Синони ўлдиришни талаб қиласиди. Лекин амир аскар бошлиқларидан анча ичучиб қолган бўлишига қарамай, бунга йўл қўймади, иғволарга учмади. Орадаги гала-ғовур босилгунга қадар уни давлат ишларидан четлатиб турди.

Бу воқеадан кейин Ибн Сино Абу Саъд ибн Даҳдуқ деган кишининг уйида қирқ кун давомида бекиниб ётди. "Бу орада,— дейди, ал-Жузжоний,— Шамсуддавланинг ўша эски санчиқ касали яна тутиб қолди, у яна Шайх Абу Алини топиб келишини сўради. Шунда Абу Али Амир ҳузурига келди. Амир ундан юз берган ҳодиса ва воқеаларга ҳар тарафлама узр баён этди. Шундан сўнг Абу Али амирни даволашга киришди. Бу билан Абу Алининг ўзига бўлган ҳурмат ва эҳтиромини яна қайтарган бўлди. Шу тариқа иккинчи марта вазирлик лавозими Шайхга қайтиб келди".

Ибн Синонинг вазирлик иши билан машғул бўлиши, деб ёзади ал-Жузжоний, "аш-Шифо"га ёзган муқаддимасида, бизга қайғу ва хасрат келтирди ва унинг вакти бекорга сарф бўлди.

Шу билан Абу Али ҳам давлат ишлари, ҳам касал күриш ё қабул қилиш, ҳам шогирдлар таълимига эътибор бериш, уларга зарур деб билган нарсаларни тушунтириб бериш, ҳам олимлар билан тортишувларда иштирок этиш, ҳам дўстлари билан ўтириб ширин, дилкаш суҳбатлар ўтказиш каби ҳолатларни ўзига сиғдира олди.

Ибн Сино давлат ишлари билан банд бўлишини илмий асарлар таълиф қилишига ҳеч таъсир қилмаслиги керак деб биларди. У ором олиш ўрнига доимо асар ёзиш ишлари билан банд бўлар эди, ҳатто у уйқудан воз кечиши ҳисобига ўзига нисбатан аёвсиз равишда муносабатда бўлар, натижада инсон ақли бовар қилмайдиган даражада ўзида иш қобилияти пайдо қиласр эди. Ибн Синонинг бу даврдаги ҳаёти ҳақида Абу Убайд яна шуларни ёаади: "Ҳар куни кечаси унинг уйида толиби илмлар йигилар эдилар, мен бўлсан "аш-Шифо"ни ўқирдим. Мендан бошқалар навбати билан "ал-Қонун"ни ўқирдилар. Булардан бўшаганимиздан кейин ҳар хил ашулачи ва созандалар келар, шу билан ўлтириш бошланиб, косаларга шароб сузилар эди; биз шогирдлар бу каби ишларни бажарар эдик. Шайх кундузлари амир хизмати билан банд бўлгани сабабли, биз ундан кечалари дарс олардик". Шу тариқа бир қанча вақт ўтди. Мана бўлар ҳамда алломанинг "аш-Шифо"дек асарини таълиф қилиш жараёнини кўрсак, у ҳолда ҳайратда қолмай илож йўқ. Абу Али кечами-кундузми, сафардами-қамоқдами, ҳуллас ўтириш имконияти бўлган жойда, фурсатни қўлдан бермай илмий асарлар таълиф қилган. Асар таълиф қилиш учун ҳеч вақт қулай фурсат келишини кутмаган ва унинг бўлмаслигига ақли етганлиги туфайли ҳам ҳар бир дақиқани ганимат билган. Ҳеч қачон у кишининг қўлини қаламсиз, бошини илмий мулоҳазалар билан банд бўлмаган ҳолда, кўзини эса сатрларга тикилмаган ҳолда кўриб бўлмас экан. У доимо таълиф иши билан банд экан. Ўзига бунчалик аёвсиз киши тарих жараёнида камдан-кам топилади. Асар ижод қилишда ўзига бу хилда шафқатсиз бўлган шахслардан биргина киши, у бўлса ҳам, Абу Райхон Берунийнинг мисолга олишимиз, Абу Алини шу кишига ўхшатишими мумкин. Ўз даври тарихчиларининг берган хабарига қараганда "бу кишининг ҳам ҳеч маҳал қўллари қаламсиз, кўзлари хатта қарамаган ҳолда, боши таълиф ишлари билан банд бўлмаган пайти бўлмаган экан". Ибн Сино ҳам худди дундай бўлган.



Ибн Сино талабалар ҳузурида

Аммо 412 (1021) йили одатий юришларнинг бирида амир Шамсуддавла қаттиқ оғиб қолиб вафот этди.

Ибн Сино амирни қанча даволамасин, у барибир унинг айтганини бажара олмади, уруш-юришлардан иборат тартибсиз ҳәёти шунга олиб келди. Абу Убайд ал-Жузжоний бу ҳақда мана шуларни ёзди: "Шамсуддавла Торим томонга юриш бошлаб, у ернинг амири билан уришмоқчи бўлди. Лекин бу ерга яқин қолганда амирнинг санчиғи яна тутиб қолди, бу гал унинг дарди жуда оғирлашган, касалиға бошқа касаллар ҳам қўшилган эди. Чунки амир тартибсиз турмуш кечирав, Шайхнинг режаларига амал қилмас, маслаҳатларига уйча қулоқ солмас эди. Шамсуддавланинг ўлиб қолишидан хавфсираган ҳарбийлар Ҳамадонга қайтиб келдилар. Амир йўлда, тахтиравонда вафот этди. Кўп ўтмай, унинг валиҳиди Самоуддавла отаси ўрнига тахтга ўлтириди. Лекин бу амир даргоҳида аҳвол анча оғир бўлишини назарда тутиб, Ибн Сино вазирлик даражасидан воз кечди. Чунки Самоуддавла ҳали ёш бўлгани учун давлатни идора қилиш иши билан Ҳамадон қўшини саркардаси Тожулмулк Абу Наср ибн Баҳром шуғулланарди. Чунки у амирнинг пинжига кириб ишончли вазири даражасига эришган эди.

Амир Шамсуддавла ўлгач, Ҳамадонда ҳам аҳвол ёмон томонга кўчишига, тинч ҳаёт кечириб, таълиф қилиш ишлари билан банд бўла олмаслигига Ибн Синонинг кўзи етган эди. Бунинг устига тескаричи кучлар, чунончи, турк аскарлари — тарихий асарларда улар "Турк гвардияси" деб аталади — амирга қарши бетиним исёи кўтариб турарди, буларга гаразгўй Тожулмулк каби амалпарастлар Ибн Сино каби донишманд олиб борган сиёсатига халақит беришга ҳаракат қилас, амир наздида ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган Ибн Сино обрўсига футур етказишига уринар эди. Шундай қилиб вазир даражасига етишиб, бу лавозимга кўтарилиб олган Тожулмулк ва унинг атрофидаги шахслар туфайли тинч ҳаёт кечиришга кўзи етмаган Ибн Сино бу диёрдан бош олиб кетишга қарор қиласди. У энди Исфаҳонга кетмоқчи бўлади. Бу ерда Алоуддавла (1007—1041) салтанати мавжуд эди.

Ибн Сино назарида ўз илмий фаолиятини Исфаҳонда давом эттиришга имконият ва шароит кўпайгандай эди. Шунинг учун ҳам Абу Али Исфаҳон амирига хат ёзиди. Ибн Сино теварак-атрофига ўз айғоқчиларини қўйган Тожулмулк алломанинг бу мазмундаги хатини қўлга туширади, натижада илга-

CLARISSIMI ET PRÆCELLENTISSIMI  
DOCTORIS A<sup>o</sup> 57  
ANT

# ABVALJ IBN-TSINA

Qui hactenus perperam dictus est


# AVICENNA

CANON MEDICINÆ

Interprete & Scholiaste

## VOPISCO FORTVNATO PLEMPIO. TOM. I.

Librum primum & secundum Canonis exhibens, atque ex libro quarto tractatum de Febris.



LOVANIÆ,

Typis ac Sumptibus HIERONYMI NEMPAEI A: 1658.

CPM GRATIA ET PRIVILEGIO.

"Қонун" асарининг 1658 йил нашр этилган нусхасининг биринчи саҳифаси

ридан унга қарши бўлган ёмон ниятини амалга ошироқчи бўлади.

Ибн Сино бу пайтларда вазирлик лавозимидан возкечиб амир ва унинг даврасидагилар кўзига ҳам кўринмаслийка ҳаракат қилиб, Абу Ғолиб ал-Аттор деган ўзига яқин кишининг уйига беркиниб олади. Ибн Сино бекиниб ётган жойида таълиф ишлари билан банд бўлади, у кўп жилдли "аш-Шифо" асарини ниҳоясига етказиш учун ҳаракат қиласр эди. Абу Убайднинг берган маълумотларига қараганда, уй эгаси қофоз ва сиёҳ тайёрлаб берар, Ибн Сино бўлса ҳар куни эллик ва рақдан ёзар экан. Ибн Синонинг Исфаҳон амири Алоуддавлага ёзган хатини қўлига тушириб олган Тожулмулк Ибн Синони хиёнатда айблайди.

Бу ҳақда ал-Жузжоний ўзининг хотираларида ҳам ёзади. Ундан ташқари, Абу Убайд устози билан бўлган бундай оғир дамларни ўзининг "аш-Шифо"га ёзган муқаддимасида ҳам эслаб ўтади. "Кейин,— дейди ал-Жузжоний,— ўша мамлакат давлат арбоблари Абу Алининг яшириниб юришидан аччиғланди ва бу ердан қочиб кетиши хавфи борлигини пайқашиб, унинг бу ниятига монеълик қилмоқчи бўлишди". Чунки улар Шайхнинг бу ўлгадан бошқасига ўтиб қетишини қандайдир бир ҳийла ёки душман томонга мойиллик пайдо қилиш деб қабул қилишади. Абу Убайд устози асарига ёзган муқаддимасида бу ҳақда яна шу сатрларни ёзади:

"Бу борада Ибн Синонинг холис хизматчиларидан бири қулай фурсатни қўлдан бермай, унинг дунёсидан фойдаланиб қолиш ниятида Шайхни ҳалокатга дучор қилмоқчи бўлади-да, қидириб юрган ганимларига унинг беркиниб ётган ерини кўрсатиб қўйди. Бу одамлар Абу Алининг яхшиликларини бўймадилар; агар Шайхнинг уларга қилган яхшиликларини билганиларида, улар бу номаъқул ишни қилмасликлари керак эди. Ибн Сино ўзининг ўша беркиниб ётган еридан ушлаб олган одамлардан, уни Фараджон қальасига қўйиш ваъдасини олди".

Бу сатрлардан кўринишича, олимнинг рақиблари Тожулмулкнинг бу ишига кўмаклашганлар. Шу билан Абу Али Фараджон қальасига қамоқقا тушган. Махбусликда ётган бўлишига ҳам қарамай, олим асарлар таълиф қилиш билан банд бўлган. У бу ерда ётиб ҳам бир неча асар таълиф қилган: "Китоб ал-ҳидоя"— ("Тўғри йўл-йўриқ китоби"), "Ҳайй ибн Яқзон", "Китоб ал-қулинж" ("Санчиқ ҳақида китоб") кабилар Абу Алининг ўша Фараджон қальасида ёзилган асарларидир.

Ундан ташқари, Абу Убайд келтиришича, бу қалъада Ибн Сино бир қасида ҳам ёзган, ундан сақланиб қолган бир байтда шундай дейилади:

Бу ерга кирмагим ўзинг  
кўриб турганингдек матълуму,  
Лекин бу ердан чиқиб  
кетмогим шак-шубҳа-ю,  
амри маҳоддир.

Фараджон қалъаси, Ибн ал-Асирининг келтиришича, Ҳамадондан ўн беш фарсаҳ нарида жойлашган. У Ҳамадон билан Исфаҳон ўртасидаги йўл ёқасида. Кўпинча амирлар бу орада жанг қилинса, бу қалъага қўнишар, ором олишар эди. Ёкут ал-Ҳамавий ўзининг "Мульжам ал-булдон" асарида бу қалъа номи ёзилган саҳифаларда шуларни ёзади: "Фараджон Ҳамадон вилоятининг Жаро ноҳиясидаги машкур қалъа, уни Бароҳан ҳам дейишади".

Сайд Нафисийнинг келтиришича ҳозир уни ҳалқ орасида Шаро деб аташар экан.

Бу орада Самоуддавла билан Тожулмулк олиб бора-ётган сиёсатдан норози бўлган Алоуддавла Ҳамадонга юриш қиласида ва амир Самоуддавла қасрини эгаллайди. Ёш амир Самоуддавла Алоуддавлага жиян даражасида бўлгани учун унга тегмайди, ҳатто уни ўз ўтовига олиб келади, унга анча-мунча мол-дунё ҳадя қиласида ва Тожулмулк пайига тушади.

Абу Убайд ал-Жузжоний ёзишича Алоуддавланинг Ҳамадонга қилган ҳужумида аскарлари торо мор этилган Тожулмулк амир Самоуддавла билан бирга Ибн Сино қамалиб ётган Фараджон қальасига келиб бекинишиади. Алоуддавла кетгач, қамалиб ётган Ибн Синони ҳам қалъадан олиб келишиади. Бу ҳақда ал-Жузжоний "аш-Шифо" муқаддимасида шуларни ёзади: "Кейин Абу Али маҳбусликдан бўшатилди. Ҳатто вазирликка қайтиб келиш ҳақида ҳам унга таклиф қилинди. Лекин Абу Али бунга узр баён этди ва бу таклифни ўйлаб кўришга муҳлат сўраган эди, узри қабул бўлиб, мулоҳаза қилиб кўришга муҳлат берилди. Бу вақтда Абу Али мантиқ билан шуғулланди". Орадан бир неча ой ўтгач Ибн Сино Ҳамадонни тарк қиласида.

Тарихчи Ибн ал-Асири негадир қалъа номини келтирмайди. Унинг кўрсатишича, Алоуддавла Ҳамадонни эгаллагач, Диноварга юриш қиласида, уни эгаллайди, кейин Собурхостта ҳужум қиласида, уни ҳам эгаллайди.

## ИБН СИНО ИСФАҲОНДА

Абу Убайднинг кўрсатишича, Ибн Сино, шогирди, укаси Маҳмуд ва икки хизматкори билан бирга сўфийлар кийимида яширинча Исфаҳон томонга жўнашган. Биз, дейди Абу Убайд, жуда қийналиб Исфаҳон дарвозаси бўлган Табаронга етганимизда, Абу Алини бу шаҳардаги ёр-дўстлари, амир Алоуддавла юборган амалдор ва яқин кишилари кутиб олдилар. Улар Абу Алига кийим-кечак ва қимматбаҳо сарполар кийгишиди, минишига от-улов келтиришиди. Шу билан Абу Алини Куни Гунбаз деган маҳаллада Абдуллоҳ ибн Бобий деган кишининг безатилиб қўйилган уйига жойлаштиришиди.

Чиндан ҳам Алоуддавла Абу Алига катта эҳтиром кўрсатади, илмий иш олиб боришларига шароит яратиб беради. Амирнинг топшириғи билан Ибн Сино қўнган уйда ҳафтанинг ҳар жумасида кечки пайт бир анжуман ташкил қилинди. Анжумандаги тўрли соҳа илм аҳллари йигилишиб, ҳар хил мавзуларда мунозаралар бўлиб турдиган бўлди. Ҳатто бу анжуманларда амирнинг ўзи ҳам қатнашадиган бўлди. Бу хил мунозараларда, Абу Убайднинг ёзишича, ҳеч қайси олим илм-маърифатда Абу Алидан ўстун келолмас эди. Ўргага тушган масала қандай бўлишидан қатъи назар, бунда Абу Алиниг қўли баланд келарди. Шу тариқа Ибн Сино қолган ўн тўрт йиллик умрини Исфаҳонда ўтказади.

Бу шаҳарда олим таълиф ишларига жуда шўнгигиб кетади. Бу ҳақда ал-Жузжоний "аш-Шифо" муқаддимасида яна шуларни ёзади: "Абу Али бу вақтлар мантиқ билан шуғулланарди ва бу борада зарур бўлган китобларни қидириб топиб, бир-бирига қиёсларди. У асарини ёзишда мантиқшунос олимлар тутган йўлдан, улар тартибига амал қилган ҳолда иш олиб борди; уларнинг сўзидан ўзига маъқул бўлганларини олди, маъқул тушмаганларини танқид қилди, шунинг учун унинг мантиқ қисми мукаммал, кенг бўлди", у Исфаҳонда тугалланди". Бу парчадан кўринишича, Абу Али мантиқ соҳасида илгаритдан ўйлаб қўйиган режаларини "аш-Шифо"га киритиб, уни кўнгилдагидай қилиб тутгатди. Кейин у "аш-Шифо"нинг бошқа битмаган қисмларини битказишга киришиди. Чунки аввал унинг табииёт ва илоҳиёт қисмини

<sup>1</sup> Бу ерда "мантиқ қисми мукаммал бўлди", дейиш билан ал-Жузжоний "аш-Шифо"нинг мантиқ қисмини тўққиз китобдан иборатлигини назарда тулаётган бўлса керак.

ёзиб тутгатган эди, лекин унинг "ан-Набот" (ботаника), "ал-Ҳайвон" (зоология) қисмини тутгата олмаган эди. Шу билан бирга "аш-Шифо"нинг риёзий-математика қисмлари қолган эди.

"Аммо,—дейди ал-Жузжоний,— риёзийт (математика)га оид таълифларини Абу Али илгарироқ, (қўл теккан вақтда) қисқароқ қилиб ишлаб қўйиган эди, кейин уларни ўша ўйлаб юрган "аш-Шифо" китобига қўшишни лозим кўрди".

Абу Али илгари Эвклид геометриясини қисқартириб ишлаб чиқиб, уни "Усул илм ал-ҳандаса" ("Геометрия усуллари") деб атаган эди. Кейин у "аш-Шифо"нинг арифметика — ҳисоб, музика қисмини ҳам ёзди, кейин астрономияга оид бўлган "ал-Мажистий"ни ёзди. Исфаҳонда бу асарларнинг ҳар бирига янги боб — қўшимчалар, чунончи, Эвклид геометриясига янги теоремалар қўшди. Шу билан Абу Али буларни ўзидан илгари ўтган олимлар бажо келтирмаган ва уларнинг хаёлига ҳам келмаган қисмлар билан бойитди. Абу Али бу ёзганларининг ҳаммасини "аш-Шифо" деб атаган кўп жилдлик китобнинг математика қисмига киритди. Натижада булар билан "аш-Шифо"нинг риёзийт қисми мукаммал бўлди. Энди фақат "аш-Шифо"нинг ҳайвонот ва наботот — ўсимликлар қисмигина битмай қолган эди. Бу қисмини Абу Али Алоуддавла Сабурхостга юриш қилган йили ёзиб тутгатди. Ибн Сино ўша йили йўлда "ан-Нажот" китобини ҳам ёзиб тутгатганди.

Амир Алоуддавла Ибн Сино билан жуда яхши мунособатда бўлади. Амир ўз сафарларида олимни бирга олиб юрадиган бўлди. Бунга қараганда у амирнинг шахсий табиби сифатида юради.

Абу Убайднинг ёзишича, амир Ибн Синога юлдузлар устида кузатиш ишларини олиб боришни топширади, бу ишга керакли миқдорда маблаг ажратади. Шу билан бирга расадхонада ишлаши, мумкин бўлган одамларни топтиришга амр беради. Бу ишга Абу Алини раҳбар қилиб тайинлайди. Натижада Абу Али ибн Сино юлдузшунослик ишлари билан шуғуллана бошлайди. Ибн Сино бу ишни бошқариб, унга асбоб-ускуна тайёрлашга киришиди. Бу ишда алломанинг энг биринчи ёрдамчиси Абу Убайд Абдулвоҳид ал-Жузжоний эди. Ибн Сино шогирдига бу ишдан хабари бор одамларни қидириб топиш лозимлигини тайинлайди. Абу Убайднинг ёзишича, бу кузатув ишларида жуда кўп масалалар кўндаланг турган бўлса-да, лекин унга Абу Али кўп вақтини ажратса олмас,

доимо амирнинг сафарлари, юришларида унга ҳамроҳ бўлиш зарурати пайдо бўлар эди. Шунинг учун ҳам ал-Жузжоний амирнинг кўп юришлари, бу хил кузатув олиб бориш ишига халақит берарди, деб ёзади.

Абу Убайд ёзишича, Ибн Сино юлдузлар устида олиб борган кузатишларида баъзи астрономик асбоблар ҳам ихтиро қилган, шу билан бирга олим бу тўғрида маҳсус рисола ҳам ёзган.

Абу Али ибн Сино асарлари рўйхати ичидаги астрономик асбобларга алоқадор бўлган бир асари ҳам бор. Балки олим худди мана шу йиллар ичидаги ўзининг "ал-Олот ар-расадия" — "Кузатиш асбоблари" деган асарини яратган бўлиши керак. Чунки Абу Али ва унинг шогирди бундан илгари бу хил кузатиш ишлари олиб боришмаган ва бундай ишга олимнинг фурсати ҳам бўлмаган эди, бу хил ишларга зарур бўлган асбобларни яратиш учун ҳам худди шу даврда зарурат туғилган эди.

Абу Убайд ал-Жузжоний Ибн Сино раҳбарлигида саккиз йил давомида астрономик кузатишлар олиб борди. Бунда улар юлдузлар ҳаракатини кузатган ва бу борада бир қанча масалалар уларга аён бўлган.

Абу Али асарлари рўйхатида "ал-Ҳудуд ал-ажром ал-самовия" — "Осмон жисмлари чегаралари" деган асари ҳам унинг астрономияга оид асарлари қаторига кириши мумкин.

Ибн Сино Исфаҳон шаҳрида ўзининг фалсафасига оид бўлган "Китоб ал-Алоий"<sup>1</sup> деган асарини ёзган. Бир маҳаллар, ҳали Журжондалигига аллома "Мантиқа ки-чик мухтасар" деган асарини ёзган эди, ана шуни "ан-Нажот" асарининг ёш қисмига киритди. Бу асар бизнинг давримизгача ҳам стиб келган.

Абу Убайд ал-Жузжонийнинг келтиришича, бу асарнинг бир нусхаси Шерозда пайдо булиб қолибди. У ердаги олимлар бу асарни үқиб, унда кутарилган барча масалаларни англай олишмабди. Шундан сўнг улар тушунолмаган масалаларни қоғозга ёзишибди, Шероз қозиси ҳам шу олимлар қатори Ибн Синога саволи борлардан бири эди. Қози Исфаҳонда турадиган Абулқосим деган олимга хат ёзиб, ўша саволларни бир отлиқ билан унга йўллабди, хатда бу саволларга Исфаҳонда турадиган шайх

<sup>1</sup> Бу китоб фалсафий масалаларни қамраб олган бўлиб, амир Алоуддавла номига багишиланганни учун шундай юритилади. Бу ҳозир бизга машҳур бўлган "Донишнома" асаридир. Бу асар "Донишномаи Алоий" деб ҳам юритилади.



Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди. Ибн Синонинг "Қонун" асарининг 218<sup>б</sup> варақи. инв. № 3316

## ТИЛШУНОС АБУ АЛИ

Абу Убайд ал-Жузжоний устоди Абу Али ибн Сино ҳақида ўз хотираларида алломанинг заковоти ҳамда унинг илмдаги қобилияти, фазилатлари ҳақида баъзи бир тафсилотларни баён этади.

Абу Убайд ҳикоя қилади: "Йигирма беш йил Шайхнинг хизмати ва сұхбатида бўлиб,— дейди у,— мен унда кўрган ажойиб фазилатлардан бири шу эдик, у кишининг қўлига бирорта янги китоб тушиб қолгудай бўлса, уни албатта, бошдан-оёқ синчиклаб мутолаа қилиб ўтирмас, китобни кўриб чиққач қийин жойларигагина, мушкул масалаларгагина синчиклаб қарар ва ўшандай жойларига ўтибор берар эди. У китоб муаллифи асосан нима демоқчи бўлганига диққат қиласа өди. Натижада муаллифнинг илмий даражаси ва қўйилган масалаларни нечоғлиқ тушунгани унга аён бўлар эди".

Бир куни Абу Али амир даргоҳида ўтирган экан. Бу ўтиришда араб тили грамматикаси билимдони Абу Мансур ал-Жаброн ҳам бор экан. Шунда нима бўлади-ю, араб тили грамматикаси ҳақида гап айланиб қолади. Шу пайт Абу Али ўз мулоҳазасини билдириб қолади. Шунда Абу Мансур дарҳол унга ўгирилиб:

— Сиз файласуф ва ҳаким одамсиз, лекин лугат илмини чуқур ўқимагансиз, шунинг учун ҳам сизнинг гапларингиз бизни қониқтиромайди,— дейди.

Абу Али бу гапдан ранжиди. Шу воқеа сабаб бўлади-ю, у араб тили ва унинг грамматикасига шўнгигб кетади. У уч йил давомида лугатга оид китобларни мутолаа қиласи. Хуросон ва бошқа шаҳарлардан тилшуносликка оид бўлган турли китобларни суриштириб олдириради. У яна тилга оид анча-мунча китобларни топиб мутолаа қиласи, улардан баҳраманд бўлади. Натижада Абу Али тил билимида шундай даражага эришадики, бундай камолотга кўндан-кам одам мұяссар бўларди. Шундан сўнг Абу Али учта қасида — шсьр ёзди, буларда у адабий тилда киришиларни ишлатиладиган, нодир саналган сўзларни ишлатади. Кейин Абу Али учта китоб ёзди; бу китобларни ҳам услуби оғир бўлган олимлар ёзган тарзда ёзди. У бу китобларни мұқовалашни ва жилдига эскилик тузи берилишини буюради. Кейин Абу Али амیرга илтимос қилиб, бу жилдланган китобни тилчи Абу Мансур ал-Жабронга кўрсатиб: "Биз бу китобни овга чиққан пайтимизда далада топиб олган эдик. Шуни кўриб

Абу Али ибн Синодан жавоб олиб жўнатиб юборишини сўрабди. Ниҳоят уларнинг хати Исфаҳонга етиб келгач, Абулқосим Ибн Сино билан учрашади. Бу воқеани Абу Убайд ал-Жузжоний шундай ҳикоя қиласи:

"Шунда Абулқосим ниҳоят Шайх Абу Али ҳузурига кирди. Бу кезда жазирама иссиқ бўлса-да, куннинг тафти қайтган вақт эди. Абулқосим Шайхга ўша хат ва саволлар ёзилган қоғозларни топширди. Шайх хатни қўлига олиб ўқиди-ю, уни Абулқосимга қайтариб берди. Саволлар ёзилган қоғозларни эса олдига ёйиб қўйди. У ерда ҳозир бўлганлар ўзаро гаплашиб ўтиришар, Шайх эса ўйга ботиб қоғозга қараб-қараб қўяр эди. Сўнгра Абулқосим чиқиб кетди, Шайх эса оқ қоғоз келтиришини ва уни қирқиб, бир неча даста қилиб қўйишини буюрди. Мен унга беш даста қоғоз тайёрлаб бердим, уларнинг ҳар бири чорак фиръавнийдан, ўн варақдан иборат эди. Биз хуфтан намозини ўқидик. Шам келтирилди. Шайх шароб сўради, мен ва укасини ўтқазиб "буни ичинглар", деб буюрди. Ўзи бўлса ҳалиги саволларга жавоб ёзишга киришди. У жавоб ёзар, ора-чора шароб ичиб қўяр эди, шу тариқа ярим кечак бўлди. Мени ва укасини уйқу элтиб, мудроқ босди. Шунда Шайх бизга, бориб ухлаб, дам олинглар, деди. Ўзи бўлса, ҳамон ёзар эди. Саҳар пайти кимдир қелиб эшигимни тақиллатиб қолди. Бу Шайхнинг ҳузуридан келган одам экан, у киши мени чақиртириб юборибди. Кириб келсан, Шайх жойномозда чўкка тушиб ўтирган экан. Олдида жавоб ёзилган беш тўп қоғоз турарди. Мени кўриб, мана буларни олгин-да, Абулқосим ал-Кирмонийга жўнат. Унга шуни айтиб қўй, чопар йўлидан кечикмасин деб саволларига шошилиброқ жавоб ёздим, деди. Мен жавоб ёзилган даста-даста қоғозларни Абулқосимга олиб борганимда, буни кўриб у даҳшатга тушди, жавобни тутқазиб чопарни жўнатиб юборди. Бу воқеани уларга ёзид, жавоб қандай ёзилганини маълум қилди. Ана шу тариқа бу гаплар халқ ўртасида тарқалиб, тарихий воқеа бўлиб қолди".

Ибн Сино бир соҳага киришса, жуда қаттиқ, асосли қилиб билиб олмагунга қадар тиниб-тинчимайдиган одам эди. У ҳар нарсани чуқур, тубдан ўрганишга интилар эди.

Бунга далил сифатида ал-Жузжоний шу воқеани ҳикоя қиласи. Бу ҳам Ибн Сино Исфаҳонда Алоуддавла даргоҳида яшаётган кезларида юз беради.

и чида нима тўғрисида ёзилганини айтиб берсангиз", деб сўрайсиз деб тайинлайди.

Амир ҳам Шайх Абу Али айтганича иш тутади.

Абу Мансур китобни қўлига олади-ю, лекин у ерда ёзилганинг кўпини тушуниш унга мушкул кўринади. Шунда ҳозир бўлган Абу Али унга қараб айтади:

— Бу китобда сен тушунолмаётган нарсаларни фалон ва пистон деган lugat китобларида айтиб ўтилган,— у шундай дейди-ю Абу Мансурга тилга оид бўлган жуда кўп машҳур китобларни эслатиб қўяди, чунки Абу Али ибн Сино қўйин сўз туркумларни ўша китоблардан эслаб қолган эди. Абу Мансур ҳў ўшандо тил борасида олимга ножўя гапириб қўйганидан иокулай ҳолатга тушади.

Шунда Абу Мансур ўша рисолаларнинг ҳаммасини Абу Алиниң ўзи ўша кунги ҳақоратга жавобан ёзганига тушуниб етади. Абу Али бўлса дастлаб оғирлик қилиб, рақибини узр сўрашга мажбур қиласди. Шундан сўнг Абу Али тил билимига оид китоб ёэди, уни "Лисон ал-араб" ("Араб тили") деб атади.

Абу Убайд ўз ҳикоясини давом эттириб, бу китоб ҳақида шуларни ёзади:

"Ибн Сино ёзган бундай китобни унгача ҳеч ким ёзмаган эди. Лекин китоб Шайх қандай ёзган бўлса, оққа кўчирилмаганича қолиб кетди. Шайх вафот этганинан кейин ҳам қўлёзма кўчирилмаган, бирорта одам ҳиммат қилиб уни тартибга ҳам келтирмаган эди".

## СЎНГГИ ЙИЛЛАР

Ундан ташқари, Ибн Сино Исфаҳон шаҳрида йигирма жилдан иборат "Китоб ал-ансоғ"ни ("Инсоф-адолат китоби") ёзади. Абу Алиниң шогирди Абу Убайд ал-Жузжонийнинг ёзишича, Масъуд Газнавий Исфаҳонга ҳужум қилган кезларда, аскарлар олимнинг уйига бостириб кирганлар, шу билан у ерда бор бўлган барча буюмларни талон-торож қилганлар. Шунинг натижасида ўша ерда бўлган "Китоб ал-ансоғ"дан ном-нишон ҳам қолмаган.

Ибн ал-Асирининг айтишича, "Масъуд аскарлари Исфаҳонга яқинлашгач, Алоуддавла шаҳардан чиқиб кетади, ҳатто у шошилганидан қурол-яроғ, улов ва хазиналарини олиб кетишга ҳам ултурмаган эди, у Ҳузистон томонга юзланиб, Масъудга қарши уришишга у ер амиридан ёрдам талаб қилмоқчи бўлган эди. Аммо бу вақтда тўсатдан Масъуднинг отаси Яминуддавла Маҳмуд Ибн Сабуктагининг вафот этгани хабари етиб келиб қолиб, у Газнага

қайтиш ҳаракатида шаҳардан чиқиб кетади, Алоуддавла эса юргига қайтиб келади".

Чиндан ҳам Маҳмуд Газнавий вафоти 1030 йили содир бўлган эди. Демак, Маҳмуд амирлик даврида унинг ўғли Масъуд амир сифатида эмас, балки отасининг лашкарбоши тариқасида ўлка фатҳ қилиш учун юришлар қилиб турган. Шу мақсадда у қўшин тортиб Исфаҳонга ҳам ҳужум қилган эди.

Отаси ўрнига таҳтга ўтирган Масъуд бу ўлкаларни батамом босиб олишни бир оз орқага сурди. Ниҳоят 423 (1031—32) йили Рай, Ҳамадон, Жибол ерларига ҳужум қилишни лашкарбоши Тошфаррошга топширган эди. 424 (1032—33) йил воқеасида Ибн ал-Асирининг келтиришига қараганда, Масъуд Алоуддавлага буйруқ йўллаб, ҳар йили маълум миқдорда солиқ тўлаб туришни тайинлаган, ўз наъбатида, Алоуддавла ҳам унинг истаган нарсасини йўллаб турган.

Ундан ташқари, "Комил фит-тарих" асарида 425 (1033—34) йил воқеасида зикр қилинишича, Алоуддавла билан Масъуд аскарлари ўртасида жанг бўлган.

Бу ҳақда китоб муаллифи шуларни ёзади: "Шу йили Алоуддавла ибн Кокуя ва Фарҳод ибн Мардовиж иккалари кенгашди, улар иккалари Масъуд ибн Маҳмуд ибн Сабуктагин аскарлари билан жанг қилишга келишиб олишди. Газна аскарлари Хуросондан Абу Саҳл ал-Ҳамдуний бошчилигига чиқишиди, иккала гуруҳ ўртасида қаттиқ аёвсиз жанг бўлиб ўтди. Сўнгра Алоуддавла чекинишга мажбур бўлди, Фарҳод ўлдирилди. Алоуддавла бўлса Исфаҳон билан Журбозқон ўртасидаги тоғлик жойга қочиб жон сақлади. Масъуд аскарлари эса Каражга тушиб ором олди. Шунда Абу Саҳл Ҳамдуний Исфаҳон амири Алоуддавла қошига одам йўллаб, унга итоат қилиб мол-дунё юборса, қолган юртларига тегмасликка ва Масъуд билан улар ўртаси яхши муносабатда бўлиб қолиши мумкинлигини айтди. Иккала тарафга элчилар бориб келишибди, лекин ораларида ҳеч қандай келишув бўлмади. Шу билан Абу Саҳл Исфаҳонни эгаллади, Алоуддавла бўлса у ердан қочиб қолди. Ҳатто унинг изига тушиб қидириб қолмасин деб Изажга қочди. Чунки бу жой унинг мулкига кирмас эди.

Шу билан Абу Саҳл Ҳамдуний Исфаҳонни босиб олгач, Алоуддавла хазиналарини қўлга түшириб, мол-дунёсини эгаллаб олди. Бу кезларда Абу Али ибн Сино ҳам Алоуддавла хизматида бўлган эди. Унинг китобларини у ердан йигиштириб олди, уларни Газнага келтирди.

Унинг асарларини китоб хазинасиға қўйиб қўйди, шубилан то Ҳусайн ибн Ҳусайн ал-Гурдий аскарлари китобларни ёқиб юборгунигача Ибн Сино китоблари ўша ерда Фазнада қолган эди".

Ибн ал-Асир яна бу ҳақда маълумот беришда давом этиб, у 427 (1035—1036) йил воқеаларини ҳам эслаб ўтади. Бу йили ҳам Алоуддавла билан Масъуд аскарлари ўртасида жанг бўлган.

Ибн ал-Асир китобида Абу Али ибн Синонинг эсланиши ва унинг уйи тинтилиб, китоблари Фазнага олиб кетилиши билан Абу Убайд ал-Жузжоний берган хабарларини қиёсласак, булар ҳам бир-бирига тўғри келади. Ал-Жузжоний ёзишича, Шайх ўз қуввати ва мижозига ишонган одам эди. Ҳатто Караж дарвозаси олдида Алоуддавла билан Тошфаррош ўртасида уруш бўлган йили юз берган воқеада унга санчиқ касали тутгунгача аҳвол шундай давом эти, ўшанда Шайх тезроқ тузалишга қаттиқ киришди, чунки бундай касал ҳолда жангдан чекиниш хавфли саналар эди. Бу ҳолдан қутулиш қийинлигини тушунгач, Шайх ўзини тез фурсатда тузатмоқчи бўлиб кунигә саккиз марталаб ўзига ўзи ҳуқна — клизма қилди. Шунда ҳуқна қилинган ичаклари тирналиб қизарип, ниҳоят яллигланиб ҳам кетди. Шайх шу касаллик ҳолатида ҳам Алоуддавла билан бирга сафарда бўлишга мажбур бўлди; улар Изаж томонга йўл юришга шошилдилар.

Ибн ал-Асирда келтирилган Маъсуд аскарлари Каражга келиб тушишди, деган жумла билан ал-Жузжоний келтирган Караж дарвозаси олдида бўлган жанг ҳақидаги маълумот бир-бирига тўғри келади. Ундан ташқари, Ибн ал-Асирда эслатилган Изаж ҳақидаги гап ал-Жузжоний келтирган "Алоуддавла Изаж томонга йўл олишга шошилдилар" деган мазмунга хилоф келмайди. Ундан ташқари Ибн ал-Асирда Маъсуд аскарлари Ибн Сино уйини талон қилиб китобларини олиб кетиши ҳақидаги хабар билан ал-Жузжоний зикр қилган Масъуд аскарларининг қилгуликлари ва "ал-Ансоф" асари қўлёзмаларининг йўқ бўлиб кетиши воқеаси бир-бирига тўғри келади.

Абу Убайд келтиришича, Шайхнинг сўнгти икки йили анча оғир, касаллик вазиятида ўтган. Шунда ҳам у амир сафарларида у билан бирга бўлишга мажбур бўлган.

Алоуддавла Изажга ческинишда Шайхнинг дарди қўзиб қолган, у ҳамон ўзини тезроқ тузатиш ниятида ўзини ўзи даволашга киришган. Натижада ичагида пайдо бўлган

яллигланиш оқибатида санчиқ оғриғи зўрайиб баттар бўла бошлади. Бир гал, дейди ал-Жузжоний, ҳуқна қилинадиган нарса ичига икки донақдан карафс уруги аралашибиришини буюрди. Бу билан у санчиқ пайтида пайдо бўладиган қорин дам бўлишини йўқ қилмоқчи бўлади. Уни даволаётган табиблардан бири ҳуқнага ишлатиладиган аралашибмага карафс уругини беш дирҳам вазндағисини солиб юборибди. Бу табиб даво асносида атайлаб шундай қилдими ё янглишиб қолиб дорини кўп солиб юбордими — буни мен билолмадим, чунки бу иш бажарилаётган пайтда иш устида бўлмаган эдим.

Ибн Синонинг соғлиги тузалиш ўрнига борган сари оғирлашаверди. У хала тутишини йўқ қилиш мақсадида бошқа дорилар қабул қилди. Абу Убайднинг айтишича, Ибн Сино касал бўлиб ётган кезларида хизматкорларидан бири ичиладиган дорига кўпроқ афюн қўшиб берган; Абу Али уни билмай истеъмол қилиб юборган. Бу хиёнатнинг сабаби шу эдики, дейди ал-Жузжоний, хизматкорлардан бири Шайхга тегишли анчагина маблағни ўғирлаган эди. Абу Али тузалиб кетгудай бўлса у ўз қилмиши оқибатда яхшилика тугамаслигини пайқаб, унинг ўлимини кутган эди.

Абу Алининг охиригина йиллари анча беморликда ўтганини кўрамиз. Табобат қонун-қоғдаларини қанчалик яхши билмасин, унинг тиним билмай, ўзига аёвсиз равишда бўлиши, кечани-кеча, кундузни-кундўз демай; шарт-шароитга қарамай, таълиф билан банд бўлиши, bemorlar дардини даволаш, шогирдларга таълим бериши каби ишлар, албатта, ўз ишини қилган, Абу Алини ҳолдан тойғизган эди. У қанчалик тадбиркорлик билан ўзини даволамасин, натижа бермади. Бу ҳақда Абу Убайд ёзишига қараганда Абу Алининг дарди зўрайиб, аҳволи борган сари оғирлаша бошлади, касал ҳолида уни тахтиравонда Исфаҳонга олиб келдилар. Шунда ҳам Абу Али ҳамон ўзини даволашга интиларди, лекин дарди борган сари оғирлашаверди. Ниҳоят шундай даражага етдики, ўрнидан туришга ҳам мажоли келмай қолди. Лекин Ибн Сино шундай ҳолга тушишига қарамай, у ўзини ўзи даволашдан тўхтамади, ҳатто Алоуддавла йигилишларига ҳам қатнаша оладиган, юра оладиган бўлиб қолди. Аммо унинг касали яна қайталанаверди.

Абу Убайд ал-Жузжоний Абу Алининг сўнгти дамлари ҳақидаги маълумотларида шуларни битади. "Сўнгра Алоуддавла Ҳамадон томонга юриш бошлади. Шайх у билан бирга сафарга чиқди. Йўлда, ҳали Ҳамадонга етиб

келмаслариданоқ Шайхнинг яна ўша дарди қўзиб қолди. Энди у бутунлай кучдан қолганига, касалдан холос бўуломаслигига ишонди. Ниҳоят у ўзини ўзи даволашдан тұхтади. Ўшанда Шайх: "Танамни идора қилаётган мудир уни тузатишдан ожиздир, энди бундан буён муолажа фойда бермайди," — деди.

Шундай ҳолатда Шайх бир неча кун даво олмасдан қолди, кейин у тангри даргоҳига кўчди<sup>1</sup>.

Бу воқеа 428 ҳижрий — 1037 милодий йилда юз берди. Ибн ал-Асир ўз китобида 428 (1037) йил воқеалари ичидаги Ибн Сино ҳақида яна шуларни ёзади:

"428 (1037) йили шаъбон ойида машҳур ҳаким ва файласуф бўлмиш, файласуфлар оқимларига доир турли-туман таснифлар эгаси Абу Али ибн Сино вафот этди. Унинг вафоти Исфаҳонда бўлган, у Алоуддавла Абу Жаъфар Кокуя даргоҳида хизмат қиласр эди. Ҳеч шак-шубҳасиз, Абу Жафар бузук сътиқодли одам эди. Шунинг учун Ибн Сино унинг юртида ўз таснифларида шариат йўлларидан четга чиққан ва уни рад ҳам қилган", деди.

Шундай қилиб Ибн Сино таржими ҳоли ҳақида сўзганларимизни хulosаласак, қуйидаги манзара кўз олдимизга келади:

Ибн Сино ҳижрий йили билан 370 ва милодий билан 980 йили ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилояти Пешку туманидаги Афшана қишлоғида дунёга келди. Ҳозирча унинг туғилган куни аниқ эмас, аммо у туғилган ой маълум; у ҳижрий қамарийнинг сафар ойида туғилди. Ўша йилнинг сафар ойига эса милодий йилнинг 16 августидан то 14-сентябринча бўлган мuddат оралиги киради. Демак, Ибн Сино мана шу муддат ичидаги туғилган бўлиб чиқади.

Ибн Сино таржими ҳоли ҳақида ёзмоқчи бўлган олимлар бу борада кўпинча сафар ойининг биринчисини туғилган куни деб эслайдилар. Шу сабабдан баъзи китобларда Ибн Сино туғилган куни 16 август деб олинган. Ваҳоланки 16 август сафар ойининг биринчи кунидир, холос. Ибн Сино 985—1005 йиллар ораси Бухоро шаҳрида яшади, таълим олди, олим бўлиб етилди.

1005—1011 йиллар ораси Ибн Сино стти йил давомида Хоразмда яшади, у сидаги олимлар билан ҳамкорлик қилди, таълиф ишлари билан машғул бўлди. 1012—1014 йиллар ораси Абу Али Журжонда яшади. 1014 йили у

<sup>1</sup> Бу ой фақат Ибн ал-Асирда учрайди холос. Бошқа барча муаллифларда рамазон ойи дейилган. Ибн ал-Асир, 170-бет.



Ҳамадон шаҳридаги Ибн Сино мақбараси.  
1954 йили қурилган

Райга кўчади, 1015 йилнинг охириларида у Ҳамадонга утиб, бу ерда чамаси саккиз-тўқиз йил яшади ва ниҳоят 1023 йилдан то умрининг охиригача Исфаҳон амирлигига яшайди.

Ибн Сино Ҳамадон ва Исфаҳонда уни дунёга машҳур қилган кўп асарларини ёзади.

Ибн Синонинг вафоти эса 428 ҳижрий қамарий йилининг рамазон ойи биринчи жумасида юз берган. Бу эса милодий 1037 йилига тўғри келади. Ибн Сино ҳақида ёзган кўпчилик муаллифлар унинг рамазон ойининг биринчи жумасида вафот этганини қайд этгандар. Юқорида келтирилгандек рамазон ойининг биринчи куни эса 18 июнь шанба кунига тўғри келади. Шунга кўра бу ойининг биринчи жумаси куни 24 июнь бўлади. Бундан чиқди, Ибн Сино 1037 йил 24 июнда жума куни вафот этган бўлиб чиқади.

Ибн Сино ёшини ҳижрий қамарий йил билан ҳисобланса, 58 йилу 7 ой яшаган бўлиб чиқади. Милодий йил билан ҳисобланса унинг умри 57 га ҳам етмайди. Шунга кўра, ҳали Ибн Синонинг туғилган куни ноаниқ

бўлиб, фақат унинг ойи маълум бўлгани ва шу ойнинг биринчи кунини ҳозирча тахминан Ибн Сино туғилган кун деб олиб турсак, у ҳолда аллома Абу Али 56 йилу 10 ою 9 кун яшаган бўлиб чиқади. Бордию бу йилларни ойга айлантирасак, у ҳолда Ибн Сино 682 ою 9 кун умр кўрган бўлади.

## АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ЎЗ ТИЛИДАН ЁЗИБ ОЛИНГАН ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

"Отам асли балхлик<sup>1</sup> эди. Нуҳ Ибн Мансур<sup>2</sup> замонида у ердан Бухорога кўчиб келиб, у даврда Бухоро атрофидаги Ҳурмайсан<sup>3</sup> деган қишлоқда маъмурий ишларга бошчилик қилган. (Ҳурмайсан) Бухоронинг энг йирик қишлоқларидан саналар эди. Унинг яқинида Афшана деган бир қишлоқ ҳам бор. Отам ўша қишлоқдан онамга уйланиб, шу срда туриб қолади. Мен шу ерда туғилганман, кейин укам<sup>4</sup> туғилди.

Сўнгра биз Бухорога кўчиб келдик. Мени Қуръон ва адаб (илмларини) ўқитадиган муаллимларга топширилар. Ёшим ўнга тўлгандан мен Қуръонни ва адаб (илмларидан) кўпини ўзлаштириб олган эдим, ҳатто одамлар менга ажабланадиган ҳам бўлди. Отам мисрликлар даъватини қабул қилганлардан бўлиб, исмоилийлардан ҳисобланарди ва уларнинг нафс (жон) ва ақл ҳақидаги гапларини ва тушунчаларини эшитиб юардим, укам ҳам шундай қиласди. Кўпинча улар бу хусусда ўзаро суҳбатлашиб ўтиришганда мен уларнинг

<sup>1</sup> Балх — ҳозирги Афғонистоннинг шимолидаги шаҳар: Терmez шахридан 70-80 км. шарқда.

<sup>2</sup> Нуҳ ибн Мансур (976—997) — сомонийлар амири. Ибн Сино "Мабоҳис нафсония" ("Нафсоний баҳслар") деган илк фалсафий асарини шу амиринг бағислаган. Бу асар "Ҳадият ар-ранс" ("ар-Ранс соваси") деган ном билан ҳам машҳур бўлган. Амир вафот этган йилга ўтибор берилса, Ибн Сино бу асарини ёзганида ҳали 17 га тўлмаган бўлиб чиқади.

<sup>3</sup> Ҳозирги Рометон.

<sup>4</sup> Укасининг оти Маҳмуд бўлган.

<sup>5</sup> Адаб илмлари деганда тил қондалари, баёни, маоний, аруз ва қоғия тушунилади. — Ред. Бу срда "Ред" деб ёзилган изоҳлар таржимаи ҳолининг 1980 йилда рисола сифатида "Фан" намириётида чои этилганда унинг масъул муҳаррири бўлган У. И. Каримовга тегнишили.

гапларини эшитиб, нима ҳақда гапираётганларини тушуниб юарар эдим, лskin кўнглим буни қабул этмас эди. Улар мени ҳам (ўз таълимотларига) даъват қила бошладилар. Улар фалсафа, ҳандаса (геометрия) ва ҳинд ҳисоби ҳақида кўп гаплашар эдилар.

(Отам) мени ҳинд ҳисобини биладиган бир резавор-фурушга юбора бошлади, мен ундан (ҳинд ҳисобини) ўргандим. Кейин Бухорога Абу Абдуллоқ Нотилий келиб қолди, у кишининг файласуфлик даъвоси бор эди. Менга таълим бсрди, деган умидда отам у кишини уйимизга кўчириб келди. Унинг келишидан олдин ҳам мен фиқҳ билан шугулланиб, бу хусусда Исмоил Зоҳид деган кишининг ҳузурига қатнаб юарар эдим.

Шу билан мен талаб қилиш йўлларини ва жавоб бсрувчига ётиroz билдириш усувларини, уларда жорий бўлган йўсинада билиб олиб, бу соҳани энг яхши биладиганлардан бўлиб қолган эдим.

Кейин Нотилийдан "Исогужи"<sup>2</sup> китобини ўргана бошладим. У менга жинснинг таърифи ҳақида гапириб, "Жинс нима?" деб сўралгандা, "турли навлардан иборат кўп нарсаларга жинс деб айтилади" деб жавоб берилади деганида, мен унга шундай таъриф берилди, унда гапларни (Нотилий) ҳали эшитмаган экан. У мендан жуда ҳайратга тушди, отамга мени илмдан бошқа нарса билан шугуллантирасликни уқтириди.

У менга қайси масала ҳақида гапирмасин, мен бу масалани ундан кўра дурустроқ тасаввур қиласдим. Ниҳоят мен мантиқнинг оддий масалаларини у кишида ўқидим, лекин мантиқнинг нозик томонларидан у бехабар экан.

Шундай қилиб (мантиққа оид) китобларни ўзимча ўқишга киришдим, уларга битилган шарҳларни мутолаа қила бошладим ва, ниҳоят, мантиқ илмини пухта билиб олдим.

Уқлидус<sup>3</sup> китоби ҳам шундай бўлди; унинг бош қисмидан беш ё олтига теоремаларни унинг олдида ўқидим. Ундан кейин китобнинг қолган қисмидаги (масалаларни) ўзимча счишга киришдим. Сўнгра "ал-Мажи-

<sup>1</sup> Фиқҳ — ислом ҳуқуқшунослиги.

<sup>2</sup> Исогужи — Исагоги — мантиқ фанига кириш; бу ерда Порфирийнинг шу номли асари назарда тутилади.

<sup>3</sup> Уқлидус — Эвклид — эрамизгача 355—315 йилларда яшаган қадимги юнон математиги.

стий<sup>1</sup>га ўтдим. Унинг муқаддимасини ўқиб бўлиб, ҳандасий шаклларига етганимда Нотилий менга шундай деди:

“Энди уни сен ўзинг ўқиб, ўзингча ечишга ҳаракат қиласвер, кейин менга айтиб берасан, мен сенга тўғри ё нотўғрилигини кўрсатаман”.

У киши бу китобдан дурустроқ хабардор эмас экан. Мен бу китобни ўзимча ўзластиришга киришдим. У кишига қайчадан-қанча шаклларни тушунириб берардим, шунга қадар у буларни билмас экан.

Кейин Нотилий мени қолдириб, Гурганч томонга жўнаб кетди. Мен эса “Фусус”<sup>2</sup> китобини, табииёт ва илоҳиётга оид шарҳларни ўрганиш билан шугулландим.

Мен учун илм эшиклари очила бошлади. Кейин тиб илми билан шуғулланишга майл этдим ва унга оид китобларни ўқишига тушдим. Тиб илми қийин илмлардан эмас, шу сабабли қисқа муддат ичиди бу (фанда жуда) илгорлаб кетдим, энди ҳатто билимдон табиблар ҳам келиб, ҳузуримда тиб илмидан дарс оладиган бўлдилар. Беморларни ҳам кўриб турардим ва (шу йўсинда) ортирган тажрибаларим натижасида муолажа эшиклари менга шу қадар (кенг) очилиб кетдик, уни таърифлаб бериш қийин.

Шу билан бирга баъзан фиқҳни ўрганишда ҳам давом этар эдим ва шу хусусдаги мунозараларда иштирок этиб турардим. Бу вақтда мен ўн олти ёшда эдим. Кейин яна бир йил илм ва мутолаага берилдим, мантиқ ва фалсафанинг ҳамма қисмларини қайтадан ўқиб чиқдим. Ўн кезларда мен бирор кечанинг ҳам охиригача ухлама кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланма эдим. (Мантиқка оид) равшан ва аниқ бир қан (қоидаларни) жамладим. Ҳар бир ҳужжатни текшираё ганимда бир қанча қиёсий муқаддималардан исбот қилиб, уларни шу равшан (қоидалар) нуқтаи назаридан тартиб солардим. Кейин у муқаддималарнинг шартларини назарга олиб, улардан чиқадиган хуносага қарадим. Ниҳоят бу масалада ҳамма нарсанинг асл-моҳияти менга аён бўлиб қоларди.

Агар бирор масаладан бошим қотиб, қиёсда ўртacha таърифни топа олмасам, жоме масжидига борардим ва

<sup>1</sup> Ал-Мажистий — қадимги юнон астрономи Птоломейнинг (II аср) “Алмагеста” асари.

<sup>2</sup> ал-Фусус — бу ерда файласуф Форобийнинг “Фусус ал-ҳикам” (“Фалсафанинг қимматбаҳо тошлиари”) номли асари ҳақида гап боряпти.

намоз ўқиб яратувчига ёлборардим, натижада қоронғу нарсалар менга ойдинлашар, мушкуллар осон бўлар эди.

Кечалари эса уйимга қайтиб келардим-да, олдимга чироқни кўйиб олиб фақат ўқиши ва ёзиш билан банд бўлардим. Мабодо уйқу босса ёки ўзимни ҳорғин сезесам, қувватни қайтариш учун бир қадаҳ шароб ичиб кейин яна ўқишига тушардим. Агар бир оз уйқуга кетсам, тушимда ўша ўнгимдаги масалаларни кўрардим ва кўп масалалар тушимда аён бўларди. Ана шу зайдда ҳамма илмларни мустаҳкам эгаллаб олдим ва улардан инсон имконияти даражасида хабардор бўлдим. Ўша вакътларда билганларим, ҳозирги билғаниларимчалик эди; бугунги кунгача (билимимга) бирор нарса қўшилмади.

Шу йўсинда мантиқ, табииёт ва риёзий илмларни пухта ўрганиб олдим, кейин илоҳиётга ўтиб “Мо баъда ат-табиа” ни ўқишига киришдим. Лекин унда нималар дейилганини тушунолмасдим ва китоб ёзган кишининг мақсади мен учун қоронғу эди. Ҳатто уни қирқ бор қайта ўқидим ва у менга ёд бўлиб кетди, лекин шунда ҳам мен (kitobни) ва унинг мақсадларини тушуна олмасдим. Ниҳоят, умидимни узиб, бу тушуниб бўлмайдиган китоб, дедим.

Аммо кунлардан бир кун аср вақтида китобфурушларнинг олдига бориб қолдим. Унда бир даллол муқоваланган китобни қўлида тутганича уни мақтарди. Уни менга ҳам кўрсатди. Мен бу илмдан фойда йўқ, деган хаёлда унга қиёс боққим ҳам келмай, рад қилдим. Даллол менга: “Бу китобни сотиб ол, нархи арzon — ғирифни сотиб олдим. Қарасам, бу Абу Наср Форобийнинг ўша “Мо баъда ат-табиа” китоби мақсадлари бўҳақида ёзган асари экан. Уйга қайтиб, тезда уни ўқишига киришдим. Китоб дилимда ёд бўлиб қолгани сабабли унинг мақсадлари менга дарҳол аён бўлди. Бундан жўда хурсанд бўлиб кетдим ва тантри таолога шукр айтиб, ўша куннинг эртасига ёқ камбағалларга анча нарса садақа қилдим.

Бу вақтда Бухоронинг подшоҳи Нуҳ ибн Мансур эди. Иттифоқо у бир касалликка дучор бўлиб, табиблар у ҳақда бир фикрга келиша олмабдилар. Кўп ўқийдиганлигим туфайли, номим улар ўртасида машҳур бўлиб қолган эди. Подшоҳ ҳузурида менинг ҳақимда гапириб, ундан мени чақиришини сўрашибди. Мен бориб (та-

<sup>1</sup> Бу ерда Аристотелнинг “Метафизика” китоби назарда тутиляпти.

билилар билан) биргаликда (шоҳ)ни даволашда иштирок этдим ва шу орқали унга танилдим.

Бир куни шоҳдан кутубхонасига киришга ва у ердаги тибға оид китобларни мутолаа қилишга рухсат сўрадим. Шоҳ менга рухсат берди. Мен кўп хоналардан иборат кутубхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоб сандиқлари турар, китоблар эса устма-уст тахлаб қўйилган эди. Хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари, бошқасида фиқҳга оид (асарлар) туради. Шу тартибда ҳар бир хонада маълум бир фанга оид китоблар (тўпланган эди). Кейин биздан олдин ўтган олимлар китоблари рўйхатини ўқиб чиқдим ва ундан керакларини талаб қилдим. У ерда шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик ҳатто уларнинг номларини ҳам эшифтмаган бўлса керак. Ўзим ҳам уларни бундан аввал кўрмаган эдим, бундан кейин ҳам учратмадим. Ўша китобларни ўқиб, улардан баҳраманд бўлдим. Шу билан ҳар бир муаллифнинг илмдаги даражасини билиб олдим.

Ёшим ўн саккизга боргандা бу илмларнинг ҳаммасини эгаллаб бўлган эдим. Ўша кезларда илмни кўпроқ ёдда сақлаб қолар эдим, ҳозир эса илмим кўпроқ етилган, аммо билим —битта ва ўшандан бери менда янги бир нарса қўшилгани йўқ.

Абулҳасан ал-Арузий деган бир қўшним бор эди. У мендан бу илмларнинг ҳаммасини ўз ичига оладиган бир китоб ёзиб беришимни сўраган эди. Мен унга "ал-Мажмӯ'а" (Тўплам)ни тузиб бердим, китобнинг отини ҳам шундай, "Тўплам" деб қўйдим. Унга риёзиётдан бошқа барча илмларни киритдим. Ўшанда йигирма бир ёшда эдим.

Яна бир, Хоразмда туғилган Абу Бакр ал-Барақий деган қўшним ҳам бор эди, у киши табиатан фақиҳ бўлиб, фиқҳ, тафсир ва зоҳидликда ягона ва шу илмларга мойиллиги бор эди. Шу киши мендан китобларга шарҳ ёзиб беришимни сўради. Мен унга йигирма жилча келадиган "ал-Ҳосил ва ал-маҳсул" деган китоб ёзиб бердим. Бундан ташқари, унга ахлоққа оид яна бир китоб ёзиб бердим, номини "Китоб ул-бирр ва-л-исм" ("Саховат ва жиноят ҳақида китоб") деб қўйдим. Бу икки китоб ундан бошқа ҳеч кимда йўқ, чунки у киши улардан нусха кўчириб олиш учун ҳеч кимга бермаган.

Бу орада отам вафот этиб<sup>1</sup>, аҳволимда ўзгариш юз берди: султон ҳузуридаги вазифалардан бирини ўз зим-

<sup>1</sup> Иби Сино отаси 1002 иили вафот этади, бу вақтда Абу Али 22 ёшда эди.

мамга олдим. Кейин зарурат юзасидан Бухорони тарк қилишга, Гурганж томонга кўчишимга тўғри келди. У ерда илмларни севувчи Абу-л-Ҳусайн ас-Саҳлий вазир эди. У ернинг амири ҳузурига бордим, амир Али<sup>2</sup> ибн Маъмун<sup>3</sup> эди. Мен у пайтда эгнимга тайласон<sup>4</sup> ва тахтаулханакли<sup>5</sup> фақиҳлар кийимини кийиб олган эдим. Мен учун менга ўхшаганларга етадиган миқдорда ойлик тайин қилишди. Ундан кейин зарурат Ниҳога<sup>6</sup> кўчишимга мажбур қилди. Сўнг ундан Абивардга<sup>7</sup>, ундан Тусга, ундан Шиқонга, ундан Самниёнга, ундан Хурсоң чегарасидаги Жожурмга<sup>8</sup>, ундан Журжонга (қўчдим); мақсадим Амир Қобуснинг<sup>9</sup> ҳузурига бориш эди. Шу пайтда Қобусни тутиб, қалъалардан бирига, қамаб қўйишди ва у ўша ерда ўлди. Сўнгра Декистонга кетдим, у ерда қаттиқ касал бўлиб қолдим. Яна Журжонга қайтиб келдим ва у ерда менга Абу Убайд ал-Жузжоний келиб қўшилди. Шу кезларда ўз ҳолимни ифодалайдиган бир қасида ёздим, унда мана шу байт ҳам бор эди:  
Мен улуғ бўлганимда кенг шаҳар сифдиrolмай қолди,  
Қимматим ошганида харидорсиз қолдим".

### ШАЙХ АР-РАИСНИНГ ҲАМРОҲИ АБУ УБАЙД АЛ-ЖУЗЖОНИЙ АЙТАДИ:

Шайхнинг ўз тили билан менга айтганлари мана шулардан иборат. Бундан буёғига унинг аҳволи ҳақида ўз кўзим билан кўрганларимни (келтираман).

"Журжонда Абу Муҳаммад аш-Шерозий деган бир киши бор эди. Шу киши ўша илмларни яхши қўрар эди. Шайх учун ёнидан бир уй сотиб олиб, уни ўша ерга жойлаштириди. Мен ҳар куни (устознинг) олдига бориб

<sup>1</sup> Гурганж — Хоразм ўлкасининг қадимги пойтахти, ҳозирги Қўхна Урганчдан жануброқда жойлашган эди. — Ред.

<sup>2</sup> Али ибн Маъмун 997—1009 йилларда ҳукмроилик қилган Хоразм шоҳи.

<sup>3</sup> Тайласон — бир учи кифтга, бошқа учи кўкракка ташланиб юриладиган ўрама — ридо, кенг шарф.

<sup>4</sup> Тахтаулханак (сўзма-сўз — энгак ости) — салланинг бир учи, энгак-томоқдан ўтказиб ўраш усули.

<sup>5</sup> Ҳозирги Туркманистондаги қадимий шаҳар номи.

<sup>6</sup> Абивард — баъзан Бивард деб ҳам учрайди, Жаңубий Туркманистонда жойлашган шаҳар.

<sup>7</sup> Тус, Шиқон, Саманён, Жожурм — Хурсоңдаги шаҳарлар номлари.

<sup>8</sup> Шамс-ул-Маолий Қобус ибн Вушмагир (баъзи манбадарда Вашим-ғир) Журжон амири (976—1012).

турардим ва "ал-Мажистий" китобини<sup>1</sup> уқирдим. Шунда мен у кишидан мантиқни айтиб турсангиз, деган эдим, у киши менга "ал-Мұхтасар ал-авсат фи-л-мантиқ" ("Үртача қисқа мантиқ")<sup>2</sup> ни<sup>3</sup> айтиб турди, мен ёзіб олдим. Абу Мұхаммад аш-Шерозийға бұлса "Китоб ал-мабда ва ал-маод" ("Нарсаларнинг бошланғыч ва аслига қайтиш китоби") ва "Китоб ал-арсад ал-куллия" ("Умумий кузатыш китоби")<sup>4</sup> ни ёзіб берди. Шайх у ерда жуда күп китоб тасніф этди, "ал-Қонун"<sup>5</sup>нинг биринчи (китоби), "ал-Мажистийнинг қисқартмаси" ва күп рисолалар шулар жұмласидан. Ундан кейин ал-Жабал әлида<sup>6</sup> бошқа китобларни ёзды.

Мана бу унинг китоблари рүйхати:

1. Китоб ал-мажмұ — бир жилд.
2. Ал-Хосил ва ал-маҳсул — йигирма жилд.
3. Ал-Ансоф — йигирма жилд.
4. Ал-Бирр ва ал-исм — икки жилд.
5. Аш-Шифо — үн саккиз жилд.
6. Ал-Қонун — үн түрт жилд.
7. Ал-Арсад ал-куллия — бир жилд.
8. Китоб ан-нажот — уч жилд.
9. Ал-Ҳидоя — бир жилд.
10. Ал-Ишорот — бир жилд.<sup>4</sup>
11. Китоб ал-мухтасар ал-авсат — бир жилд.<sup>5</sup>
12. Ал-Алоий — бир жилд.<sup>6</sup>
13. Ал-Куланж — бир жилд.
14. Лисон ал-араб — үн жилд.
15. Ал-Адвият ал-қалбия — бир жилд.
16. Ал-Муъжаз — бир жилд.
17. Баъз ал-ҳикмат ал-машриқия — бир жилд.
18. Баён завот аж-жиҳа — бир жилд.

<sup>1</sup> Юқоридаги изоҳга қаралсии.

<sup>2</sup> Бу ерда ал-Жузжоний айтадектан китоб Аристотель мантигиппинг қисқача хulosаси бұлса керак.

<sup>3</sup> Жабал — ҳозирги Эропининг гарб қисмінде жойлашған Ироқи Ажам (әки форс Ироқи) — Ред.

<sup>4</sup> Бу Шайхнинг ҳозир ҳам мавжуд бұлған "ал-Ишорот ва ат-тағибиҳот" деган асарининг ҳикмат қисмі бұлса керак, чының "ал-Ишорот"нинг мантиқ қисмі құйыда алоқыда келған.

<sup>5</sup> Бу мантиққа оид бұлған "Үртача қисқа мантиқ" асари булиши керак.

<sup>6</sup> Бу Ибн Синонинг ҳозир "Доқишинома" номи билан машхұр бұлған ва нашар этилған асаридір.

19. Китоб ал-маод — бир жилд.
20. Китоб ал-мабда ва ал-маод — бир жилд.
21. Китоб ал-мубоҳасот — бир жилд.

Мана булар Шайхнинг рисолаларидан<sup>1</sup>

22. Ал-Қазо ва ал-қадар.
23. Ал-Олат ар-расадия.
24. Ғараз қотиғуриёс.
25. Ал-Мантиқ би аш-шеър.
26. Ал-Қасоид фи-л-узмат ва-л-ҳикмат.
27. Фи ал-ҳуруф.
28. Таақуб ал-маводиъ ал-жадалия.
29. Мұхтасар Үқлидус.
30. Мұхтасар фи набз би-л-ажамия.
31. Ҳудуд.
32. Ал-Ажром ас-самовия.
33. Ал-Ишорот ила илм ал-мантиқ.
34. Ақсом ал-ҳикма.
35. Фи ан-ниҳоят ва-л-ло ниҳоят.
36. Ал-Аҳд ("Бұрч" — буни Шайх үзи учун ёзған).
37. Ҳай ибн Яқзон.
38. Фи ан абъод ал-жисм гайр зотия лаҳу.
39. Хутаб.
40. ал-Калом фи-л-ҳиндеби.
41. Фи анна илм Зайд ғайр илм Амр.
43. Рисоил лаҳу ихвония ва сұлтония (Ибн Синонинг ёр-биродарларга ва сұлтонларға оид бұлған рисолалари).
44. Масоил жарат байнаҳу ва байна баъд ал-фузало ("Ибн Сино билан бोшқа фозил кишилар үртасида үтган масалалар").
45. Китоб уюн ал-ҳикма.
46. Китоб аш-шабака ва ат-тайр.
47. Китоб ал-ҳавоши ала ал-қонун.

Сунгра (Шайх) Райға күчди ва Сайида ва унинг уғли Маждуддавла хизматига кирди. Улар Шайхнинг кимлигини унинг билан бирра стиб келған китоблардан билишди, негаки бу (китоблар) унинг қадр-қимматини курсатиб турар эди. Бу пайтларда Маждуддавлани савдои касали енгіб қойған эди. Шайх уни даволаш билан машғул булды. Ұша ерда у "Китоб ал-маод"ни ёзды. Шайх

<sup>1</sup> Рисолалар одатда кичик бўлғанлариги учун ҳажми курсатилмаган.

у ерда то Шамсуддавланинг ҳузурига боришига отлангунча қолди, бу эса Ҳилол ибн Бадр ибн Ҳасанвайҳ ўлдирилиб, Бағдод аскарлари чекинган вақт эди. Кейин юз берган баъзи бир сабаблар уни Қазвии томонга, у ердан эса Ҳамадон тарафга жўнашга ва Кадбонувайҳ хизматига киришига мажбур этди. Шунда иттифоқо Шайх аҳволидан хабар топган Шамсуддавла, уни ўз ҳузурига чақириди, чунки бу пайтда у қуланж<sup>1</sup> касаллигига гирифтор бўлган эди. Шайх уни тангри таоло шифо бергунга қадар даволади, бунинг эвазига ундан кўпгина яхши совғалар олди ва қирқ кечаю қирқ кундуз унинг ҳузурида бўлиб, уйига қайтди. Шу тариқа Шайх амирнинг яқин кишиларидан бири бўлиб қолди. Сўнгра амир билан Аназ ўртасида уруш бошланиб, амир Қармисинга юриш бошлаганида Шайх уни кузатиб юрди. Амир эса енгилиб, Ҳамадон томон қайтди. Бу орада (Ибн Синодан) вазирликни қабул этишини илтимос қилдилар, у қабул қилди. Кейин унга қарши аскарлар исёни юз берди. Чунки улар (Шайхдан) ҳайиқар эдилар. Улар Шайхнинг уйига бостириб кириб, уни қўлга оладилар, мол-мулкини талаб, бор нарсаларини талон-торож қиласидилар ва амирдан уни ўлдиришни талаб қиласидилар. Лекин (амир ўлдиришига) кўнмай, уни давлат ишларидан четлатишга қарор қиласиди, шу билан ҳарбийларнинг талабини қондирмоқчи бўлади<sup>2</sup>.

Шу тариқа Шайх қирқ қун Абу Саъд ибн Даҳдуқнинг уйида яшириниб ётди. Бу орада амир Шамсуддавланинг куланж касали яна тутиб, у Шайхни топиб келишни сўради. Шайх амир ҳузурига келгач, амир ундан кўп узр сўради. Шундан сўнг у амирни даволашга киришиди ва унинг қошида иззат ва ҳурматда яшай бошлади, сўнг вазирлик унга иккинчи бор қайтиб келди.

Кейин мен Шайхдан Аристотель китобларига шарҳ ёзиб беришни илтимос қилдим. Шунда у: "Бу ишга ҳозирча қўлим тегмайди, вақтим йўқ. Лекин, агар сен рози бўлсанг, шундай қиласман; мен у китобга бу илмлардан нимани тўғри ҳисобласам, ўшалардан киритаманда, муҳолифлар билан мунозара қилмайман ва уларнинг фикрларини рад ҳамилиб ўтирумайман".

<sup>1</sup> Қуланж— йўғон ичакда бўладиган касаллик, колит — Ред.

<sup>2</sup> Манбаларга қараганда, аскарларга маош тўлаш кечкитирилган. Бунга Ибн Сино айбор деб ўйлашган аскар бошликлари унга қарши исён кўтаришган. Якубовский А. Ю. Ибн Сина, "Материалы научной сессии", Тошкент, 1953, 6-бет.

Мен бунга рози бўлдим, Шайх "аш-Шифо" деб атаган китобнинг табииёт қисмини ёзишга киришиди. Бу пайтда у "ал-Қонун"нинг биринчи китобини ёзиб тутатган эди.

Ҳар куни кечаси унинг уйида толиби илмлар йигилар эдилар. Мен "аш-Шифо"дан ўқир эдим. Мендан бошқаси<sup>3</sup> навбати билан "ал-Қонун"ни ўқир эди. Булардан бўшаганимиздан кейин ҳар хил ашулачи ва созандалар келар ва шароб мажлиси керакли жиҳозлари билан муҳайё қилиниб, биз шулар билан машгул бўлардик. Шайх кундузлари амир хизмати билан банд бўлгани сабабли, дарсни қечалари берарди. Шу тариқа бир қанча вақтни ўтказдик.

Кейин Шамсуддавла Торим томонга юриш бошлаб, уларнинг амири билан уришмоқчи бўлди. Лекин у ерга яқин қолганда амирнинг қуланжи яна тутиб қолди, бу гал унинг дарди жуда оғирлишган, касалига бошқа дардлар ҳам қўшилган эди. Чунки амир тартибсиз турмуш кечирап, Шайхнинг айтганларига қулоқ солмас эди. Амирнинг вафотидан қўрқсан ҳарбийлар, уни тахтиравонга солиб, Ҳамадон томон қайтиб кетдилар, лекин амир йўлда таҳтиравонда вафот этди.

Кейин Шамсуддавланинг ўғлига қасамёд этиш маросими бўлди<sup>3</sup> ва ундан Шайхни вазир қилиб тайинлашни сўрадилар. Лекин (Шайх) бундан бош тортди ва Алоуддавлага яширинча хат ёзиб, унга хизмат қилиш истаги борлигини ва уни ўз яқинларига қўшишни илтимос қилди. Ушанда Шайх Абу Ғолиб ал-Аттор деган кишининг уйида яшириниб ётар эди. Мен ундан "аш-Шифо" китобини тугатиб беришни сўрадим. (Шайх) Абу Ғолибни чақириб ундан қоғоз ва сиёҳ келтиришни илтимос қилди. У киши сўраганларини келтириб бергач, Шайх саккиздан бир табақ (ўлчовли) қоғознинг қариб йигирма жузvigа ўз қўли билан масалаларнинг сарлавҳасини қоғозга тушириши билан икки кунни ўтказди, шунда у бирорта китобга ҳам қарамади, бирорта асл манбага ҳам мурожаат этмади, балки барчасини ёддан, ўз кўнглидан чиқариб ёзарди. Кейин Шайх шу (қоғоз) ва жузвларни олдига қўйганича (сарлавҳалари) ёзиб қўйилган ҳар бир маса-

<sup>1</sup> Заҳируддин ал-Байҳақида, бу ўринда, ал-Маъсумий бўлса навбати билан "Қонун"ни ўқир эди, Ибн Зайла бўлса навбати билан "ал-Ишорот"ни, Баҳманиёр бўлса "ал-Ҳосил ва ал-маҳсул"ни ўқирди (62-бет), дейилган.

<sup>2</sup> Шамсуддавла 319 (1021)да вафот этган.

<sup>3</sup> Унинг ўғли Самоуддавла 1021—1028 йиллар орасида ҳукм сурган.

лага назар ташларди-да, уларга шарқ ёзишга киришарди. У ҳар куни эллик варақ ёзар, шу тариқа "аш-Шифо" китобининг табииёт ва илоҳиёт ҳақидаги қисмларини батамом ёзib тугатди, фақат "ал-Ҳайвон" ва "ан-Набот" қисмларигина қолган эди. Яна ("аш-Шифо"нинг) мантиқ қисмини ҳам ёза бошлаган ва унинг бир бўлимини тугатган ҳам эди.

Шундан сунг Тожулмулк<sup>1</sup> Шайхни Алоуддавда билан ёзишма олиб борган деб уни ёмонлай бошлади, ҳатто уни қидиришга тушди. (Шайхнинг) душманларидан бири унинг беркиниб турган жойини кўрсатиб берди ва уни тутиб олиб, Фараджон деган қалъага қамадилар. Шу ерда бир қасида ёзган эди, унда (мана бундай сатрлар ҳам бор эди):

Кирмагим бунга аён ўзинг кўриб турибсан,  
Барча шубҳа бу ердан чиқиша.

(Шайх) бу қалъада тўрт ой қолиб кетди. Кейин Аллоуддавла Ҳамадонга юриш қилиб, уни эгаллади. Тожулмулк эса қочиб, худди ўша қалъага бориб қолди. Бу орада Алоуддавла Ҳамадондан чиқиб кетган эди, шундан сунг Тожулмулк ва Шамуддавланинг ўғли Ҳамадонга қайтилар ва Шайхни ҳам бирга олиб келдилар. Шайх ал-Алавий деган кишининг уйига жойлашди ва бу ерда "аш-Шифо" китобининг мантиқ қисмини тасниф қилиш билан шуғулланди. Қалъада эса "ал-Ҳидоя" ва "Ҳайй ибн Яқзон" ва "Китоб ал-қуранж" асарини ёзди. "Ал-Адвият ал-қалбия" асарини эса у Ҳамадонга кириб келаётган кезларида ёзган эди.

Шу тариқа бир қанча вақт ўтди ва шу фурсатда Тожулмулк (Шайхга) чиройли ваъдалар бериб турди. Сунгра Шайх Исфаҳонга кетадиган булиб қолди ва яширинча шаҳардан чиқиб кетди. Ўшанда мен, Шайхнинг укаси (Маҳмуд) ва икки хизматкори сўфилар кийимида у билан биргаликда эдик. Исфаҳон дарвозаси олдилиги Табаронга кўп қийинчиликлар билан етиб келгач, бизни Шайхнинг дустлари ва Алоуддавланинг яқинлари ва маҳсус кишилар кутиб олдилар. Улар Шайхга маҳсус кийим ва уловлар тортиқ қилдилар. Уни Кунигунбаз деган маҳаллада Абдуллоҳ ибн Бобий деган кишининг уйига жойлаштиришди. Бу жойда зарур бўлган барча жиҳозлар ва палослар мавжуд эди. Кейин у Алоуддавла

мажлисида иштирок этди ва у мажлисда ўзига муносиб иззат ва икромлар кўрди. Алоуддавла буйруғига биноан ҳар жума куни кечқурунлари унинг ҳузурида мунозара учун ҳар хил табақадаги олимларнинг йиғилиши одат тусига кирган эди. Шайх ҳам шулар жумласидан булиб, ҳеч қайси олим бирон илмда унга бас келолмасди.

Исфаҳонда Шайх "аш-Шифо" китобини тутатиш билан банд булди ва "Мантиқ" билан "ал-Мажистий"ни тамомлади. Бунгача эса Үқлидус (негизлари)нинг қисқартмасини ва арифметика ҳамда мусиқа ҳақидаги қисмини ёзib тамомлаган эди. Бу ерда у математика (қисми)нинг ҳар бир китобига қўшимчалар киритди, чунки муаллиф бунга жуда катта эҳтиёж сезган эди.

Аммо "ал-Мажистий"га келганда (шуни айтиш керакки), Шайх унга "ал-Мажистий"нинг охирида паралакс ҳақида ўнта теорема киритди ва астрономияга оид шундай нарсаларни киритдики, буни унгача ҳеч ким амалга оширолмаган эди. Үқлидус китоби билан ҳам шундай иш қилди, шу билан бирга, ҳисоб қисмига ҳам чиройли ўзига хос (нарсалар) киритди.

Мусиқа ҳақидаги қисмига эса ўзидан аввалгилар бехабар бўлган кўпгина масалаларни қўшди. Натижада Шайх "аш-Шифо" номи билан танилган китобининг "Китоб ан-набот" ва "ал-Ҳайвон" қисмидан ташқари барча қисмларини тугаллади.

Бу қисмларини эса Алоуддавла Собурхостга юриш қилган йили йўлда ёзди. Шу билан бирга "ан-Нажот" китобини ҳам йўлда ёзib тугатди. Шайх бу орада Алоуддавланинг ишончли ва хос кишиларидан бўлиб қолди ва бундай аҳвол то Алоуддавла Ҳамадонга юриш қилишга қарор қилиб йўлга отлангунга қадар давом этди. Шайх ҳам у билан бирга йўлга чиқди.

Бир куни кечаси Алоуддавла ҳузурида қадимги даврдаги кузатишлар асосида тузилган тақвим — календарь бўйича иш юритишнинг зарари ҳақида гап айланиб қолади. Амир Шайхга шу юлдузлар устида кузатишлар олиб боришни буюради ва бу иш учун зарур бўладиган маблағ ажратди. Шайх ҳам бу ишга киришиб кетди. Менга эса зарур асбоблар тайёрлаш ва уларни ясайдиган кишиларни ёллашни топширди. (Кузатиш вақтида) жуда кўп масалалар аён бўлди. Аммо сафарнинг кўплиги ва шу орқали туғилган тусиқлар бу ишга зарар етказди.

Шайх Исфаҳонда "Китоб ал-Алоий" асарини ёзib тугатди.

<sup>1</sup> Амир Самоуддавланинг аъёнларидан — ред.

Шайхнинг ажойиб хислатларидан бири шу эдики, мен йигирма беш йил у билан бирга юриб ва унинг хизматида бўлиб қўлига тушган биронта ҳам янги китобни бошдан оёқ қараб (ўқиб) чиққанини кўрган эмасман. Аксинча, у китобнинг қийин жойлари ва мушкул масалаларинигина қарап ва шулар ҳақида китоб муаллифи нима демоқчи бўлганига диққат қилиб, унинг илмдаги мартабаси ва (масалаларни) тушуниш даражасини билиб олар эди.

Кунлардан бир куни Шайх амир ҳузурида ўлтирадир эди, шунда Абу Мансур ал-Жаббон ҳам бор эди. Тилга оид бир масала устида гап кетди ва Шайх бу ҳақда ўз мулоҳазасини айтди. Абу Мансур Шайхга ўтирилиб қарди-да, шундай дейди: "Ҳақиқатан ҳам сен файласуф ва ҳакимсен, лекин тил илмини (чукур) ўқимагансен, шунинг учун сенинг бу ҳақдаги гапларинг қониқтиарли эмас".

Шайхга бу гап оғир ботди. Уч йил давомида у тилга оид китобларни мутолаа қилди. Хурсондан Абу Мансур ал-Азҳарийнинг<sup>1</sup> таснифларидан бўлмиши "Таҳзиб ал-луға" ("Тилни тозалаш") китобини ҳам сўраттириб олди. Бу ерда Шайх тил билимида шундай юксак даражага эришдики, бу камдан-кам одамга мусассар бўларди. Ўша пайтда учта қасида ёзди ва буларда кам ишлатиладиган, нодир сўзларни ишлатди. Кейин яна учта китоб ёзди: буларнинг бирини Ибн ал-Амид<sup>2</sup> услубида, иккинчисини ас-Собий<sup>3</sup> услубида, учинчисини эса ас-Соҳиб<sup>4</sup> услубида яратди. Шайх бу китобларни муқовалаш ва жилдга эскирган тус беришни буюрди. Кейин шу тариқа муқоваланган китобни амирга бериб, уни Абу Мансур ал-Жаббонга кўрсатишни ва шундай дейишни илтимос қилди: "Биз бу китобни овга чиққан пайтимизда саҳродан топиб олдик. Буни кўриб ичиди нима ёзилганини бизга айтиб бергин".

Абу Мансур (китобни) кўриб чиқди, лекин унда (ёзилгандарнинг) кўпини тушуниш унга мушкул бўлди. Шунда Шайх унга қараб:

"Бу китобдаги сен тушунолмаётган нарсалар лугат китобларнинг, фалон жойида айтиб ўтилган", дейди ва Абу Мансурга тилга оид жуда кўп машҳур китобларни эслатдики, ўзи ўша қийин сўзларни шу китоблардан

<sup>1</sup> Ал-Азҳарий (895—980)— йирик араб лугатшуносаридан.

<sup>2</sup> Вафоти 970.

<sup>3</sup> Вафоти 994, ўз даврида стилист сифатида машҳур бўлганлардан.

<sup>4</sup> Вафоти 995. Бувайҳийларнинг Исфаҳон ва Райдаги ҳокимининг вазири, тилшунос.

эслаб қолган эди. Абу Мансур ўшанда тил борасида унчалик пишиқ бўлмаган гапларни айтиб яхши қилмаган эди.

Энди Абу Мансур бу рисолалар Шайхнинг ўз таснифларидан эканини ва у буларни ўша кунги чеккан ҳижолатига жавобан ёзганини фаҳмлади. Шундан сўнг у гинани қўйиб, (Шайхдан) узр сўради. Кейин Абу Али тилга оид китоб ёзди ва уни "Лисон ал-араб" ("Араб тили") деб атади. Тил ҳақида бундай китоб ёзилмаган эди. Лекин Шайхнинг вафотигача ҳам оқقا кўчирилмай қолиб кетди ва бирорта одам жазм қилиб уни тартибга ҳам келтирмади.

Шайх bemорларни даволаш жараёнида кўп тажриба ҳосил қилди. Буларни "ал-Қонун" китобига киритмоқчи бўлди, ҳатто буларни бўлимларга ажратиб ҳам чиқди. Лекин булар "ал-Қонун" китоби ёзиб тутатилишидан олдин йўқолиб кетди. Ўшандай тажрибалардан бири мана бу эди:

Кунлардан бир куни (Шайхнинг) боши оғриб қолди; у эса модда мия пардасига тушмоқчи ва натижада унда шиши пайдо бўлиши хавфи туғилади деб ўйладида, кўп муз олиб келишни буюрди. (Музни) майдалаб латтага ўради ва у билан бошини ёпиб қўйди. То оғриган жой қувват топиб ўша моддани қабул қилмайдиган бўлгунча бу ишни давом эттириди ва натижада тузалди.

(Тажрибаларидан) яна бири:

Хоразмда сил касали билан оғриган аёлга шакардан қилинган гулқанддан бошқа дори тановул қилмасликни буюрди. Ҳатто у хотин бир неча кун давомида юз манн (гулқанд) тановул қилди ва ниҳоят шифо топиб тузалиб кетди.

Шайх Журжонда "ал-Мухтасар ал-асғар фи-л-мантиқ" ("Кичик қисқартирилган мантиқ") асарини ёзган бўлиб, уни кейинчалик "ан-Нажот"нинг бош қисмига қўйди. Бу китобнинг бир нусхаси Шерозда пайдо бўлиб, у ердаги илм аҳллари унни ўқиб чиққан ва ундағи баъзи масалалар ҳақида уларда шубҳа пайдо бўлган. Кейин улар (саволларини) бир даста қоғозга ёзишган; Шероз қозиси ҳам шулар жумласидан экан. У қоғозларни мунозара илми билан машгул бўлган Иброҳим ибн Бобо ад-Дайламийнинг дўсти Абулқосим ал-Кирмонийга ўйллаган. Унга яна Абулқосимга ёзилган ҳатни ҳам қўшган. Бу икки ҳатни

<sup>1</sup> Бу ҳақда Ибн Сино "Қонун"да ҳам гапиради. "Қонун", III китоб, биринчи жилд, 503-бетига қаранг — ред.

(Исфаҳон томонга) кетаётган отлиқ қўлига тутқазиб, уларни шайх Абу Алига топширишни ва ундан жавоб ёзиб беришни сўрашни уқтирган.

Ниҳоят, жазира маисиқ куннинг қуёш оққан пайтида Абулқосим Шайх ҳузурига кириб келди ва унга хат ва (саволлар ёзилган) қофозларни топширди. Шайх ҳатни ўқиб Абулқосимга қайтариб берди, (саволлар ёзилган) қофозларни эса ўз олдига ёйиб қўйди. У ерда ҳозир бўлғанлар ўзаро гаплашар, Шайх эса қофозларга қараб ўлтирас эди. Сўнгра Абулқосим чиқиб кетди, Шайх менга оқ қофоз келтиришни ва уни бир неча тўп қилиб қирқиб қўйишни буюрди. Мен унга беш тўп қофоз тайёрладим, уларнинг ҳар тўпи чорак фиръавний ҳажмдаги ўн варақдан иборат эди. Биз хуфтон намозини ўқидик. Шам келтирилди, Шайх шароб келтиришни буюрди, мени ва укасини ўтқазди ва шароб ичинглар, деб буюрди. Ўзи бўлса ҳалиги саволларга жавоб ёзишга киришди. У жавоб ёзар, ора-чора ичар, шу тариқа ярим кеча бўлди. Мен билан укасини уйқу босди ва бизларни кетишга буюрди. Саҳар пайти эшик тақиlldади, (чиқиб) қарасам Шайхнинг юборган одами экан, мени чақиририб юбориби. Кириб келсан, Шайх жойнамоз устида ўлтирас, олдида эса беш тўп қофоз турар эди.

"Мана буларни олгин-да,— деди Шайх — Абулқосим ал-Кирмонийга жўнат: Унга шуни айтиб қўй, чопар йўлидан кечикмасин деб, саволларига шошилинч равища жавоб ёздим".

Мен (жавобни) Абулқосимга олиб борганимда, у ниҳоятда таажжубда қолди, чопарни жўнатиб бу воқеадан уларни хабардор қилди. Бу ҳодиса халқ ўртасида бир тарихий воқеа бўлиб қолди.

Шайх юлдузлар устида кузатиш ишларини олиб боргандা ўз даврига қадар бўлмаган асблолар ихтиро қилди. Бу тўғрида у бир рисола ҳам ёзди. Мен бўлсан саккиз йил давомида кузатув ишлари билан банд бўлдим, бундан мақсадим Батлимуснинг ўз кузатишларида айтган гапларини аниқлаш эди. Менга бу масалаларнинг баъзилари аён бўлди.

Шайх "Китоб ал-ансоғ" ("Инсоғ китоби") деган асар ёзди. Султон Масъуд Исфаҳонга бостириб кирган куни унинг аскарлари Шайхнинг уйини талон-торож қилди, бу китоб ҳам ўша ерда эди ва ундан асар ҳам қолмади.

<sup>1</sup> Бу воқеа 1029 йили бўлган.

Шайхнинг барча қувватлари қучли эди, айниқса унинг мужомаат ишида шаҳвоний қуввати энг зўр ва қучли эди. У бунга қаттиқ берилган бўлиб, бу нарса унинг мизожига ҳам таъсири қилган эди. Шайх эса ўз мизожига қучига қаттиқ ишонган эди. Бу кайфият унда Караж дарвозаси олдида Алоуддавла билан Тошфарош ўртасида уруш бўлган йили қуланж касали тутгунга қадар давом этди. Шайх тезроқ тузалиш ҳаракатига тушди, чунки (Алоуддавланинг) енгилиш хавфи бўлиб, бундай касал ҳолида ҳаракат қилиши қийин эди. Шунинг учун у кунинга саккиз мартараб ўзига ўзи ҳуқна (клизма) қилди. Натижада баъзи ичаклари яраланиб, шилиниб ҳам кетди. (Шайх) Алоуддавла билан бирга ҳаракат қилиб шошилинч равища Изаж томонга жўнашга мажбур бўлди. Бу ерда қуланж оқибатида Шайхни тутқаноқ тутиб қолди. Шунга қарамасдан у ўзига-ўзи тадбир қилиб, ичак шилиниши ва қуланж қолдиқларига қарши ҳуқна қилишда давом этди. Бир кун ҳуқна қиладиган нарса ичига икки донақдан карафс (селдерей) уруғи аралаштиришни буюрди, бу билан ичидағи елларни ҳайдамоқчи эди. Уни даволаётган табиблардан бири карафс уруғидан беш дирҳам<sup>2</sup> солиб юбориби. Буни у атайлаб қилдими ё янглишдими, мен билолмадим, чунки мен бу иш устида бўлмаган эдим. Шу уругнинг ўткирлигидан ичак шилиниши<sup>3</sup> зўрайиб кетди. Тутқаноққа қарши митридат дорисини<sup>4</sup> ичар эди. Хизматкорларидан бири (митридатга) кўпроқ афюн қўшиб берган ва Шайх уни ичган. Бунинг сабаби шу эдик, улар Шайхнинг кўп молига хиёнат қилган бўлиб, ўз қилмишларининг оқибатидан қўрқар ва шунинг учун унинг ўлимини кутган эдилар.

Шайхни шу аҳволда Исфаҳонга олиб келишди, у эса ҳамон ўзига-ўзи тадбир қилар эди. Зифликдан шу даражага етдики, ҳатто ўрнидан туришга ҳам мажоли келмай қолди. Лекин у ўзини-ўзи даволашдан тўхтамади, ҳатто юришга қурби келиб, Алоуддавла мажлисига ҳам қатнаша оладиган бўлиб қолди. Аммо у шундай ҳолатда бўлишига қарамай, ўзини сакламади, мужомаат ишларини кўпайтираверди. У дардан бутунлай тузалиб кетмади, дарди баъзан қайталар ва баъзан аҳволи енгиллашар эди.

<sup>1</sup> Куланж оқибатида баъзан тутқаноқ тутиши ҳақида "Қонун"да ҳам айтилган. III китоб, иккинчи жилд, 202-бет. — Ред.

<sup>2</sup> Донақ — 0,5 гр., дирҳам — 2,9 гр.— ред.

<sup>3</sup> Митридат — таркибига афюн ва бошқа кўп нарсалар солиб тайёрланадиган мураккаб дори — Ред.

Шу вақт Алоуддавла Ҳамадон томонга юриш бошлади, Шайх у билан бирга сафарга чиқди. Йўлда, ҳали Ҳамадонга етиб бормаслариданоқ Шайхнинг дарди яна қайталади. Энди у бутунлай кучдан қолганини ва касалликни даф қилолмаслигини англади, натижада ўзини-ўзи даволашдан тўхтади. Шунда Шайх: "Танамни идора қилаётган мудир, уни тузатишдан ожиздир, энди бундан буён муолажа фойда бермайди", деди.

Шайх шу ҳолатда бир неча кунни кечирди, кейин у тангри даргоҳига кўчди. У эллик саккиз йил умр кўрди, вафот этган йили тўғт юз йигирма сakkизинчи эди, туғилган йили эса уч юз етмишинчи эди, унинг қабри Ҳамадонда, унинг қибла томонидаги девор тагида".

Абу Убайд ал-Жузжонийнинг Шайх ар-Раис ҳақида айтганинларининг охири мана шу.

### АЛ-ЖУЗЖОНИЙНИНГ "АШ-ШИФО"ГА ЁЗГАН МУҚАДДИМАСИДАН

Менинг ҳикмат ва фалсафа илмларига бўлган ишқибозлигим, маърифатга астойдил иштиёқим ўз юртим, мамлакатимни тарқ этиб, худо умрини узун қилирга шайхурраис Абу Алига эргашиб шаҳарма-шаҳар юришга мажбур этди. Нега десангиз, у ҳақда эшишиб, юрган гапларга разм солсам, илм маърифатда зикр қилинадиган бундай улуғвор шахслар ва шундай соҳаларда ном чиқарган кишиларга нисбатан ҳам Абу Алига мойил бўлгим келарди.

Ўшанда эшигандаримга қараганда, Абу Али ҳали ёш ва ўсмирлик чоғида, ҳатто ёши йигирмадан ошмаган даврида ҳам бу илмларда маҳорат қозонган экан. Эшишимча Абу Али кўп асарлар таълиф қилган, шу билан бирга бирорга илм-маърифат беришдан қизғанмайдиган ва ўз асарларидан бошқаларнинг нусха олишига рағбати зўр одам экан. Шунинг учун ҳам мен уни йўқлаб топишни ният қилдим, ростдан ҳам Абу Али мен ўйлагандек одам бўлиб чиқди.

Ундан ажралмайдиган бўлдим ҳамда унинг асарлар таълиф қилишига доим катта аҳамият бердим, борди-ю, асарлар таълиф этган бўлса, бу асарлар нусхаларини эҳтиётграб сақлаш зарурлигини Абу Алидан ўтиниб сўрар эдим. Бу борада қилган жонбозликларимнинг нафи тег-

<sup>1</sup> Ибн Аби Усайбиада йиллар янгилиш берилган. Байҳақий ва Ибн ал-Кифтий матнларига қараб тўғриланди.

ди... Шундай қилиб, Журжондалигида, ёши ўттиз иккига яқинлашганида, уни ахтариб топдим. Ўшанда Абу Али сultonнинг хизматида, унинг ишларини идора қилиш билан машгул эди. Бундай ишлар унинг кўп вақтини оларди. Мен эса, унинг озигина бўлса ҳам қулай фурсатни топиб, мантиқ ва тибиётдан оз-моз айтиб турсангиз, мен уни ёзиб олсан, деган талаб қўйдим.

Мен йирик-йирик асарлар ёзишга давъат этадиган бўлсан, у ўз юртида қилган шарҳлари ва ёзган китобларини эслатар эди. Илгари ўз шаҳрида ёзган китоблари кўпчиликка тарқалиб кетганини ва айрим китоб муҳиблари, улардан нусха кўчириб олмасинлар, деб қизғаниб, бирорга бериб турмасликлари ҳақида ҳам эшигган эдим.

Абу Али мабодо бирор асар ёсса, ўзи учун дастхатини сақлаб қўймас экан. Ёзганларини устидан ўқиб, таҳрир қилмас, ҳатто уни оққа кўчириш одати ҳам йўқ экан; бирор қайси мавзуда асар ёзиб беришни илтимос қилса, ўша фанни оғзаки айтиб туар, у эса ёзиб одар экан. Ҳатто ўзи таълиф қилса ҳам, уни бир нусха ёзар экан-да, ўша нусхани ҳам сўраган кишига бериб юборар экан. Ана шу туфайли ҳам унинг ёзган нарсалари йўқолиб кетиб бошқатдан заҳмат ва мashaққат чекишга тўғри келар эди. Кейинроқ китоб нусхалари ўзида ҳам қоладиган бўлди. Мен у билан бир неча йил бирга яшадим. Бу борада Абу Али билан Журжондан Райга ва Райдан Ҳамадонга кўчиб бордим. Абу Али Шамсуддавланинг вазири лавозимида ҳам ишлади. Шайхнинг бу вазифа билан машгул бўлиши бизга қайғу ва ҳасрат келтирди, чунки унинг кўп вақти зое кетар эди.

Абу Али йўқолган асарларининг бирор нусхасини кўлга киритиш амри маҳол эди, шу туфайли бундай орзудан ҳам воз кечишга мажбур бўлар эдик. Шунда биз Шайхдан ўша асарларни қайта ёзиб беришни илтимос қилганимизда:

— Ўшал иборатлар ва уларнинг шарҳлари билан қайта бор банд бўлишимни вақтим тақозо этмайди,— дерди,— уни ёзиб чиқишга фурсатим ҳам йўқ. Агар ўзимда борларига қаноат қилсанглар, яқин орада, имкониятимга қараб, таъбимга тўғри келадиган тартиб билан мукаммал бошқа бирор асар ёзиб берарман!

Биз Абу Алининг бу фикрига розилик билдиридик. Ишнинг аввалини табииётдан бошлашга умид боғладик. Шу тариқа у ишга киришиб кетиб, йигирма варақ ёзди,

лекин кутилмаганда, сultonнинг бунга монелик қиласиди  
иши чиқиб қолди ва Шайх ёзувини тұхтатди.

Бу борада замон Шайхга ўз зарбаларини берар,  
охир-оқибатда подшолик билан бўлган муносабатлари  
узилиб, Ибн Сино бу давлатда тура олмаслигини ва  
сulton хизматини бажара олмаслигини билиб, бу юртдан  
чиқиб кетиш фурсатини ва имконини кутиб, беркиниб  
ётишни лозим топди.

Мен шундай пайтларда, Шайхнинг бўш вақтларини  
ғанимат билиб, "Китоб аш-шифо"ни тутгатишни масалаҳат  
бердим. Шайхга гапим маъқул тушиб, ғайрат билан  
ёзишга киришди ва китобнинг табииёт ҳамда илоҳиёт  
қисмини тамомлади, лекин асарнинг "ал-Ҳайвон" ва  
"ан-Набот" қисми битилмай қолди. Шайх бу таълифларини  
ёзаётib бирор китобга қарамади, фақат хотирасига  
суюниб, уни йигирма кунда тутгади. Кейин, яшириниб  
ётганча, "аш-Шифо"нинг мантиқ қисмини ёзишга кириш-  
ди, дастлаб бу бобнинг муқаддимаси ва унга боғлиқ  
қисмларини ёзиб чиқди.

Кейин ўша мамлакат давлат арбоблари Абу Алининг  
яшириниб юришидан жаҳллари чиқди ва унинг бу ердан  
қочиб кетиш хавфи борлигини пайқаб қолиб, ниятига  
монелик қилмоқчи бўлдилар, чунки улар Шайхнинг ўзи  
яшаб турган ана шу юртдан бошқасига ўтиб кетишини  
қандайдир бир ҳийла ёки душман томонга мойиллик  
пайдо қилиш деб тушунар эдилар.

Бу борада Ибн Синонинг холис хизматкорларидан  
бири, қулай фурсатни қўлдан бой бермай, унинг мол  
дунёсидан фойдаланиб қолиш ниятида, Шайхни ҳалокатга  
дучор қилмоқчи бўлди-да, қидириб юрган ғанимларига у  
беркиниб ётган жойни кўрсатиб қўйди. Ана шу одамлар  
Абу Алининг яхшиликларини билмадилар; агар Шайхнинг  
уларга кўрсатган яхшиликларини билгандарда, бу но-  
маъқул ишни қилмас эдилар. Ибн Сино беркиниб ётган  
еридан ушлаб олган одамлардан ўзини Фараджон қаль-  
асига қўйиш ваъдасини олди.

Бу воқеалар тинчб қолганига ва гаво кўтарғанлар  
уни ташлаб кетганига қадар тўрт ой чамаси ўша қальада  
маҳбусликда туриб қолди. Кейин Абу Али ибн Сино  
тутқунликдан бўшатилди, ҳатто вазирликка қайтиб ке-  
лиши ҳақида ҳам таклиф бўлди. Лекин Абу Али бу  
таклифга жавобан ўз узрини айтиб, ўйлаб кўришга  
муҳлат сўради, узри қабул бўлиб, мулоҳаза қилиб  
кўришга муҳлат берилди.

Абу Али ана шу вақтлар мантиқ билан шуғулланарди  
ва бу борада зарур бўлган китобларни қидириб топиб,  
бир-бирига қиёслади. У асарини ёзища мантиқшунос  
олимлар тутган йўлдан, улар тартибига амал қилган  
ҳолда иш кўрди; уларнинг сўзидан ўзига маъқул  
бўлганларини олди, маъқул тушмаганларини танқид қил-  
ди, шунинг учун мантиқ қисми мўкаммал, кенг бўлди  
(тўққизта китоб — А. И.) ва Исфаҳонда тугалланди.

Аммо риёзиёт — математикага оид таълифларини Абу  
Али илгарироқ, (қўл теккан вақтда) қисқароқ қилиб  
ишлиб қўйган эди, кейин уларни ўша ўйлаб юрган  
"аш-Шифо" китобига қўшишни лозим кўрди.

Энди Ибн Сино "аш-Шифо"нинг битказолмай юрган  
"ал-Ҳайвон" ва "ан-Набот" қисмларини ҳам тугаллаб,  
баридан тамоман қутилди. "Китоб ал-Ҳайвон"нинг кўп  
саҳифаларини файласуф Арастунинг китобига қиёслади  
ва унга анча-мунча қўшимчалар қўшди. Ўшанда у қирқ  
ёшга тўлган эди.

Буларни ҳикоя қилишдан мақсадим лафзларни  
шарҳлашда Ибн Сино тортинишининг сабабларини ман-  
тиқ китоблари билан Шайхнинг ўз китоблари тартиби  
орасидаги турлиликни, табииёт ва илоҳиёт китоблари  
орасидаги ихтилофларнинг боисини китобхон тушуниб  
олиши учун эди, холос. Шу билан бирга табииёт ва  
илоҳиёт ҳақидаги китобларни шунча иш ва ташвишларга  
қарамай, бунинг устига, бирорта, китоб кўрмасдан, ёддан  
айтиб ёздиргани, йигирма кун ичида уларни ёзиб улгу-  
риши, бинобарин, Шайхнинг нақадар зўр иқтидори бор-  
лигидан китобхонни хабардор қилиб, уларни ҳам  
ҳайратда қолдириш учун эди, холос.

Кимки Ибн Сино китобини қўлига олиб, ибрат кўзи  
билан қараса, ундаги нукта, нодир фикрлар, фарқ ва  
баёнотларга, ўтмишнинг ўзга олимлари китобида учрама-  
ган кўп нарсаларга дуч келади.

## АБУ АЛИ ИБН СИНО АСАРЛАРИ

Абу Али ибн Сино асарлари рўйхатини дастлаб унинг  
шогирди Абу Убайд ал-Жузжоний. ёзган эди. У киши  
Ибн Сино асарларининг ёзилиш сабабларини яхши биладиган  
киши эди. Зотан у йигирма беш йил давомида  
то аллома ўлим тўшагида ётгунга қадар у билан ҳамроҳ

<sup>1</sup> Бу тўрт бўлимдан иборат бўлиб, унга ҳандаса, ҳисоб, музика,  
астрономияга доир таълимотлар кирган эди.

бўлди, ҳатто асарлар таълиф қилишга алломани ундар, баъзиларини то ёзилмагунига қадар тиниб-тинчимас эди. Ниҳоят, Абу Убайднинг қаттиқ туриб олганлиги туфайли устод Абу Али бир қанча асарлар таълиф қилганлиги унинг эсдаликларидан маълум. Ундан кейинги даврларда ҳам Ибн Сино асарларига кўплаб библиографиялар тузилди. Аммо библиографик китоб сифатида янги даврда ҳам бир қанча таълифлар юзага келди. Кейинги даврда пайдо бўлган бундай асарлар сирасига кирадиган китоблардан биринчиси забардаст турк олими Усмон Эргин қаламига мансубдир. У киши Туркия кутубхоналарида тўпланиб қолган Ибн Сино асарларини кўриб, бу ҳақда асар ёзмасдан туролмади. Чунки Туркия, хусусан, Истамбул кутубхоналарида сақланиб турган Ибн Сино қўлёзма асарларини кўриб, бу борада кўпчиликка фойда келтирадиган олижаноб ишни бажо келтирди. 1937 йили у ўз библиографиясини Истамбулда нашр этди. Муаллиф бу асарида Ибн Синога тааллуқли 223 та асарни ҳамда унинг асарига битилган шарҳ, бажо келтирган қисқартма, таржималарнинг 119 таси рўйхатини келтирган эди. Усмон Эргин бу асарини 1956 йили қайтадан нашр этди. Библиографиянинг иккинчи тўлдирилган нашрида алломанинг Истанбул кутубхоналарида сақланаётган асарлари сони 242 га, қисқартирма, ҳошия, таржималар сони эса 127 га етади. Шу билан бирга библиограф Ибн Сино асарларини 1593 йилдан то 1955 йилгача, яъни муаллифнинг библиографияси иккинчи бор нашр этилгунгача ўтган вақт ичida босилган китоблар рўйхатини ҳам берган — бу ҳам ўта муҳим бир иш — унга 99 та китоб номи кирган.

Ундан кейин 1950 йилга келиб араб олими Жорж Шаҳота Қанавотий Қоҳирада "Ибн Сино таълифлари" ("Муаллафат Ибн Сино") деган китобини нашр этди. Бунда Ибн Сино қаламига мансуб бўлган 276 қўлёзма асарлар рўйхати, сақланадиган ўрни, вараги ҳақида маъдумот келтирилган. Ҳар бир асар ҳақида ёзганида муаллиф унинг қўлёзмалари ҳақида, унинг қайси ерларда сақланиб келинаётгани ва ҳатто уларнинг босилганидан хабардор бўлса, уларни ҳам битган. Сўнгра араб олими Фуод Сайид Миср миллий кутубхонасида сақланаётган Ибн Синонинг асарлари, унга битилган шарҳлар ҳақида ёзган библиографик китобини нашр этди (Қоҳира, 1950). Ундан сўнг эрон олими Яҳё Маҳдавий ўзининг библиографик асари "Фиҳристи насхаҳои мусаннафоти Ибн Сино" ("Ибн Сино асарлари нусхаларининг фиҳристи")ни

нашр этди (Теҳрон, 1954). 1955 йилга келиб Тошкентда Содиқ Мирзаев ўзининг библиографик асари "Ибн Синонинг Шарқшунослик институтида мавжуд асарлари" (библиографияси)ни нашр этди. 1982 йилга келиб Б. Ваҳобова рус тилида "Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти тўпламида Ибн Синонинг қўлёзма асарлари" деган библиографиясини чоп этди.

Биз қуйида Ибн Синонинг асосий асарлари рўйхатини келтирамиз. Алломанинг фикр доирасини билиб олмоқчи бўлғанлар булардан етарли маъдумот оларлар, деган фикрдамиз. Китобнинг келтирилган арабча номларидан унинг мазмуни англашилса, уни шундайлигича таржимасиз қолдирмиз. Бордию асар номлари таржимасиз англашилмаса, унинг номларини, таржимасини ҳам келтирамиз. Ўқувчига енгиллик бериш учун баъзи китоб номларининг фақат ўзбекласинигина келтирдик.

## ИБН СИНО АСАРЛАРИ РҮЙХАТИ

1. Абу Райхон Берунийга ёзилган ўн олтита жавоблари (ақл ва борлик ҳақидаги турли-туман масалалар).
2. Абу Райхон Берунийга ёзилган ўн масалага жавоблар.
3. Ал-Ишорат ва ат-танбиҳот.
4. Ҳикмат илмларининг бўлиниши ҳақида.
5. Ҳикматга оид Ибн Синонинг айтганилари.
6. ал-Ансоф (бу ўн жилдан иборат асар. Унда Аристотелнинг барча китобларига шарҳ ёзилган).
7. Таҳсилот Баҳманёр (Баҳманёр эгаллаганлари). Баҳманёр Ибн Синонинг озарбайжонлик севимли шогирди, ҳатто аллома ўзига келган илмий ва фалсафий саволларга жавоб ёзишни кўпинчашу шогирдига топширган. Устозидан саккиз йил кейин вафот этган.
8. Ат-Таълиқот — таълиқлар, шарҳлар. Бу асар ҳам босилган.
9. Фи-л-ҳудуд — таърифлар ҳақида. Бунда етмишга яқин фалсафий масалалар, истилоҳлар қаламга олинади.
10. ал-Ҳикмат ал-арудия. Бу кичик рисола ҳам нашр этилган.
11. Ҳикмат алоия — Алоий ҳикмати — фалсафаси.
12. ал-Ҳикмат ал-мушриқия. Буни баъзан "Фалсафат ал-мушриқия" ёки "Ишроқий фалсафаси" деб ҳам атайдилар.

13. Донишнома ёки донишномайи Алоий (Алоий донишномаси) деб атайдилар. Бу алломанинг форсийда ёзган йирик асари. Бу китоб қўп қисмларга бўлинади: унда мантиқ, илоҳиёт, табииёт, ҳандаса, астрономия, арифметика, музика каби соҳалар ҳақида баҳс этилади. Китоб рус тилига тўла таржима этилган.

Аш-Шифо. Номидан баъзан уни муаллифнинг табобатга оид асари бўлса керак, деб ўйлайдилар. Аслида эса бу фалсафий маънодаги асар. Унга ўша даврда мавжуд бўлган илмнинг барча масалалари қамраб олинган. Китоб тўрт қисмдан: мантиқ, табииёт, риёзиёт — математика ва илоҳиётдан иборат. Бу Аристотелнинг "Органон"ига ўхшаш китоблар мажмусидан иборат. Мантиқ — 9 китоб, табииёт — 8 китоб, риёзиёт — 4 китоб ва бир китоб илоҳиётдан иборат бўлиб, "аш-Шифо" асари 22 китобни ташкил қиласди.

## I. МАНТИҚ ҚИСМИ:

14. (1). Мантиққа кириш. Баъзан "Исогўчи" деб ҳам юритилади.

15. (2). Мақулот — категориялар.
16. (3). Ал-Иборат — интерпретация.
17. (4). Қиёс — силлогизм.
18. (5). Бурҳон — исбот, далил.
19. (6). Ал-Жадал — диалектика.
20. (7). Сафсата — софистика.
21. (8). Ал-Хитоба — риторика.
22. (9). Аш-Шеър — поэтика. Асар "Шеъриёт тўғрисида" деб ҳам аталади.

## II. ТАБИИЁТ

23. Ас-Симов ат-табиий — табиат фанидан эшитувлар. Бу ерда муаллиф ўз китобини талабаларга ўқиладиган лекцияларга ўхшатаяпти. Шунинг учун уни эшитувлар деб атаяпти.

24. Осмон ва Олам. Бу ердаги "олам"дан Мурод-Ердир. Муаллиф гўё "Осмон ва Ер" деган китоб ёзаяпти.

25. Ал-Кавн ва-л-фасод — Борлик ва бузилиш. Бу ерда борлик деганда модданинг бор бўлиши ва бузилиши

деганда унинг туси ўзгариб, бир турдан иккинчи турга айланиши, бошқа шаклга ўтиши ҳақида сўз боради.

26. Ал-Афъол ва ал-инфирматик — таъсир ва таъсирланниш.

27. Ал-Маодин ва осор ал-улвия-маъдан — минераллар ва метеорология.

28. Китоб ан-нафс — жон ҳақида китоб.

29. Китоб ан-набот — ўсимликлар, яъни ботаника ҳақида китоб.

30. Китоб ал-ҳайвон — ҳайвонот олами ҳақида, яъни зоологияга оид китоб.

### III. РИЁЗИЁТ

31. Илм ал-фалак (Фалакиёт илми).

Қоҳирада нашр бўлишига кўра шундай, лекин Қановатий библиографиясида "Китоб ал-мажистий"— "Алмагеста китоби" номи билан келтирилган. Бу, асосан, Птоломей китоби асосида ёзилган бўлғанлиги учун баъзан "Талхис китоб Батлимус фи-т-таолим" ("Птоломейнинг таълим тўғрисидаги китобининг қисқартмаси") деб ҳам юритилган. Бу асар чоп этилган.

32. Усул илм ал-ҳандаса (геометрия илми усула-ри) — чоп этилган.

33. Арифметика — чоп этилган.

34. Музика илми — чоп этилган.

### IV. АЛ-ИЛОҲИЁТ.

35. Бу асар Текронда ва икки жилд бўлиб Қоҳирада чоп этилган.

"Аш-Шифо" туркумига кирган бу асарларнинг ҳар бири ўз мавзуига кўра алоҳида, мустақил бир китоб, лекин Ибн Сино уларнинг ҳаммасини инсон руҳига шифо бўладиган бир "дору" деб билган. Шу боисдан аллома бу турдаги асарларни Аристотель туркуми бўлмиш — "Органон"га ўхшатма қилиб тартиб берган. Зоро Аристотелнинг бу асари ҳам кўп жилдликни ташкил этадиган асар эди.

Шундай қилиб, биз бу ерда Ибн Синонинг "аш-Шифо" туркумига кирган асарларини келтирдик, энди алломанинг бошқа асарлари рўйхатини баён этамиз:

36. Уюн ал-ҳикма — ҳикмат ё фалсафа булоги.

37. Уюн ал-масоил — масалалар булоги.

38. Фусул ва масоил — фасллар ва масалалар (Ибн Синодан сўралган масалаларга унинг жавоблари).

39. Фавоид Аристотолис ва Афлотун — Аристотель ва Платон асарларидан кўзланган фойдалар.

40. Ал-Мабоҳисот. Бу асар фалсафий масалаларни тортишув тарзида баён этган йирик ва салмоқли асар.

41. Ал-Мажолис ас-сабъа. Етти мажлис — бу аш-Шайх Омирий деган файласуфга жавобан ёзилган китоб.

42. Ал-Масоил ал-ҳикамия. Бу асар "Йигирма беш масъала", "Ҳикматга оид ажойиб рисола" деб ҳам юритилади.

43. Ан-Нажот. Бу асар "аш-Шифо"нинг қисқарган тури бўлиб, бу ҳам табииёт, илоҳиёт, риёзиёт қисмларидан иборат. Чоп этилган.

44. Ал-Ҳидоя. Асар, асосан, мантиқ, табииёт ва илоҳиёт мавзуларини қамраб олган.

45. Уржузат фи-л-мантиқ. Мантиқ масалаларига оид шеърий достон. Чоп этилган.

46. Соғлиқни сақлаш — гигиена ҳақида уржуза — шеърий достон.

47. Йилнинг тўрт фасллари ҳақида уржуза — шеърий достон.

48. Анатомия ҳақида уржуза — шеърий достон.

49. Гиппократ васиятлари ҳақида уржуза.

50. Тажрибадан ўтган амалиётлар ҳақида уржуза.

51. Тиббий насиҳатлар ҳақида уржуза.

52. Алоқа ҳақида уржуза.

53. Табобат ҳақида уржуза. Бу Ибн Синонинг тиббий уржузаларининг энг йириги.

54. Гиппократнинг ўлимга далолат қиладиган йигирма беш масъаласи ҳақида уржуза.

55. Уржузат фи-л-ҳаммиёт — безгак ҳақида уржуза.

56. Талхис ал-мантиқ — мантиқнинг қисқартмаси.

57. Ал-Масоил ал-ашара фи-л-мантиқ — мантиқда оид ўн масала.

58. Худус ал-ҳуруф — ҳарфларнинг пайдо бўлиши.

59. Шайх шеърлари.

60. Осмон жисмлари.  
 61. Чақмоқ ва яшин сабаблари.  
 62. Нур ёришуви.  
 63. Ал-кавн-ва-л-фасод — борлик ва бузилиш китобининг қисқаргани.  
 64. Жавҳар ва араз — фалсафадаги субстанция ва акциденция масаласига доир.  
 65. Жисмларнинг таърифи.  
 66. Худус ал-ажсом — жисмларнинг пайдо бўлиши ҳақида.  
 67. Савол ва жавоблар.  
 68. Узунига ва ёнига.  
 69. Табиий илм.  
 70. Ал-Фарқ байн ал-ҳарорат ал-ғариза ва ал-ғарива. Табиий ҳарорат билан ажойиб ҳарорат ўртасида фарқ.  
 71. Фалакий нафс.  
 72. Ан-ниҳоя ва-л-лониҳоя — чеклидик ва чексизлик ҳақида.  
 73. Найрангжот.  
 74. Аҳвол ан-нафс — нафс-жоннинг аҳволи ҳақида.  
 75. Бақсуу ан-нафс ан-нотиқа — нутқли нафс, яъни нафснинг боқийлиги ҳақида.  
 76. Тазкият ан-нафс — нафс покизалиги ҳақида.  
 77. Нафснинг баданга тааллуқлилиги ҳақида.  
 78. Инсон нафси — нафси нотиқа ҳақида ўнта далил.  
 79. Ҳақиқат ал-инсон — Инсон ҳақиқати ҳақида рисола.  
 80. Ҳақиқат ар-руҳ — Руҳ ҳақиқати ҳақида рисола.  
 81. Арастунинг "Жон ҳақида" китобига форсча шарҳ.  
 82. Абу Саид ибн Абулхайрнинг "Сувари маъқула" ҳақидаги саволларига жавоблар.  
 83. Қасидат ал-айния ар-рухия фи-н-нафс — нафс-жон ҳақида, (мисра охири "айн" билан тугайдиган қасида). Бу 21 байтдан иборат қасида бўлиб, бунда жон бир кабутарга ўхшатилади. Бу қасидага жуда кўп олимлар шарҳлар битганлар. Шарҳлар қўллёзма ҳолида сақланади. Улардан Истанбулнинг Аясуфия кутубхонасида сақланандиган бир нусхаси (инв. № 4073) 100 варақ (одатда қўллёзмаларда варақ ҳисобга олинади), варақнинг аввалги бети "а", орқаси эса "б" ҳисобланади. Истанбулнинг Велиюддин Якун кутубхонасидаги нусха (инв. № 1637)

- 200 саҳифадан иборат. Яна 160 варақ, 50 варақ, 16 варақ ва ундан оз-кўп шарҳлар ҳам ёзилган.  
 84. Ал-Қиво ал-инсония ва идрокатиҳо (Инсон, қувватлари ва унинг идрок қилишлари).  
 85. Мухтасар Арасту фи-н-нафс (Аристотелнинг "жон" ҳақидаги асари қисқартмаси).  
 86. Руҳ аҳволи ҳақида.  
 87. Ибн Синодан (Ибн Зайла ва Абу Райхон) сўралган саволларга жавоблар.  
 88. Нутқли нафс ва унинг аҳволи ҳақида.  
 89. Нафсни билиш ҳақида — форсча.  
 90. Нафс ва ақл ҳақида.  
 91. Юсуф қиссаси.  
 92. Юрак дорилари. Нашр этилган, туркча, ўзбекча таржимаси ҳам бор.  
 93. Ал-Ағзия ва-л-адвия — гизо ва даволар.  
 94. Ақрабодин — қарабодин.  
 95. Тахлит ал-ағзия — гизоларнинг аралашуви.  
 96. Аъзоларнинг анатомияси ҳақида.  
 97. Соғлиқни сақлаш ҳақида. Бу соғлиқни сақлаш ҳақидаги ёзилган шеърий уржуза эмас, алоҳида наср билан ёзилган тиббий асар.  
 98. Хасб ал-бадан — бадан соғлиги. Бу юонон олими Гален рисоласининг таржима ва шарҳи.  
 99. Дастури тиббий — табиб дастлаб билиши керак бўлган нарсалар. Бунда тезда даволаниши лозим бўлган хасталиклар, унинг чоралари, хаста ёши, яшаш шароитига кўра даволаш масаласи ҳақида гап боради.  
 100. Инсон баданидан умумий зарарларни даф қилиш ҳақида.  
 101. Саодат ва-л-иқбол. Инсон баданида бошдан оёққа қадар юз берадиган касалликларнинг юз бериши, унинг даволари ҳақида. Табобатнинг умумий қоидаси, ейимлик-ичимликлар, бирор аъзога ё бутун жасадга хос бўлган касалликлар ҳақида ҳам сўз юритилади.  
 102. Сиканжубин (Бу сирка ва асал дегани) — ўзбекчага таржима ҳам қилинган.  
 103. Бадан сиёсати ва шароб фазилати.  
 104. Ал-фасд — қон олиш йўл-йўриқлари, қон олинидиган томир номлари, қай вақтда қон олиниши кераклиги, қон олингач, қилинадиган чоралар ҳақида.

105. Фусул фи-т-тиб — тибдан фасллар. Бунда турли-туман тиббий масалалардан 58 фаслда сўз юритилиди.

106. Ал-фусул ат-тиббиёт. Бу асар 125 фаслдан иборат.

107. Фавоид аз-занжабил. Занжабил фойдалари ҳақида шеърий асар.

108. Тиб қонунлари. Бу беш жилдга бўлинган. Ўзбек ва рус тилларига таржима этилиб икки бор нашр этилган. Асарнинг учинчи жилди ҳажм жиҳатдан катта бўлганилигидан икки қисмда нашр этилган. Шундан ўзбекча ва русча нашрлари олти жилдан бўлган.

109. Ал-қиво ат-табия — табиий қувватлар ҳақида. Бу Абу-л-Фараж ибн ат-Таййибининг табобатга оид рисоласига раддия сифатида ёзилган рисола.

110. ал-Қуланж — йўғон ичак яллиғланиши, колит ҳақида.

111. Масоилу Ҳунайн — Ҳунайн ибн Исҳоқнинг табобатга оид мақолалари хусусида ёзилган асар. Бунда Ибн Сино Ҳунайн билан бир қаторда Галенга ҳам жавоб ёзади. Дастреб улар келтирган ибораларни ёзиб, кейин уларга жавоб ёзади.

112. Ал-масайл ат-тиббия — тиббий масалалар. Бу Шайх Абу-л-Фараж ибн Абу Сайд ал-Ямонийга бағишлаб ёзилган рисола.

113. Ал-Масоил ал-маъдуда — саналган масалалар — табобатга оид.

114. Манофиъ ал-аъзо — аъзонинг фойдалари. Бунда инсон вужудининг яратилиши, барча аъзолар ҳамда асаб тўғрисида, уларнинг инсонга фойдалари ҳақида ҳикоя қилинади.

115. Фи-л-ҳиндибо — саҷратқи ҳақида рисола. Ўзбекча таржимаси ҳам нашр этилган.

116. Васият ҳифз ас-сиҳҳа — соғлиқни сақлаш борасида тавсия этиладиган нарсалар ҳақида.

117. Ғизоларнинг зарарини бартараф қилиш ҳақида.

118. Соғлиқни сақлаш ҳақидаги икки фойдали маслаҳат.

119. Иксир. Бу "Амри мастур ас-санъа", "Кимиё" номи билан ҳам маълум. Бу рисолани муаллиф билан Шайх Абу-л-Ҳасан Саҳл ибн Муҳаммад ас-Саҳлий ўртасида бўлган суҳбат натижасида суҳбатдошининг илтимоси билан Ибн Сино ёзиб берган.

120. Ад-дурр ал-макнун ва ал-жавҳар ал-масун. Беркитилган дур ва авайлаб сақланган гавҳар.

121. Ар-руъё ва-т-таъбир. Туш ва унинг таъбирлари ҳақида. Руҳ ва унинг ҳолатлари, кайфиятлари, таъбири, унинг турлари, ундаги турли-туман ихтилофлар ва шунга ўхшаш ҳолат 130 дан ортиқ бўлимда шарҳланади.

122. Сиҳр, тилсимот, найранжот ва ажиб нарсалар. Бу инсоннинг ички кечинмалари, уни ҳайвонот оламидан ажралиб, алоҳида тутган ўрин, инсон руҳий ҳолатида юз берган ва берадиган турли-туман вазиятлар ҳақида баҳс этади.

123. Аби Абдуллоҳ ал-Барқийга аталган "ас-Синоат ал-олия" рисоласи. Ал-Барқий Ибн Синонинг дўсти бўлган. Унинг илтимосига биноан сариқ қибритдан қандай қилиб қизили олиниши ҳақида ёзилган рисола.

124. Қасида фимо яҳдусу мин-ал-умур ва-л-аҳвол. Бу муаллифнинг ишлари ва аҳволи борасида юз берган баъзи ҳодисаларга бағишланган қасидаси — шеърий асари.

125. Аз-зовия. Бу геометрияга оид асар. Бунинг яна бир машҳур номи "Таҳқиқ мабоди ул-ҳандаса". "Геометриянинг бошлангичи ҳақида текширишлар"дир.

126. Ҳалл мушкилот муайяна — муайян қийинчиликни ҳал қилиш масаласи (форсча). Библиографларнинг китоб бошланишидаги сатрларни келтиришганига қарангда асар ҳайъат — Астрономия масаласига бағишланган, етти фаслдан иборат бўлиб, 18 та шакли ҳам бор.

127. Руъят ал-кавокиб бил-лайл ло би-н-наҳор — Бу юлдузларнинг кечаси кўриниб, кундузи кўринмаслиги ҳақида. Буни муаллиф "дунё ва диннинг ёрдамчиси буюк султон"га бағишлаб ёзган.

128. Абу Райҳон Берунийнинг астрономияга оид "Масъудий хутбасига шарҳ" деб ёзилган. Балки бу Абу Райҳон Берунийнинг "Қонуни Масъудий" деб аталган йирик астрономик асари (бу асар ўзбек ва рус тилларига таржима ҳам этилган)нинг муқаддима қисмига битилган Ибн Сино шарҳи бўлиши керак.

Маълумки, Абу Райҳон Беруний астрономияга оид "Масъуд қонуни" асарини Газна салтанатининг ҳукмдори Масъудга бағишлаган. Масъуд 1030 йили отаси Маҳмуд

Газнавий вафотидан сўнг таҳтга ўтирган. Бундан чиқди, Ибн Синонинг рисоласи умрининг сўнгти етти йили ичидагизилган бўлиши керак. Бу вақтларда Абу Райхон Газна ҳукмдори ҳузурида хизмат қиласади, Ибн Сино эса Алоуддавла ҳузурида — Эрон ерларида эди.

129. Олат — ассобларни қабул қилишда бошқа йўллардан кўра тутиладиган енгил йўл. Бу "Алмажистий" ("Алмажеста") китобига ёзилган илова. Бу муаллифнинг "Китоб лавоҳиқ" — "Қўшимчалар китоби"дан парча бўлиши керак:

130. Илм синоат ал-мусиқо — музика санъати ҳақида. Бу алоҳида рисола, лекин "аш-Шифо"га кирган катта музика китоби эмас. Бу рисола Ҳайдарободда босилган рисолалар тўпламига кирган.

131. Ал-фалак ва-л-манозил — Бу фалакиёт ва ой манзиллари ҳақида асар. Унинг бошқа номи "Ҳайъат илми ҳақида қисқача китоб".

132. Қуёш, ой ва кечакундуз фасли қонуниятлари.

133. Ернинг туриши самонинг ўртаси. Бошқача номи сабаблар баенидир. Бу Абу-л-Ҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳлий сўровига биноан ёзилган ўн фаслдан иборат асар. Жисмлар чегараси, бир жисм бор бўлмаса улар жиҳатларининг бўлмаслиги ва тасаввур ҳам қилинмаслиги, ҳар бир жисмнинг табиий ўрни бўлиши ҳақида ҳамда ҳар жисмнинг ниҳоятсиз ва тўғри табиий ҳаракати бўлмаслиги, ўзининг табиий ўрнида бўлган ҳар бир жисм табнатан ўша ўриндан ҳаракат этмаслиги каби қатор масалалар қамраб олинган. Қадимги олимларнинг бу тўғрида билдирган фикрлари баён этилади.

134. Уқлидус мухтасари. Бу Эвклид асарининг қисқартмаси. Бунда тўрт юздан ортиқ геометрик шакллар бор. Бу "аш-Шифо"нинг фалакиёт қисмига ўхшаш, аммо у "ан-Нажот" китобининг шу қисмидан уч марта каттароқ ҳажмда.

Ибн Синонинг ижодига багишланган библиографик китобларда дунёнинг кўп кутубхоналарида "аш-Шифо"нинг фалакиёт, арифметика, музика каби асарларининг турли-туман қўллэзмалари мавжуд бўлиб, улар давр тақозосига кўра турли шаклда кўчирилган ҳамда ўша ҳолда сақланиб қолинган.

135. Исбот ал-мабдаб ал-аввал. Бу Аристотелнинг "Мо баъда ат-табиа" — "Метафизика" китобидан бир парча. Маълумки, Ибн Сино бу китобга шарҳ ёзган.

136. Абу Али ибн Синодан сўрадган масалаларга унинг жавобидан бир фасл.

137. Ат-тамжид — Аллоҳнинг яккалигига багишланган мадҳ. Бу асар "Хутбат шарифа", "Хутбат ат-тавҳидия", "Рисолат фи хутбат ат-тамжидия", "Ал-хутбат ал-илоҳия" деган номлар билан ҳам машҳур.

138. Жумонат ал-илоҳия — Илоҳий хазина. Бу 334 байти беш фаслдан иборат фалсафий достон. Баъзан уни "Ал-қасидат ан-нуния" — байт охири "нун" билан тугаган қасида деб ҳам юритилади.

139. Ҳақойиқу илм ат-тавҳид — бу асарнинг бошқача номи "Рисолат фи маърифат зот Аллоҳ ва сифатуҳу ва афъолуҳу" ("Тавҳид илмининг ҳақиқатлари"). "Тавҳид" деганда Аллоҳнинг якка-ягоалиги ҳақида сўз боради. Бу асарнинг иккинчи номи "Аллоҳ зоти, сифати ва феълларини билиш ҳақида рисола"дир.

140. Сирр ул-қадар — Тақдир сири. Бу рисолани Ибн Сино Шайх Саид Абулхайрнинг сўровига биноан тақдир сирларини шарҳлаб ёзib берган.

141. Шарҳ асмо Аллоҳ — Аллоҳ исмларининг шарҳи.

142. Ал-Аршия. Бу асар "Рисолат ат-тавҳид" деган номни ҳам ташиди. Бунда Аллоҳнинг сифати, унга қандай қилиб эътиқод қилиш кераклиги, яккахудолик — тавҳид илмининг ҳақиқати, тангрини вожиб ул-вужуд (Зарурий вужуд) лиги ҳақида.

143. Ал-Арш. Бу ҳам фалсафий асар бўлиб, тангри, дунё, борлиқ ва унинг тузилиши, асл сабаблар, ақл ва унинг назарияси ҳаби тушунчалар ҳақида баҳс этади. Бу асар "ас-Силсилат ул-фалсафия" ("Фалсафий занжир"), "Ал-Аршия ҳикматлари" деган номлар билан тарқалган.

144. Ақл ал-кулл — Умумий ақл. Ақл назарияларидан бири бўлмиш — умумий ақл масаласига багишланган.

145. Фусул. Бу ном билан ҳам Ибн Синонинг бир қанча рисолалари бор. Бу ном билан сақланадиган асарнинг бири табобатга оид бўлиб, Туркияниң Аясуфия кутубхонасида (инв. № 3683) сақланади. Асар 58 фаслдан иборат. Яна бошқа бир асарда нарсанинг борлиги,

унинг вужудга келиши, Аллоҳнинг бўлиш йўл-йўриғи, ирода, лузумият, вужуб, вожиб ул-вужуд, тоя, камолот, ваҳдат — бирлик, илм — ҳикмат, ақл, башар аҳлиниңг ҳақиқати каби қатор масалаларни қамраб олган.

146. Ал-Фусул ас-салоса. Уч фасл. Борлиқни яратувчиси, унинг бирлигининг исботи, билинган нарса билан билинадиган нарсаларниңг моҳияти баён этилади.

147. Фусул фи-л-ҳикма. Ҳикмат — фалсафадан фасллар. Бу ҳам фалсафий асар бўлиб, ҳар бир нарсанинг борлиги, унинг вужудга келиши, Аллоҳнинг билмак йўл-йўриқлари, каби қатор масалалардан баҳс этади.

148. Ал-Фалсафат ал-увло — Биринчи фалсафа. Бунда асар мавзуи, унинг тояси, амалий ва назарий фалсафаниңг фарқи ҳақида фикр юритилади.

149. Ал-Файз ал-илоҳий. Бунда феъллар ваҳий, каромат, мўъжиза, сеҳр, тушлар, тилсимлар ҳақида тушунчалар берилади. Бу балки Ибн Синонинг шифосига кирган "ал-Афъол ва-л-инфироғ" китобидан парча бўлса эҳтимол.

150. Ал-қадар. Бу рисола ҳам фалсафий асар бўлиб, унда қазо ва қадар масаласи борасида фикр юритилади. Ибн Синонинг "Қазо ва қадар" номида ёзилган маҳсус рисоласи ҳам бор. Яна муаллифнинг "Фи-л-қазо ва-л-қадар" ("Қазо ва қадар тўғрисида") деган рисоласи ҳам бор.

151. Ал-Калимат ал-илоҳия — илоҳий сўзлар. Бу асар "Аллоҳнинг зоти ва унинг сифати" деган ном билан ҳам танилган.

152. Ал-мабда ва ал-маод. ("Бошлиниш ва қайтиш" рисоласи). Бу рисола босилган ҳам. Унда биз бу оламга қаердан келдик, нима учун келдик, бу оламдан чиққаҷ, қаерга борамиз ва дунёдан айрилиб, кейин барзаҳга бориш, унда кечадиган аҳвол ҳақида баҳс этилади. Бу номда ҳозирги кунда Ибн Синонинг бир қанча рисолалари бор. Уларнинг тузилиши бир-биридан фарқ ҳам қиласи. Шундай рисолаларидан бирини Ибн Сино ўзининг севимли бир дўстига ёзган, у 16 фаслдан иборат: нафс таърифи, нафс қувватлари, нафснинг пайдо бўлиши, жузъий ва умумий туси ва ҳоказо масалалардан баҳс этади.

153. Руҳ аҳволи ҳақида масалалар. Бунда руҳ қаердан келди, қаерга кетади, унинг тузилиши, шакли

қандай, уни қандай тасаввур қилиш мумкин деган масалалар қараб чиқилади.

Рисолада бу каби саволларга жавоб берилади. Бундан ташқари шу номдаги машҳур бошқа бир асар ҳам бор. Бунда ҳам 15 та фалсафий масалалар баён этилади.

154. Рисолат адҳовия фи амр ал-маод — қайтиш борасида қурбонлик қилиш рисоласи.

Бунда қайтишнинг моҳияти, маод ҳақида турли-туман қарашлар, ёлғон назарияларга раддиялар каби қатор фалсафий масалалар қамраб олинган. Асар Абу Бакр ибн Муҳаммадга атаб ёзилган. Рисола "ал-Адҳовия" деб ҳам машҳур бўлган.

155. Муқаддима фи-л-маод — Маодга кириш. Бу рисола "ан-Нажот"дан олинган парчага ўхшайди. Унда ҳақиқий баҳт-саодат, мабда ва маод, пайғамбарликнинг исботи, унинг аҳволи ҳамда тангрига ибодат қилиш ҳақида сўзланади.

156. ал-Малоика. Бунда фаришталарнинг яратилиши, уларнинг булиниши ва даражалари, фаришталарнинг илгари келганилари, бир-бирларига қарам бўлган фаришталар, уларнинг тангрига қилган ибодатлари, итоатлари ҳақида сўз юритилади.

157. Ал-мумкун ал-вужуд. Бу асар Ибн Сино шогирди Абу Убайд ал-Жузжоний саволига жавоб таҳриқасида ёзилган асар. Унда мумкин бўлган вужуд нима деган саволга таъриф берилади.

158. Ан-нафс ва-л-маод. Нафс ва қайтиш ҳақида рисола.

159. Исбот вужуд Аллоҳ — Аллоҳ борлигининг исботи.

160. Тафсир суврат ал-иҳлос — "Қуръоннинг "Ихлос" суврасига шарҳ"

Ибн Сино Қуръоннинг бир қанча сувраларига шарҳ ёзган, унинг "Тафсир суврати ал-Фалақ", "Тафсир суврати ал-Аъло", "Қул ҳуваллоҳу аҳад", "Тафсир суврати ан-Нос" каби шарҳлари бор.

161. Ижобат ад-дуо ва кайфият аз-заётат — Дуонинг юз бериши ва зиёрат кайфияти. Бу асар "Қабрларни зиёрат қилиш ва дуо масаласи", "Дуо ижобати сабаблари ҳақида", "Таълиқот китоби"дан фойдалар" каби номлар билан машҳур. "Ат-Таълиқот" китоби сўнгти йилларда нашр этилган. Бу Ибн Синонинг кўп асарларига ёзилган шарҳлардан иборат.

162. Ал-Аҳодис ал-марвия — Ривоят қилинган ҳадислар. Пайғамбарнинг одамларга бўлган муносабатлари борасида айтилган ҳадислар ҳақида.

163. Зикр қилиш ҳақида. Бу асар "Ибн Сино рисолалари" тўплами ичида ҳижрийнинг 1354 йили Ҳайдарободда нашр этилган.

164. Баҳс фи маҳият ал-ҳузын ва асбобуҳу ва муолажотуҳу — Қайгуниңг моҳияти, сабаблари ва даволаш йўллари ҳақида баҳслар.

165. Ҳикмат ал-мавт — Ўлим ҳикмати. Бунда инсон руҳининг келиши, ундан кузатилган мақсад, гоя ва камолот масаласи, руҳнинг бадандан айрилишидаги сабаблар ва унинг кейинчалик кечирадиган кечмишлари ҳақида.

166. Ҳайй ибн Яқзон. Ибн Синонинг фалсафий қиссаси. Бу қиссага ўрта асрларда ҳам шарҳлар ёзилган. Ўзбек тилига шу сатрлар муаллифи қилган таржима 1963 йили "Фалсафий қиссалар" номи билан босилган тўпламда нашр этилган. Сунгра 1980 йили Гафур Ғулом нашриёти чоп этган "Саломон ва Ибсол" тўплами ичида ҳам бор.

167. Ҳутбат аш-Шайх — Шайх Абу Али ибн Синонинг ҳутбаси — диний насиҳатларидан иборат. Унинг бир номи "Насойиҳи диния"—"Диний насиҳатлар"dir.

168. Ал-Хилват — хилватда булиш, тангрининг зикри, унга интилиш масаласига багишланган.

169. Ал-Дуо — дуо ва олий тангрига буйсунуш ҳақида рисола.

170. Даф ул-ғамм ва-л-ҳамм — ғам ва безовталанишни қайтариш ҳақида рисола.

171. Даф ул-ғамм инд ал-вүқуъ ал-мавт —"Ўлим юз берганда ғамни қайтариш ҳақида" рисола.

172. Аз-Зуҳд. Зоҳид — тарки дунёчилик ҳақида рисола. Бу Абу Саид Абу-л-Ҳайрга ёзилган бир мактубдир.

173. Ас-Саода ва аш-Шақоват ад-доима фи-н-нуфус—Руҳ ва нафс учун доимий баҳтлилик ва баҳтсизликнинг нимадан иборат булиши ҳақида.

174. Ас-салот ва моҳиятуҳо — Намоз ва унинг моҳияти ҳақида. Ибн Сино бу асарини бирорвонинг илтимоси билан ёзган. У уч фаслдан иборат.

1. Намознинг моҳиятини билдиради. Бу фаслда бир муқаддима ҳам бор.

2. Намознинг ботиний ва зоҳирий томонлари.

3. Бу икки қисмга ажралган намозлар кимларга вожиб бўлгани ҳақида гапирилади.

175. Рисолат ат-тайр. Қуш ҳақида рисола. Бу ҳам фалсафий асар булиб, унда киши жони мисоли бир қушга ўхшатилади. У бадан қафасига тушиб, ундан халос булиш учун ҳар хил кечмишларни бошдан кечиради. Бу асар ҳам шу сатрлар муаллифининг арабчадан ўзбекчага қилган таржимасида 1963 йили "Фалсафий қиссалар" тўплами ичида, 1980 йили "Саломон ва Ибсол" тўпламида нашр этилган.

176. Рисолат фи моҳият ишқ. Ишқнинг моҳияти ҳақида рисола. Бу асарни Ибн Сино уз шогирди қонуншунос Абу Абдуллоҳ ал-Маъсумий илтимосига биноан ёзган. Китоб муқаддимасида Ибн Сино шуларни эслаб, кейин асарни ёзишга киришади.

177. Ал-Илм ул-ладунний — мистик илм. Бунда суфия аҳлиниңг эътиқод этган гайб илми ҳақида гап боради. Беш фаслдан иборат.

178. Ал-Аҳд — Ибн Синонинг фалсафий асари. Бу киши нафси — жони баданга илашиб, кирланиши ва уни аслига қайтариш учун қандай ҳаракатда булиши ва қандай ибодат қилиши кераклиги ҳақида ёзилган рисола.

179. Ал-Фирдавс фи моҳият ал-инсон — инсон моҳиятида жаннат масаласи. Бу, асосан, фалсафий асар. Баъзи рўйхатларда "тасаввуф" номи билан ҳам кўрсатилади. Унда ҳам инсоний қувватлар, тирик зотнинг идрок қилиш масаласи, руҳ ва муқаддас руҳлар ҳақида ҳамда Ишроқ фалсафасига доир фикр-мулоҳазалар юритилади.

180. Фавоид ва нуқат — фойдалар ва ҳикматлар.

181. Қиссат Саломон ва Ибсол. Бу қисса ҳам машҳур қиссалардан булиб, Ибн Сино қаламига тегишли асар Тошкентдагина сақланиб қолган. Қиссанинг арабчадан ўзбекчага қилинган таржимаси 1963 йили "Фалсафий қиссалар" китоби ичида чоп этилган. Сунгра 1980 йили "Саломон ва Ибсол" деган тўплам ичида нашр ҳам бўлган. Бу асар таҳлилига доир маълумотлар шу сатрлар муаллифининг "Ибн Синонинг "Саломон ва Ибсол" қиссаси" монографиясида нашр этилган (1973).

182. Каламот ас-суфия. Суфиялар сўзлари. Бунда суфия тоифаларининг истеъмолда бўлган истилоҳлари

ҳақида сўз боради. Асар бир неча фасллардан иборат.

183. Мухотабат ал-арвоҳ баъда муфорақат ал-ашбоҳ — Руҳларнинг ўхшали бир акралишдан сунг келишуви. Бу асар тўқиз фаслда изоҳланади.

184. Муъжиза ва кароматлар. Пайғамбар ва авлиёларда юз берадиган гайритабиий ҳолатлар ҳақида.

185. Мақомот ал-орифийн — Орифлар ўрни-мақомлари. Турк олими ва библиографи Усмон Эргиннинг ёзишича, бу асар Ибн Синонинг "ал-Ишорат ва ат-танbihot" асарининг бир парчасидир.

186. Ан-Насиҳа ли баъз ал-ихвон — Баъзи дўстларга насиҳатлар.

187. Ал-Мавт ул-ҳаёт. Ҳаёт улеми. Бу жасад билан руҳ ҳақида, ўлимнинг нималиги шарҳланади.

188. Ал-Вард ал-аъзам. Буюк гул. Аллоҳдан нажот талаб қилиб ёзилган бир муножот, нома.

189. Исбот ан-нубувва. Пайғамбарликнинг исботи ҳақида ёзилган асар. Бу рисола Ибн Синонинг "Тўқиз рисола" тўпламида нашр этилган. Бу асарнинг нашр этилмаган форсча нусхаси Туркияning Нур Усмония кутубхонасада (инв. № 4894) ҳам мавжуд.

190. Ал-ахлоқ. Бу рисоланинг арабча матни Ибн Синонинг нашр этилган рисолалари ичида чоп этилган. Унинг ўзбекча ва русча таржимаси ҳам босилган.

191. Ал-Ахлоқ ва нафсоний таъсирланишлар. Бу асарнинг бир нусхаси Упсала (Швеция)да мавжуд (инв. № 364), бошқа ерларда сақланмаган. Буни Ибн Сино Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Арузийга ёзиб тақдим қилган.

192. Ал-Аэроқ. Аллоҳ берган ризқ ҳақида тап боради.

193. Ал-Бирр ва-л-исам. Саховат ва жиноят китоби. Бу Абу Бакр ал-Барқий деган кишига ёзиб берган ахлоққа оид асар. Абу Убайд ал-Жузжонийнинг ёзишига қараганда бу асар икки жилдан иборат бўлган.

194. Тадбир манзил ал-аскар. Аскарлар қароргоҳи чоралари ҳақида. Одатда ёз ва қиши мавсумларида ҳукмронлар сафар қилганиларида аскарлар учун қароргоҳ таилаш муҳим масала ҳисобланган. Бунда жойни иссиқ ё совуқ вақтига қараб таиланган, ҳатто унда баъзи бир хасталикларга қарши чоралар ҳам кўрилиши назарда тутилган.

195. Тадбир ал-мусофирин — саёҳатчилар учун куриладиган чоралар. Бу асарда узоқ йўлга чиқадиган бўлинса, саёҳ ўз сафаридан олдин зарур бўлган тадорикни кўриши ҳақида сўз юритилади. Чунончи, чарчоқ ва ҳорғинликда бўлганда емак-ичмакка алоҳида эътибор бериш ҳақида ва ҳоказо.

196. Ас-Сиёsat. Бунда кишининг ўзига ва оиласига, ички ва ташқи одамларга, боласи ва хизматчиларига буладиган сиёсати ҳақида сўз боради.

197. Насойиҳ ал-ҳукамо ли-л-Искандар — Ҳакимларнинг Искандарга насиҳатлари.

Искандар Зулқарнайн мағриб ўлкасини эгаллаганда бир қавмнинг котиб ва адаб бўлган файласуфиларига "Тиббий даво қулланишидан баданга етадиган фойдалик чоралар нимадир?" деган саволига файласуфларнинг берган жавоби тариқасида ёзилган рисола.

198. Ал-Иршод — йўлланма. Бу шайх Абу Саид Абу-л-Хайрнинг Ибн Синога йўллаган саволига унинг жавоби. Абу Саид бу жавобни олиб, ниҳоят даражада севиниб кетган, ҳатто у айтган: "Бу жавоблар мени юз минг йиллик бир умрда етишадиган бир мартабага эриштириди" деган ва уни "ал-Мисбоҳ" ("Чироқ") деган китобида битган экан.

199. Ҳусул илм ва ҳикмат — Илм ва ҳикматга эришиш ҳақида. Бу Абу Саид Абу-л-Хайр саволига Баязан бу асар "Абу Саид Абу-л-Хайрга йўллаган рисола" сифатида ҳам маълум.

200. Шайх Абу Убайд ал-Жузжоний ва Абу Саид Абу-л-Хайрга нафс тўғрисида ёзилган рисолалар.

201. Риқъа. Бу Ибн Синонинг Абу Тоҳир ибн Ҳасулга ёзган мактуби. Библиографик асрларда бир хил риқъалардан 8 донаси бор. Булар яна: Абу Тоҳир Аҳмад ал-Мутаббип, Абу-л-Фазл Маҳмуд, Алоуддин ибн Кокуя, Ибн Зайло, Абу Жаъфар ал-Қошоний, Абу Саид Абу-л-Хайр ас-Суфий кабиларга ёзилган риқъалардур.

202. Илмлар мавзуига битилган ҳошиялар.

203. Ас-Санойиҳ ал-амалия — Амалий яратилмалар. Бу номда ҳам бир неча рисолалар мавжуд, улар бир-биридан фарқлидур.

204. Қасида. Берлин каталогининг кўрсатишича, бу 33 байти (66 йул) шеърдан иборат.

205. Рисолат ал-меърожия — меърож ҳақида рисола.  
Бу рисола форсийда ёзилган.

Қанаватий библиографиясида келтирган асарлар  
рўйхати 276 та. Биз бу ерда Ибн Синонинг асосий  
асарлари рўйхатини келтиридик.

Ибн Синонинг библиография китобларида битилган  
асосий асарлари шулардан иборат. Ибн Синога тегиши-  
лиги шубҳали ҳисобланган асарлар ҳамда баъзи бир  
кичик рисолалар бу ерда келтирилмади.

## МУНДАРИЖА

### ИБН СИНОНИНГ БОЛАЛИГИ

3

### ИЛК УСТОДИ

6

### ТАБОБАТНИ ЎРГАНИШ

8

### "МЕТАФИЗИКА МУТОЛААСИ

10

### ИЛК ФАЛАБА

12

### КЎП ХОНАЛИК КУТУБХОНА

15

### ОТАСИННИГ ВАФОТИ

18

### СОМОНИЙЛАР ҲОКИМИЯТИНИНГ ҚУЛАШИ

### ВА БУХОРОНИ ТАРК ЭТИШ

20

### ИБН СИНО ХОРАЗМДА

22

### ЖУРЖОН ВА АЛ-ЖУЗЖОИЙ БИЛАН УЧРАШУВ

25

АБДУЛВОҲИД АЛ-ЖУЗЖОНИЙ

29

ЖУРЖОН ЭЛИДА

31

САЙИДА ХОТУН ВА МАЖДУДДАВЛА

38

ИБН СИНО ҲАМАДОНДА

41

ИБН СИНО ИСФАҲОНДА

50

ТИЛШУНОС АБУ АЛИ

55

СҮНГГИ ЙИЛЛАР

56

АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ  
ЎЗ ТИЛИДАН ЁЗИБ ОЛИНГАН  
ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

62

ШАЙХ АР-РАЙСНИНГ ҲАМРОХИ  
АБУ УБАЙД АЛ-ЖУЗЖОНИЙ АЙТАДИ

67

АЛ-ЖУЗЖОНИЙНИНГ "АШ-ШИФО" ГА  
ЁЗГАН МУКАДДИМАСИДАН

78

АБУ АЛИ ИБН СИНО АСАРЛАРИ

81

ИБН СИНО АСАРЛАРИ РЎЙХАТИ

84

Абдусодик Ирисов

АБУ АЛИ ИБН СИНА

(жизнь и творчество)

на узбекском языке

Издательство "Узбекистон"— 1992.  
700129, Ташкент, Навои 30.

Рассом Евсеева Д.  
Безовчи муҳаррир Деконхўжаев А.  
Тех. муҳаррир Собирова С.  
Мусаҳзиқ Расулова С.

ИБ № 5443

Теришга берилди 13.12.91. Босишига рухсат этилди 27.04.92.  
Формати 84x1081/32. "Таймс" гарнитурада юқори босма усулида бо-  
силиди. Шартли бос. л. 5,46. Нашр л 5,73. Тиражи 17000.  
Заказ № 88

"Узбекистон" нашриёти, 700129, Тош' чт, Навоий кӯчаси, 30.  
Нашр № 199-9

Узбекистон Республика Матбуот давлат комитети,  
Тошкент раигли босма фабрикасида босилди,  
700128, Тошкент, Усмон Юсупов кӯчаси, 86.

И 74 Ирисов Абдусодик.  
Ҳаким Ибн Сино. —Т.: Ўзбекистон, 1992. —  
102 б.— (Шарқ мутафаккирлари)  
ISBN 5-640-00838-9

Қўлингиздаги китобда буюк ватандошимиз Абу Али ибн  
Синонинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилинади. Сиз  
ундан улугъ ҳакимнинг ёшлик йилларидан то умрининг  
сунгти вақтларигача кечган ҳаёт йўли, унинг асрлари  
таълиф этилиши тарихи билан танишасиз.

Ирисов Абдусадик. Абу Али Ибн Сино.

ББК 72.3

№ 193-92  
Навоий номли ЎзЖ и 4402000000-40  
Давлат кутубхонаси. М 351 (04) 92 92